



# SOҲIBҚИРОН YULDUZI



Соҳибқирон  
юлдузи

№4(6)2011 й.



شعر الناس المصطفى  
في رجب


الشهوة الحقة والملك

الحنين كهم غيل في نديمي  
منهم ليدب الهم



Амир Темур шахсини идрок этиш тарихни идрок этиш  
демакдир. Амир Темурни унутмас - тарих қарига чуқур  
илдроз отган таъирларимиз, маданиятимиз, қудратимизни  
асослашиб, буюк ишеничимизни муостахкамлаш демакдир.

Шайба ҚАРИМОВ



# SOHIBQIRON

Адабий-бадиий, ижтимоий-маърифий журнал

**БОШ МУҲАРРИР:**

Исмоил ТҲТАМИШЕВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Муҳаммад АЛИ  
Нафас ШОДМОНОВ  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
Акмал САИДОВ  
Убайдулла УВАТОВ  
Абдурахим ЭРКАЕВ  
Поён РАВШАНОВ  
Холмуҳаммад ҲАСАН  
Лола САОДАТОВА  
Жумакул ҚУРБОНОВ  
Тура САИДОВ  
Юлдуз ЭРГАШЕВА  
Зафар ҚОБУЛОВ  
Азамат САТТОРОВ  
Шарофат АШУРОВА  
Санжар ЧОРИЕВ  
Муҳаммад ОЧИЛ  
Амир ХУДОЙБЕРДИ  
Жаббор ҲАЛИЛ  
Шомурод ШАРОПОВ  
Турдиали МАДУМАРОВ  
Сирожиддин САЛОМОВ

**МУАССИС:**

Халқаро Амир Темур жамғармаси  
Қашқадарё вилояти бўлими.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот бошқармасида 2010 йил 17  
майда 14-058 рақами билан рўйхатга  
олинган.

Журналдан кўчирма олинганда манба  
қайд этилиши шарт.

**Манзилимиз:** Қарши шаҳри,  
Мустақиллик шоҳ кўчаси 2-уй.  
Телефон: 221-08-44

Нашр учун масъул: Илҳом Тоғаев  
Йўлдошевич.

Бичими 70x100 1/16.  
8,0 босма табоқ. Адади 1000 нусха.  
Буортма № 688.  
«Тошкент тезкор басмаҳонаси»  
МЧЖда чоп этилди.

**БОСМАҲОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри. Радиал тор кўчаси, 10-уй.  
Телефон: 226-66-33.

## УШБУ

### Муҳаррир минбари

**Исмоил ТҲТАМИШЕВ**

Оила муқаддас маскан.....4

### Эҳтиром

**Абдурахим ЭРКАЕВ**

Ислоҳотлар назариясининг узак ғоялари.....5

### Рухияти сурати

**Умида АБДУАЗИМОВА**

Озодлик кўёшдек қадрли.....16

**Амир ХУДОЙБЕРДИ**

Қалбларга туташди бир парча оташ.....46

**Озода БЕКМУРОДОВА**

Изингга шабнамдай тўкилдим.....53

**Баҳром МАҲМУД**

Беғубор тилагим Ватан!.....73

### Тафаккур сочқилари

**Неъмат АРСЛОН**

Сояда ухлаётган толеъ (ҳикоя) .....89

**Дилрабо ВОИЗ**

Хосиятли туш (ҳикоя).....102

### Жаҳоний жавоҳир


**Стефан ЦВАЙГ**

Амок (қисса).....18

### Иборатхона битиклари

**Нафас ШОДМОНОВ**

Нажот дарвозаси (Драма) .....55



## СОНДА:

### *Миллат, миллият*

Давронбек МАХСУДОВ	
Рухоният хомийси.....	34
Абдулла ХОЛМИРЗАЕВ	
Буюк фатво.....	47
Саодат ШУКУРОВА	
Тил маданияти - баркамоллик тимсоли.....	71

### *Журният мактаби*

Сафар КАТТАБОВ	
Қатагоннинг қон ҳужжатлари .....	64

### *Калом тавсифи*

Тура НАФАСОВ	
«Фарҳод ва Ширин»да Қашқадарё халқ сўзлари.....	76

### *Кунгилга йўл*

Дилшод КАРОМОВ	
«Насаф-фильм» киностудияси ташкил қилинади.....	84

### *Эътироф*

Норбута ҲОЗИЕВ	
Умр саҳифаларига сочилган гуллар.....	86

### *Яшайтган сатрлар*

Чори АВАЗ	
Рухим ҳам сафарга таппа-тахт, ҳозир.....	100

### *Баркамоллик зийси*

Мафтуна НОРМАТОВА	
Нафис шеърларимнинг васлига тўйинг (шеърлар).....	106
Инобат АБДУЛЛАЕВА	
Саробга айланган бахт (ҳикоя) .....	108
Мўътабар БОЙМАТОВА	
Яралдим дунёнинг сўроқларидан (шеърлар) .....	110

### *Муаллифларимиз*

## 2011 йил - Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили



Журнал саҳифаларидаги фотосуратларни Шомурод ШАРОПОВ олган.

Муқованинг 1-бетини рассом Ғанишер Ҳайдаров безади.

Журналда рассом Тошпўлат Номозовнинг ижодий ишларидан бадиий безак сифатида фойдаланилди.

Журнал саҳифаловчиси:  
Мансур МУСАЕВ.

# ОИЛА

## МУҚАДДАС МАСКАН

Ҳар бир элу юртнинг бўйи-басти, обрў-эътибори ундаги оилаларнинг мустаҳкамлиги билан белгиланади.

Шарқда азал-азалдан оила муқаддас Ватан саналиб келинган. Агар оила соғлом, тинч-тотув ва мустаҳкам бўлса, оиланинг қўрғони бўлган ҳар бир маҳаллада ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлилик қарор топиб, юрда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Миллий қадриятларимизнинг илдизи оила билан чамбарчас боғланган. Зеро, инсон ҳаётининг маъно моҳияти, мазмуни оилада.

Мустақиллигимизнинг тарихга айланган ҳар бир йилига қутлуг ном бериш замирида тараққиётимиз пиллапоялари мужжасамлашган. Барча йилларнинг номланишида қайси бир жабҳада инсон эҳтиёжларини қондириш, турмуш фаровонлигини ошириш ғояси ётади ва ислохотлар назариясининг ўзагини ташкил этади. Истиқлолимиз меъмори муҳтарам Президентимиз 2012 йилни "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилдилар. Давлатимиз раҳбари ҳар бир нутқларида таъкидлаганларидек, барча эзгу ниятларимизнинг марказида, халқимизнинг ҳар жиҳатдан дунёга бўй-курсатиши, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялашдек мақсадларнинг амалга ошишида оила мустаҳкамлигининг ўрни бекиёс.

2012 йил «Мустаҳкам оила йили»да ҳам она Ватанимиз равнақи, халқимиз турмуш фаровонлигини яна яхшилаш, имлоҳотларни тараққиёттиришдек долзарб масалалар маълум даражада ўз ачимини топади.

Ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида туб ислохотлар кетаётган, инсон омилини фаллаштириш жараёни изчил давом этаётган, халқимизнинг турмуш фаровонлиги тобора юксалаётган, Юртбошимиз ишонч билдирган ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук, ўзининг мустақил фикрга эга-этиб тарбиялашда ҳам мустаҳкам оила муҳим ўрин тутди.

Ҳеч бир инсон онадан ёмон бўлиб туғилмайди. У носоғлом оила, муҳит ёки тарбиянинг бўшлиғи, нобоплиғи туфайли номукамал шахс сифатида шаклланади. Мустабид тузум бизнинг шарқона одобимизга, мустаҳкам оиламизга ҳам путур етказди. Кўпгина оилавий қадриятларимиз кўр-кўрона инкор этилди.

Истиқлолимиз шарофати туфайли инсоний қадриятларимизни қайта тиклаш бахтига муяссар бўлдик. Биз ҳар бир лаҳза комилликка интилиб яшамокдамиз. Бу эса ўз навбатида бадбинликларга, тартиб бузарликларга барҳам бераётир.

Дунёда инсон учун энг улуғ ва зарур нарса тинчлик, соғлиқ, муҳаббат ва иймондир. Мустаҳкам оила уларнинг барчасини ўзида мужжасам этади. Одамзот орзу қилган энг азиз туйғулар оилада қарор топади.

Шу боисдан ҳам муқаддас саналган оила ҳаётнинг абадийлигини, муносиб авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, миллий урф-одатларимизни ўзида мужжасам этган, шу билан бирга келажак насллар етук инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўсатадиган тарбия ўчоғи ҳамдир.

Мустақилликнинг 20 йили давомида ҳар жабҳада эришилган ютуқлар, амалга оширилган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар муваффақиятини аввало ҳар бир оилада юз берган туб ўзгаришлар билан боғлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳолбуки, ҳар бир оилада соғлом муҳит шаклланмасдан, мустаҳкамланмасдан кўзланган эзгу мақсадларга эришиб бўлмайди.

# ИСЛОҲОТЛАР НАЗАРИЯСИНИНГ ЎЗАК ҒОЯЛАРИ

**(Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асари ҳақида мулоҳазалар).**

“Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” асари мамлакатимиз истиқлол остонасининг ута таҳликали, драматик ва фавқулодда мураккаб икки йилдан ортиқ кечган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий аҳволини ҳамда истиқлолнинг илк ойларини ёритадиган тарихий манбадир. Асарда, биринчидан, мамлакатимиз раҳбарининг ўша йилларда халқимизга ўзлигини англашда, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий манфаатларини, она тилини, имон-этиқоди ва маънавиятини ҳимоя қилишда катта сиёсий ва руҳий таянч бўлган, куч-қувват ва ҳаётият бағишлаган, дунёқараши, қадриятлар тизимини, ҳаётга, мавжуд тузумга нисбатан муносабатини тамомила ўзгартириб юборган маърузалари, нутқлари, фармон ва қарорлари жамланган. Иккинчидан, китобда жамиятимизни тубдан янгилаш, имконини берадиган, мустақиллик йиллари тулик шаклланган ислоҳотлар назариясининг тамал тоши қўйилган. Ва ниҳоят, учинчидан, у миллий мустақиллик ғояси мазмуни бойиб боришининг хронологик назарий ва амалий тадрижини акс эттирган. Ушбу асарга жамиятимизда кўндан бўён аҳтиёж бор эди.

Китобга кирган барча мақолалар, ҳужжатлар Ислом Каримовнинг ижодкор-ислоҳотчи эканини кўрсатади. Китобни бошлаб берган “Биз бундан бўён эскича яшолмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди”, деб номланган 1989 йил 24 июнда ҳукуматнинг кенгайтирилган йиғилишида бундан атиги бир кунгина бурун сайланган республика раҳбарининг биринчи нутқиёқ ислоҳотчилик ғояларига, масалага янгича ёндашувларга, аниқ таклифларга бой.

“Фарғонада содир бўлган воқеалар Ўзбекистоннинг бошқа бир жойида юз бериши мумкинмиди? Бу саволга ҳам очиқ жавоб бераман: ҳа, мумкин эди”, (Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асари. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 2011 й. 33-бет; бундан кейин бу манбадан олинган иқтибосларнинг фақат саҳифаси қавс ичида кўрсатиб борилади) – ўқиймиз китобда. Бундай фикрни республикадаги аҳволни олдиндан чуқур билган, юз бериши мумкин бўлган оқибатларини безовталиқ билан онги, тафаккуридан, қалбидан ўтказган, халқ тақдири учун қаттиқ қайғурадиган ватанпарвар кишигина айтиши мумкин эди. Фарғонадаги воқеаларнинг асл сабабини муаллиф Марказнинг ва маҳаллий раҳбариятнинг рес-

публикада олиб борган нотўғри, хато сиёсати натижаси сифатида баҳолайди. Аҳолининг оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволи, ишсизлик, ёшлар муаммоларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши, ижтимоий адолатнинг барча соҳаларда бузилиши фожеали воқеаларни келтириб чиқарган эди.

Муаллиф Давлат план қўмитаси раиси сифатида илгари бутун республикадаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни батафсил ўрганиб чиққан бўлса, Қашқадарё вилоятини бошқарган йиллари оддий инсонларнинг меҳнат шароити, даромадию маиший турмушини иқир-чикирларигача билиб олган эди.

Китоб билан танишган синчков ўқувчи муаллифнинг ижодкорлик, ислохотчилик салоҳияти туғма бўлгани тўғрисида хулоса қилади. Меҳнат фаолиятининг барча поғоналарида, табиийки, у ўзини намоён этган. Раҳбарлик фаолияти қўлами ошган сайин ислохотчилик салоҳияти янада яққолроқ сезилган. Аслини олганда, айнан шу салоҳият ўша пайтлардаги республика раҳбарларини ва собиқ Марказнинг Ўзбекистон бўйича мутасаддиларини чўчитиб, унинг Қашқадарёга жўнатилиши сабабларидан бири бўлган.

Ислон Каримов Қаршига, Қашқадарё вилоятига "сурғун" қилинишини шундай эслайди: "1986 йили, Давлат план комитетининг раиси бўлган пайтимида, ишларнинг аҳволини чуқур ўрганиб чиққач, республика иқтисодий ҳалокат ёқасида турганини англадим. Шу боис менинг шахсий иштирокимда "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари тўғрисида" махсус хат тайёрланди ва у республика раҳбариятига тақдим этилди. Ушанда мен бу хат жиддий кўриб чиқилишига умид қилган эдим, лекин бунинг ўрнига жеркиш эшитдим." (Л. Левитин. Ислон Каримов – Ўзбекистон президенти. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 й. 7-бет).

Таъкидлаш лозимки, Қашқадарё вилоятида Ислон Каримов туб ислохотларга алоқадор кўплаб ғояларни амалда синовдан ўтказди.

Энг асосийси – ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган барча йўналишлардаги саъй-ҳаракатлар, муаммоларга ҳар томонлама ёндашиб топилган ечимлар, баъзан мутлақо ноанъанавий бўлган ечимлар ижобий амалий натижалар берган, қашқадарёликларга манзур бўлиб, қизгин қўллаб-қувватланган эди.

Оғир шароитда республикага раҳбар бўлган Ислон Каримов фаолиятини ислохот ўтказиш ғояларини раҳбарлар ва жамоатчилик онгига сингдириш баробарида ҳаётга татбиқ этишдан бошлади. "Бугунги кунда халқ ўртасида ишонччи мустаҳкамлаш сиёсий ислохот билан чамбарчас боғланган. Бу – ҳаёт тақозасидир", (53)-деган эди у 19 август 1989 йилда.

Маълумки, жамият яхлит, бус-бутун ижтимоий организмдир. Унинг бир соҳасидаги ўзгариш иккинчи соҳасидаги ўзгаришни тақозо этади. Алоҳида олинган соҳада, бошқа соҳаларга тегмасдан, ислохотларни тўлиқ ўтказиб бўлмайди. Шу сабабдан халқнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаб, тинч-осойишталигини таъминлашни, ишончини мустаҳкамлашни юртбошимиз пировардида сиёсий ислохот билан боғламоқда.

Ҳар қандай катта иш ҳам биринчи қадамдан, ҳар қандай катта бино ҳам биринчи ғиштдан бошланади. Сиёсий ислохот ҳам аввало раҳбарларнинг ишга муносабатини ўзгартиришдан бошланади: "Бугунги кунда раҳбар кадрларнинг ишга муносабатини тубдан ўзгартириш, топширилган соҳа учун уларнинг масъулиятини ошириш даркор. Бизда шундай бўлмоқдаки, биз

ҳамма нарса учун жавоб берамиз, айти пайтда ҳеч ким ҳеч нарса учун конкрет жавобгар бўлмади. Бу эҳтимол, ҳозирги кунда биздаги энг асосий иллатдир" (54).

Республика раҳбари лавозимида Ислом Каримов масалага аниқ амалий натижага интиладиган, прагматик сиёсатчи сифатида ўзини намоён этди. У Фарғонада тўпланиб қолган муаммоларни ечиш учун малакали мутахассислардан иборат республика комиссиясини тузиб, унинг олдига ҳар бир ҳудуд бўйича амалий таклиф ва хулосалар тайёрлаш вазифасини қўяди: "Бунда жойларда ташкил этиладиган корхоналарни қурадиган пудрат ташкилотлари, молиявий манбалар, хусусан, у ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулот билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш зарур"лигини таъкидлайди. (36-37)

Аниқ амалга ошириш механизми ишлаб чиқилмаган, жумладан молиявий манбалари аниқ белгиланмаган дастурлардан фойда йўқлиги, улар ўзимизни ўзимиз алдаш учунгина хизмат қилишини эътироф этади. Хусусан, 1995 йилгача мўлжалланган республика дастури ҳақида шундай дейди: "Биз – бутун партия аппарати бугун бу дастурдан ниқоб сифатида фойдаланмоқдамиз. У, бугун бизда аҳвол ёмон, бу тўғри, лекин бизда дастур бор, демак, эртага яхши бўлади, деган баҳона учун хизмат қилмоқда. Лекин бу дастурни амалий ҳаётга яқинлаштириш учун, мен билмадим, қанча ҳаракат қилиш керак бўлади." (44). Иқтисодий сиёсат ва мафкурага бўйсундирган, мажлисларда фақат порлоқ келажак ва буюқ режалар ҳақида гапириб, муаммоларни ҳас-пўшлашга ўрганиб қолган раҳбарлар учун бундай баҳо, хулоса тамомила янгилик, булутсиз, осмонда момақалдирак гумбурлашидай бир гап эди. Чунки бу биринчи навбатда Компартия сиёсати, бошқарув усулига ошқора қўйилаётган қониқарсиз баҳо эди.

Совет даври дастурларида баъзи бандларнинг молиялаштириш манбалари, ёки пудратчи ташкилотлари, жиҳоз, бутловчи қисмлар, хомашё ва бошқа ресурслар етказиб берувчи корхоналар охиригача тўлиқ аниқланмасдан қолаверарди. Дастурлар камида беш йилга мўлжаллангани туфайли, уларда ижроси 2-3 йилдан кейин режалаштирилган тадбирлар учун бу вақтга келиб молиявий ва моддий ресурслар топилади, ҳозир фалон қурилишда банд бўлган пудратчилар бўшайди, фалон жойда янги саноат корхонаси, фалон жойда янги энергетик қувватлар ишга тушиб, бутловчи қисмлар, энергия таъминоти масаласи ҳал бўлади каби хомхаёлга, таваккалчиликка асосланган нореал бандлар кўп бўларди.

Китобдаги биринчи мақолада ишлаб чиқаришни иқтисодий усуллар ёрдамида бошқариш, деҳқонларга ер ажратиш баробарида хўжалик юритишда эркинлик бериш, ёшлар тарбияси, кадрлар тайёрлаш ва бошқа кескин муаммоларни ҳал қилишга нисбатан ёндашувни, умуман иш услубини ўзгартириш масаласини қўяди.

Мисол учун яна асарга мурожаат этамиз: "Ўйлайманки, бу борада кичик бир тажриба ўтказиш, яъни қанча майдонга қайси экинни қанча миқдорда экиш масаласини колхоз ва совхозларнинг ўз ихтиёрига қолдириш керак. Биз ана шундан сўнг эришилган натижаларни бир жойга тўплаб, ўзаро фикрлашиб олишимиз мумкин. Балки биз республика бўйича ҳеч қандай зўрлаш, мажбурлаш ҳолатига йўл қўймасдан, 5 миллион тонна пахта хом ашёси етиштиришга эришармиз. Келинлар, шуни бир тажриба қилиб кўрайлик, барча

ишни далада ишлаётган одамларга ишониб топширайлик”(43). Бу сўзлар зўрлаш, мажбурлаш асосий иш услуги бўлган маъмурий-буйруқбозлик ҳали ҳукм сураётган, республикага пахта тайёрлаш топшириғи 6 миллион тонна этиб белгиланган даврда айтилмоқда. Олға сурилган таклифнинг собиқ Марказ режасига зидлигини, амалда режали иқтисодиётни инкор этаётганини, хўжалик юритувчининг эркинлигини ёқлаб чиқаётганини, маъмурий-буйруқбозликдан воз кечишга, бошқарувни ислоҳ этишга ундаётганини пайқаб олиш қийин эмас.

Аҳолининг ҳаёт даражасини ва бандлигини ошириш бўйича дастур ишлаб чиқиш масаласи кун тартибига қўйилиб, қуйидаги фикр билдирилади: “Маҳаллий органлар раҳбарларининг жон бошига қанча даромад тўғри келиши ва умуман, одамларнинг қандай ҳаёт кечираётганини, бундан кейин шундай паст даромадлар билан яшаш мумкин эмаслигини билмаслиги, масалан, мен учун уят ҳисобланади. Агарда биз шуни билмасак, ижтимоий соҳадаги бундан кейинги прогнозларни қандай ишлаб чиқиш мумкинлигини мен ўзимга тасаввур қилолмайман. Бундай саволларни яна давом эттирадиган бўлсак, қани айтинглари, ойига бор-йўғи 42 сўм оладиган пенсионер, колхозчи қандай кун кечиради? Арзимаган пул олаётган ногиронлар, аҳолининг бошқа гуруҳлари қандай тирикчилик қилмоқда?” (37-38)

Ўша даврдаги ақсарият раҳбарлар халқнинг аҳволи тўғрисида аниқ маълумотларга эга эмас эди: Аниқроғи, аҳволни билишни истамасди. Билмаслик, билишни истамаслик ўзига хос психологик ҳимоя воситаси, зарур келганда, ўзини оқлаш учун баҳона бўлган.

Тўғри ва ҳаётий қарор қабул қилиш учун, аввало, масалага оид тўлиқ маълумотга, холис ахборотга эга бўлиш лозим. Чала ахборот масаланинг муҳим жиҳатларини ҳисобга олмасликка, натижада бирёқлама ва чекланган чора-тадбирлар тасдиқланишига олиб келади. Ноҳолис ахборот эса нотўғри, хато қарор қабул қилинишига сабаб бўлади. Тўлиқ маълумотлар, холис ахборот таҳлиliga асосланиб хулосалар чиқариш, амалий таклифлар ва назарий ғояларни олға суриш китобга қирган ҳар бир мақола учун хос. Зеро, бу Ислом Каримов иш услубининг ўзига хос белгисидир.

Юқорида келтирилган иқтибосда, шунингдек, барча иқтисодий ва ижтимоий дастурлар марказида инсон, инсоннинг эҳтиёжлари туриши лозимлиги ғояси олға сурилмоқда. Кейинчалик мазкур ғоя “Ислохотлар ислохот учун эмас, инсон учун” шioriда ўзининг мужассам ифодасини топди ва бўлажак ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар назариясининг гуманистик мазмун-моҳиятини ташкил этди.

Ҳали бу ва бошқа масалаларнинг ечими тўғрисида кўп бош қотириш, уларга раҳбарларнинг, мутахассислар ва жамият аъзоларининг муносабатини ўзгартириш талаб этиларди. Асар давомида уларнинг таҳлили, ечими масалалари муттасил чуқурлаштирилиб, конкретлаштирилиб, тизимга солиб бориларди.

Ўринли ҳолларда чет эл тажрибасига, мисолларига мурожаат этилади. Хитой, Жанубий Корея, Таиланд, Гонгконг ва бошқа давлатлардаги тажрибалар, натижалар эслаб ўтилади. Бўлажак ижтимоий-иқтисодий ислохотлар назариясининг кўпгина асосий ғоялари куртаклари ҳам китобдаги илк ма-

қолалардан шакллана бошлаганини кўрамиз. Муаллиф "Ортиқча ишчи кучини қандай банд қилиш, одамларни қандай боқиш керак?" деган саволни ўртага қўйиб, қуйидаги жавобни беради: "Бунинг ҳозирча фақат битта чораси бор – иш ўринлари яратиш лозим. Бунинг учун ишлаб чиқариш таркибини шундай қайта қуриш лозимки, одамлар ўзлари яшаётган жойдан узоққа кетмасдан, самарали меҳнати ҳисобидан керакли даромадга эга бўлсин." (35. Таъкид бизники).

Китобнинг кейинги мақолаларида ушбу фикр ҳар томонлама ривожлантирилиб, қишлоққа қайта ишлаш саноатини олиб кириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, тегишли иқтисодий (ишлаб чиқариш) ва ижтимоий инфратузилмалар тармогини яратиш, кенгайтириш, турли мулкчилик шакллари ривожлантириш каби аниқ вазибалар ва мазмун билан бойитилди. Мустақиллик даврида эса бу ғоя бутун иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришлар қилиш, уни кўпроқ тайёр маҳсулот етказиб берувчи иқтисодиётга айлантириш ғоясигача бўлган тадрижий йўлни босиб ўтди.

XII қақриқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1990 йил 24 мартда бўлиб ўтган биринчи сессиясида сўзланган нутқидан иқтибос келтирамиз: "Шу билан бир қаторда (республикамизнинг барча табиий бойликларини – пахта, металллар, тилла, газ, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотларни ўзимизда қайта ишлашни кўпайтириш – А.Э.), экономикамиз бешқарув ва ҳужалик юритишнинг, мулкчилик ва товар-бозор муносабатларининг турли хил янги усулларига ўтиши муҳим аҳамиятга молик.

Халқ ҳужалиги структурасини тубдан ўзгартириш билан катта сиёсий, ижтимоий, иқтисодий муаммога аҳолини мунтазам равишда иш жойлари ва етарли иш ҳақи билан таъминлаш масаласига боғлиқдир.

Бу вазифа шу қадар кескин турибдики, биз уни ҳал қилиш учун бир эмас, бир неча йўллардан, бир-икки имконият эмас, бор имкониятларнинг барчасидан фойдаланишимиз зарур." (155)

Китобда қишлоқдан келган одамлар шаҳарда ишга олинмаётгани, лекин республикамизнинг ташқарисидан келганлар эса ишга олинаётгани эътироф этилиб, "Нима учун маҳаллий миллатга мансуб кишилар ўртасида муҳандис-техник ходимлар йўқ" деган савол қўйилади ва "талантли ёшлар учун махсус стипендиялар белгилаш, уларни мамлакатимизнинг етакчи минтақаларига республикамиз ажратаётган ана шу стипендия ёки ёрдам ҳисобидан билим олишга юбориш" тўғрисида таклиф киритилган. Юртбошимиз ўша биринчи нутқда "кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ айрим масалаларда жиддий камчиликлар бор. Мен буни шовинизм ёки миллатчилик кўриниши демоқчи эмасман, лекин бу масалада ҳам ана шу нарсаларнинг ҳиди анқиб турибди десам, хато бўлмайди", (39. Таъкид бизники) - деб баралла айтади. Шу тариқада собиқ Марказ томонидан ўзбек халқига нисбатан аслида шовинистик, камситиш сиёсати олиб борилгани таъкидланмоқда.

1989 йил 19 августда методологик аҳамиятга эга, кейинчалик ҳар томонлама ривожлантирилиб миллий ғоя ва мафкура, баркамол авлодни тарбиялаш концепцияларининг негизий тамойилларидан бирига айланган хулоса жамоатчиликка билдирилди: "Ҳеч қачон, ҳеч қаерда бўшлиқ бўлмайди. Биз

бўлмаган жойда бизнинг ўрнимизга ёшлар ва халқ билан бошқалар шуғулланади. Буни унутмаслик керак. Ёшларимизни бегоналарнинг қўлига ўз ихтиёримиз билан топширмаслигимиз керак. Ёшлар учун, улар чин инсон, ўз дидёрининг, ўз мамлакатининг чинакам ватанпарварлари бўлиб ўсишлари учун фаол курашмоғимиз лозим" (62). Китобда ёшларга оид фикр ва мулоҳазалар бойиб, масалага ёндашув аниқ ва тизимли, комплекс мазмун касб этиб борган.

Республика Фанлар Академиясидаги учрашувда (ноябрь, 1989 й.) "халқ таълими бутун системасини" ислоҳ қилиш зарурлиги ҳақида гапирилган бўлса, 1990 йил августига келиб кадрлар тайёрлаш махсус миллий дастурини тайёрлаш кун тартибига қўйилди ва унинг асосий йўналишлари ҳақида мулоҳазалар билдирилди. Мустақиллик йиллари бу ғоялар, фикрлар, мулоҳазалар пухта ўйланган кадрлар тайёрлаш концепциясига айланди, ижтимоий ислохотларнинг барча йўналишларида ҳисобга олинди.

Республикада ижтимоий-сиёсий ислохотлар ўтказиш борасидаги энг муҳим омиллардан бири – ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши амалда миллий истиқлол сари ташланган илк қадамлардан бўлди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан бир қаторда Наврўзнинг, Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг халққа қайтарилиши, динга, миллий маданий меросга, Ватан тарихига нисбатан сиёсатнинг ўзгариши ўзбек халқининг қадр-қимматини, миллий ғурурини тиклашда, унга миллий номукамаллик туйғусидан халос бўлишда, дунёқарашини, қадриятлар тизимини бойитишда беқиёс аҳамият касб этди. Мазкур тадбирларнинг ўзи ижтимоий-маданий ҳаёт ислоҳ қилинишига мисолдир.

Айни пайтда бу борада олиб борилган сиёсат бирор бир миллат ёки элатнинг манфаатларини камситишга қаратилмади ва Ўзбекистонда тинч-тотувлик сақлаб қоллинишида, ижтимоий-сиёсий ислохотларни муваффақиятли ўтказишда муҳим омиллардан бўлди.

1989 йил 19 август Пленумидаги маърузада республикадаги аҳвол таҳлили кўлами кенгайтирилиб, янада чуқурлаштирилади. Яшаш минимуми 85 минг сўмни ташкил этган бир вақтда жон бошига тўғри келадиган даромади 75 минг сўмдан ошмайдиган 8 миллион 800 минг киши ёки аҳолининг 45 фоизи қийинчилик шароитида зўрға кун кечираётгани, республика иқтисодиёти ҳаддан ташқари бирёқлама, номақбул ихтисослаштирилгани, қишлоқ хўжалиги каби саноатда ҳам асосан хом ашёни бирламчи қайта ишлаш устунлиги, тайёр маҳсулот, истеъмол моллари ишлаб чиқиш жуда ортда қолгани, ишлаб чиқарувчи кучлар, аввало, саноат объектлари нотўғри жойлаштирилгани, ижтимоий аҳвол, одамларнинг ижтимоий таъминоти, ижтимоий ҳимояси қониқарсиз даражада эканлиги аниқ мисоллар ва рақамлар ёрдамида очиқ берилди. Масалан, ҳар йили республикага 8-9 миллиард сўмликка яқин тайёр истеъмол маҳсулотлари олиб келинган. Қишлоқ жойларда 240 минг оила ерга, 1,8 миллиондан кўпроқ ҳовли эса уй-жой қурилиши ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун кенгайтиришга муҳтож бўлган.

Таъкидлаш лозимки, ушбу нутқдан 2 кун аввал 17 августда ҳукуматнинг кенгайтирилган йиғилишида Ислом Каримов ташаббуси билан "Қишлоқда

яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй- жой қуриш учун барча шароитларни яратиб бериш ҳақида” қарор қабул қилиниб, унда томорқа майдонларини 4.5 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди. Ушбу қарорнинг амалий натижаси шу бўлдики, 1989-1990 йилларда 1,5 миллиондан кўпроқ оилага қўшимча ер, 700 минг оилага янги томорқа берилди. (Қаранг: 12).

Томорқаларни кенгайтириш ва қўшимча ер бериш вужудга келган аҳволни бир мунча енгиллаштириш, кескинликни юмшатишга қаратилган эди. Бироқ бу чора ҳамма муаммоларни, айниқса узок истиқболда ҳал эта олмасди. (73) Буни чуқур англаган Юртбошимиз иқтисодиётда, унинг ҳар бир тармоғида, шу жумладан қишлоқ хўжалиги ва саноатда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, амалда хўжалик юритишнинг турли шакллари жорий қилиш лозим деган ҳулосага келди. Шахсий хўжаликларни ривожлантириш зарурлиги шундай далилланади: “Шахсий хўжаликдаги ернинг бир гектари жамоат гектаридагига нисбатан тўрт баробар кўп самара беради. Шахсий ёрдамчи хўжаликнинг бир гектаридан олинаётган самара 12,5 минг сўмни, ижтимоий секторда эса атиги сал кам уч минг сўмни ташкил этади”. (57). Шахсий ёрдамчи хўжаликларни кўпайтириш мустақиллик йиллари ривожлантирилиб деҳқон ва фермер хўжаликлари тўғрисида тизимли концепцияга айланди.

Пахта яккаҳоқимлигига барҳам беришга, бунинг учун пахта етиштириш ҳажмини қискартириб, харид нарҳини кўтаришга қаратилган ишлар изчил олиб борилди ва улар тўғрисида жамоатчилик хабардор этилди. Чунончи, 1990 йилда пахта толаси етиштиришни 1988 йилга нисбатан 1710 тоннадан 1500 тоннага тушириш, лекин деҳқоннинг даромади пасаймаслиги учун жами етиштирилган пахта нарҳини 1,5-миллиард сўмга кўпайтириш мўлжалланаётгани, ушбу масалада собиқ Марказ органлари билан икки марта учрашилгани айтилади. (64) Ўз табиатига содиқ Ислоҳ Каримов республикамиз ва халқимиз манфаати учун барча жабҳаларда собиқ Марказ билан музокара ва мунозараларни бошлаб юборган эди.

Республиканинг иқтисодий мустақиллигига ва бозор иқтисодиётига ўтиши масалаларига бағишланган йиғилишда сўзланган нутқда кичик корхоналарни коллективларга ва хусусий кишиларга топшириш (сотиш) масаласи бошқарув идоралари олдида навбатдаги катта вазифа сифатида қўйилади (244-245). Шундай қилиб, мавжуд ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилашга, янгиликларни жорий қилишга, пировардида ислоҳ қилишга ёрдам берадиган ғоялар ҳар томонлама ривожлантирилди.

Ҳозирги замон ижтимоий-иқтисодий тараққиётини, миллий юксалишни замонавий илм-фан ривожсиз тасаввур этиш қийин. Биринчидан, замонавий илм-фан ишлаб чиқаришни янги илғор технологиялар, техник жиҳозлар, асбоб-ускуналар, компьютерлар ва ахборот дастурлари билан таъминлайди.

Иккинчидан, илмий сиғими катта энг замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини вужудга келтиради. Учунчидан, ишлаб чиқарувчиларнинг касбий маънаси, техник билимлари, дунёқарашини кенгайтиради, профессионал маданиятини ўстиради. Тўртинчидан, гуманитар фанлар, юқоридагиларга

қўшимча, халққа ўзлигини, ўз туб манфаатларини, юксак мақсадларини англади, унга тарихий хотирасини тиклаш ва ривожлантиришда, ижтимоий ва бунёдкорлик фаоллиги ва салоҳиятини оширишда, турмуш тарзини такомиллаштиришда, маънавияти ва умумий маданиятини раванқ топтиришда ёрдам беради.

1989 йил ноябрида Фанлар Академиясида бўлиб ўтган учрашувда юртбошимиз "Саноатни ривожлантирмай туриб, миллий ва ижтимоий тараққиётга эришиб бўлмайди. Бу масалада илм-фан аниқ тавсиялар бериши керак" (73-74) деган фикрни билдиради. Ўзбекистонда фундаментал ва экспериментал, иқтисодий ва гуманитар фанларнинг барча муаммолари ҳам миллий тараққиёт талабларидан келиб чиқиб таҳлил қилинган ва улар олдига аниқ вазифалар қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, ўша йиллари собиқ СССРда бошланган тизимли инқироз кун сайин чуқурлашиб борди. Қатор республикаларда юз берган қонли тўқнашувлар, можаролар тўхтамасдан давом этди. Мамлакат ҳаётида бошбошдоқликлар, митинглар ва забастовкалар, иқтисодий талон-торождлар кундан кун авж олаётган, тармоқлар ва ҳудудлар ўртасида алоқалар, таъминот издан чиққан, жиноятчилик тез суръатда ўсаётган эди. Кўп ҳолларда бу ҳаракатлар демократия ниқоби остида халқни чалғитиш орқали амалга оширилди.

Ислом Каримов демократия бошбошдоқлик эмаслиги, ҳуқуқ-тартибот сақланиши лозимлиги, янги тузилмаларни яратмасдан эскиларини бирданига бузиш мумкин эмаслигини эълан қилди. Демократия масаласи ўша пайтда сиёсий ислохотларнинг энг асосий ва мураккаб, оғриқли масаласи эди.

Вайронкор инқилобий усулларни инқор этувчи, жамиятдаги ҳар бир янгилик, ўзгариш пишиб етилиши, халқ томонидан тўғри тушунилиб, қўллаб-қувватланиши лозим, деб ҳисоблайдиган Ислом Каримов ушбу масалада ҳам тадрижий усуллар тарафдори эди. Республикамиз раҳбари "Тайёргарлик бўлмаган заминда демократия ниҳолларигина эмас, балки сафсатабозлик ва экстремизмнинг ёввойи утлари ҳам ўсиб чиқиши мумкин", (219) -дея огоҳлантиради.

"Рабочая трубина" газетаси муҳбири саволларига 1991 йил июль ойида берган жавобларида: "Мен демократик жамиятни, энг аввало, қонунга қулоқ солиш деб биламан. Шахснинг ҳақ-ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўйиб бўлмаслигини белгилаб берадиган ёзилмаган қонунлар, маънавий қоидалар зарур. Яъни, одам жамиятдаги мезонлар доирасида ўзига эркинлик ва чеклашлар даражасини белгилаб олади. Бу ривожланиб боровчи узлуксиз жараёнди", (346-347) -деган фикрни билдиради.

Одам гап билан демократ бўлиб қолмаслигини эътироф этиб, амалий иш билан тўлдирилмаган қоғоздаги эркинликларни танқид қилади: "Мустақилликни эркинлик тўғрисидаги шиорлар билан эмас, балки сиёсий, иқтисодий, маънавий мазмун билан тўлдириш керак", (355) -дейди қатъий ишонч билан.

Ҳар бир масала бўйича ўз шахсий фикрига эга бўлган, Марказнинг қошқовоғига қараб иш тутишга ўрганмаган, айниқса турли доиралар буюртмаларини бажарадиган айрим матбуот органлари "маслаҳати" билан иш қил-

майдиган Ислом Каримов демократия масаласида ҳам "саркашлик" қилди, бирор тарафни қўллаб-қувватламади. Бу радикал-демократ сафсатабозларни ҳам, консерватив коммунистик ақидапарастларни ҳам қониқтирмас эди. Лекин начора. Улар Ислом Каримовни қаттиққўлликда, авторитаризмда, миллатчиликда айблашдан нарига ўта олмасди, чунки замон ўзгарганди. Айни пайтда ҳолис нашрлар Ислом Каримов ҳақиқий байналмилалчи, қонунийлик, тартиб-интизом тарафдори эканини яширмасди. Китобдаги интервьюлардаги журналистлар қайдлари ва берган саволларидан, юртбошимиз жавобларидан синчков ўқувчи булар ҳақда ҳам тасаввур ҳосил қилади.

СССРда аҳвол шиддат билан ёмонлашиб, хавfli тус олиб борди. "Олдин одамлар "яшаш қийин бўлиб қолди" деса, ҳозирги ҳаётда "яшаш даҳшатли бўлиб қолди" деган ибора пайдо бўлганидан кўз юмиб бўлмайди," (128) – ўқиймиз китобда. Раҳбарият ва бошқарув идоралари олдида пайдо бўлаётган муаммолар ва вазифалар ҳам мураккаблашиб, кўпайиб борди. Айни пайтда ҳар бир аҳамиятли қарорларни, лойиҳа ва тадбирларни собиқ Марказ билан келишиб қабул қилиш талаб қилинарди. СССРнинг ўша даврдаги Конституциясига кўра, КПСС совет жамиятининг раҳбарлик қилувчи ва йўналтирувчи кучи, сиёсий ядроси ҳисобланар, унга барча давлат ва жамоат ташкилотлари, жумладан республикалар ҳукуматлари ва бошқа органлари ҳам бўйсунушга мажбур эдилар. Айни пайтда Марказий Кўмита бюроси қарорлари ҳам, Министрлар Совети қарорлари ва Олий Совет Президиуми қарорлари ҳам тегишли органлар йиғилишларида қабул қилинар эди. Уларда эса биринчи ўринбосар ва қатор мутасаддилар "Москванинг одамлари" эди. Бундай шароитда Ўзбекистонда СССР Конституциясида кўзда тутилмаган, амалда Москва билан келишмасдан муҳим ҳаётий қарорлар қабул қилишга имкон берадиган, бу қарорлар учун барча жавобгарликни, масъулиятни ўз зиммасига оладиган Президент институти 1990 йил 24 мартада жорий этилди. Ушбу муносабат билан Юртбошимиз эътироф этган эди: "Энг муҳими шундан иборатки, Президент институтининг жорий этилиши – республикамиз учун суверенитет ва давлатчиликда принцип жиҳатдан янги босқичга ўтилишини билдиради" (147). Бу ниҳоятда дадил собиқ Марказ учун мутлақо қутилмаган қадам, бошқа республикалар учун ибратли мисол эди. Собиқ совет республикаларида Ўзбекистон ташаббуси давом эттирилиб, Марказга бўйсунмайдиган Президент институтининг жорий этилиши шўролар давлат тизими емирилишини тезлатди ва Совет Иттифоқи парчаланишининг Югославиядагидек ички фуқаролар урушига айланиб кетишининг олдини олишга ўз ҳиссасини қўшди.

Ўзбекистон Компартияси XXII съездидаги дастурий маърузасида Ислом Каримов тубдан янгиладиган Иттифоқ таркибида Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигига эришиш юзасидан бутун бошли ижтимоий-сиёсий концепцияни баён қилди. Бозор муносабатларига ўтиш ҳақида гапириб, "бунда энг асосий масала – мулкчилик муаммосидир", (200) -деди ва қуйидагиларни таъкидлади: "Биз мулк шакллариининг хилма-хиллигини бошқариладиган бозорнинг ҳал қилувчи омили, деб биламиз. Давлат мулки билан бир қаторда ва у билан тенг ҳуқуқлик асосида коллектив, акционерлик, шахсий меҳнат, шахсий мулк ҳам кенг ёйилади" (201).

Бу энди ишлаб чиқаришни, иқтисодий муносабатларни шунчаки так миллаштириш, иқтисодиётда ички мутаносибликка эришиш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга интилиш эмас, балки тубдан ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар ўтказишни мақсад қилиб олиш эди.

Шундай қилиб, мустақиллик йиллари тўлиқ шаклланган ва муттасил ривожланиб келаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар назариясининг яна би муҳим ғояси – мулкнинг барча шакллари тенг ҳуқуқли ривожлантириш дастурий вазифа этиб белгиланди.

Мулк масаласи тор доирадаги иқтисодий, ёки ижтимоий-ҳуқуқий масала эмас. У том маънода сиёсий масаладир. Чунки мулк шакллари давлат тузуми моҳиятини белгилайди. Мулкнинг нодавлат шакллари, айниқса хусусий мулкнинг ривожланиши истиқболда нафақат иқтисодий муносабатларни, шунингдек ижтимоий муносабатларни ва аҳолининг ижтимоий-синфий таркибини ҳам тубдан ўзгартириб юборади. Шунга мувофиқ муқаррар равишда кўппартиявийлик қарор толади ва давлат бошқаруви идоралари таркиби ҳам аста-секин ўзгаради. "Известия" газетаси муҳбири саволларига жавобда (1991-йил январь) Ислон Каримов "агар биз ҳақиқатан ҳам бозор муносабатларига ўтишни истар эканмиз, маъмурий системанинг энг асосий воситаси ва таянчи бўлган Давлат режа қўмитасини тубдан ислоҳ қилишдан ташқари, айтилганда кўпгина Иттифоқ тармоқ вазирликларини тугатишимиз-лөзим"; (257)-деган катъий фикрни билдиради. Бу билан давлат ва жамият қурилишини янгитдан қайта ташкил этиш, жиддий ислоҳ қилиш зарур, деган ғоя илгари сурилмоқда. Давлат режа қўмитаси ва тармоқ вазирликлари социализмнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган давлат бошқаруви органларидир. Социализмда иқтисодиёт режали, фондларни тақсимлашга асослангани учун Давлат режа қўмитаси, мулк давлатники бўлгани учун ҳар бир соҳада уни тасарруф этадиган давлат органи – тармоқ вазирликлари зарур бўлган. Уларни бартараф этмасдан, ёки тубдан ўзгартирмасдан, мулкчиликнинг бошқа шакллари ривожлантириб бўлмайди. Бошқача айтганда иқтисодий ислохотлар, сиёсий ва конституцион, яъни ҳокимият тузилишида ислохотлар ўтказишни тақозо этади.

Китоб билан танишган ўқувчи бир нарсага амин бўлади: муаллиф қаерда, қайси масалада чиқиш қилмасин, қайси матбуот органига интервью бермасин, қаерда жамоатчилик билан учрашмасин унинг асосий фикрлари Ўзбекистонни тараққий эттириш, унинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини, табиий бойликларини қўлга олиши, халқнинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини яхшилаш, манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий ғурурини юксалтириш, бунинг учун сиёсий, иқтисодий-ижтимоий соҳада янгиликлар қилиш, ислохотлар ўтказиш ва шу каби долзарб масалаларга бориб боғланади.

Ўзбекистон раҳбари ўз танлаган йўлидан, белгилаб олган тамойилларидан ҳар қандай оғир, мураккаб вазиятда ҳам чекинмади. Республика-миз ўз бойликларига ўзи эгаллик қилиш учун собиқ Марказ билан баҳс олиб борди. Янги Иттифоқ шартномасига ҳам шу нуқтаи назардан ва ҳақимизнинг манфаатларидан келиб чиқиб ёндашилди.

Мисол тариқасида "Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги хусуси-

да" (16-17), "Мураккаб вазиятда оқилона сиёсат юритайлик", (275-284) деб номланган Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари IV сессиясида сўзлаган нутқларни, ёки ГКЧП қарорларининг бекор қилинишини (24) келтириш мумкин.

Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар тўғрисидаги Юртбошимиз қарашлари тезда Ўзбекистоннинг тўлиқ миллий мустақилликка эришиши томон тадриж этди. Чунки эски давлат тузуми шунчалик қотиб қолган эдики, у ҳеч қандай ўзгаришларни қабул қила олмасди. Уни демократлаштириш, ҳақиқий федератив ёки конфедератив давлатга айлантиришнинг мутлақо иложи йўқ эди.

Гап марказ раҳбарлари орасидаги консерваторлар мавжудлигида ҳам эмасди. Гап СССРнинг амалда зўравонлик билан тузилган унитар давлатлигида, тоталитар моҳиятида эди.

Тарихий давр даъвати миллий мустақилликни қўлга олиш экани маълум бўлди. Ўзбекистон раҳбарияти давр даъватига ўз вақтида жавоб бера олди. 1991 йил 20 июлда Мустақиллик Декларацияси, 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги тўғрисида Қонун қабул қилинди. Биринчи ҳужжат ҳали СССР расман тарқатиб юборилишидан 6 ойдан сал кўпроқ вақт, иккинчиси сал кам 4 ой олдин қабул қилинди.

Биз китобда ижтимоий соҳанинг асосий йўналишлари – бандлик, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, халқ таълими, касбий таълим, олий таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият, уй-жой қурилиши ва коммунал соҳа, ёшлар, фахрийлар, хотин-қизлар, оила ва бошқа муаммоларга оид янги ғоялар ва мулоҳазалар ҳам бир айтилиб, қолиб кетмаганига, билъакс, изчил бойиб, чуқурлашиб борганига, гувоҳ бўламиз.

Юқоридагилардан аёнлашмоқдаки, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар назарияси шаклланиши ва ривожланиши учун асос бўлган кўпгина ғоялар, ёндашувлар, хулосалар китобда илк бор олға сурилган ва ривожлантирилган.

Китобда таклиф қилинаётган барча ғоялар, янгиликлар, амалий тадбирлар ижтимоий адолатни таъминлаш, ундан заррача чекинмаслик заруратига мослаштириб баён этилган.

Мустақилликнинг дастлабки даврида айтилган: "Халқ очликка, ночорликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин билиб қўйинглари, адолатсизликка чидамайди" (431)-деган ишонч Ислом Каримов фаолиятининг бош тамойили бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Китобда олға сурилган ғоялар, мулоҳазалар, хулосалар, даъват ва чақириқлар, бир томондан, халқимизни, жамиятимизни ҳал қилувчи қадам – миллий истиқлолга ҳар томонлама тайёрлаб борди, иккинчи томондан эса – Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар назарияси яратилишида бирламчи илмий-ғоявий ва мафкуравий асос бўлди.

Шу жиҳатидан улар ва китобнинг ўзи биз учун улкан тарихий-илмий қимматга эга.



*Озодлик  
қуёшдек  
қадрли*

**ҲАВАС**

**СУЙГАНЛАРИМ  
БОР**

**Бу оламда менинг ҳам  
Суйганларим бор.  
Меҳру муҳаббатимни  
Туйганларим бор.**

**Севинчимга шериклар,  
Севинчимга тириклар,  
Қайғу, аламларимдан  
Куйганларим бор!**

**Бағри баҳор, бегубор  
Элим, юртим бор.  
Мен улардан айрилмай  
Яшай бахтиёр.  
Мангу умрим бор!**

Инсонлар бор қилгулик ҳавас,  
Қуриқ очиб, чўлдан гул терар.  
Бир-бирини суяб ҳар нафас,  
Бир-бирига умрини берар.  
Боғ яратар, бироқ гоҳи дам  
Мевасига тегмайди оғзи.  
Авлодлардан, аждодларидан,  
Улар шундай узади қарзин.

Олам аро оламини ҳамма,  
Бир-бирига бериб кетишган.  
Онам Ато, Момо Ҳаво ҳам  
"Болам, болам", дея ўтишган.  
Мевасидан шириндир мағзи,  
Набира не берар, билмадим.  
Тинглаб гулу, лоламнинг сўзин,  
Боғбонларим гапин илмадим.

Ўзим ҳам боғ яратмоқ учун  
Уринаман баҳор, ёз ишлаб.  
Боғбон бўлмоқ учун бор кучим  
Сарфлайман кенг даламда қишлаб.  
Мен талпиниб, талпинмай қанча,  
Пешонада бори бўларкан.  
Бугун кулган – йиғлаган кеча,  
Йиғлаганлар албат куларкан.

Ҳар бир инсон умрида фасл  
Ёз -қишига яшайди гувоҳ,  
Инсонлар бор, одабий, асл,  
Бири қамар, бири гўзал моҳ,  
Ерда улар шуъласидан файз,  
Барқ урғай боғ, ўнгу чапида.  
Инсонлар бор, қилгулик ҳавас.  
Яшай мен ҳам улар сафида.

## ОЗОДЛИК

Озодлик кۈешдек кадрли,  
Райҳондек, ялпиздек атирли.  
Ўзига тўн бичиб ўзича,  
Кийгани, егани татирли.  
Нон каби меъдага тегмайди,  
Ток каби қаддини эгмайди,  
Жийдани чақириб овлоқдан,  
Истаса қайрағоч экмайди.  
Тошкандий, Фарғоний бўлиб у,  
Термизий, Бухорий –кулиб у,  
Яшайди туғилган ерини,  
Исмига эгизак қилиб у.  
Боболар ёғдуси осмонда,  
Тирик жон мавзуси омонда,  
Озодлик аслида –ўзимиз,  
Яшасак эркин, ҳур замонда.

## ҚҮРҚАМАН

Севгингни ҳис қилган сари шунчалик,  
Қўрқаман ўзим ҳам севиб қолишдан.  
Саломга олганим пайтида алик,  
Қўрқаман, шундай бош эгиб қолишдан.  
Аслида, тақдиримга сабаб ўзим,  
Сенинг ҳам тақдиринг кундайин равшан.  
Тақдир деб аталмиш тақдирга тўзим  
Бермоққа шайлигинг кўриб қўрқаман...

Эл аро, дил аро бир шодлик,  
Ота юрт, она ер ободдир!  
Кۈешдек қўрланиб, орланиб,  
Мўъжиза яратган озоддир!

## СОФИНИБ КЕТДИМ

Кўк тоғдаги тизилган,  
Баланд-пастдан чўзилган  
Арчаларга тикилиб,  
Сени соғиниб кетдим!  
Охулардек ўйноқлаб,  
Ёшлар юрар қувноқ қалб,  
Мен уларга тик келиб,  
Сени соғиниб кетдим!  
Арғимчоғида учиб,  
На ҳайиқмай, на чўчиб,  
Ҳадикларга тек келиб,  
Сени-соғиниб кетдим!  
Севгиндан карахт бўлай,  
Гул бўлай, дарахт бўлай.  
Бўстонингга экилиб,  
Сени соғиниб кетдим!



# АМОК

1912

иилнинг мартада Неаполь портида турган океан параходининг юклари тушириладиган чоғда галати

Қисса

бир бахтсиз воқеа юз берганди. Ушанда газеталар бу ҳақда жуда батафсил ва жим-жимадор хабарлар ҳам тарқатишганди. Гарчи ўзим ҳам ўша “Океания”нинг йўловчиси бўлсамда, менга бошқалар каби бу воқеанинг гувоҳи бўлиш насиб этмаганди, чунки воқеа тунда, кемадаги кўмир ва бошқа юкларни тушириш чоғида содир бўлиб, одатга кўра бу пайтда биз гала-говурдан кутилиш учун қирғоқдаги бирорта қаҳвахона ёки театрда вақт ўтказишни афзал кўргандик. Шундан буён бу ҳақда айрим нарсаларни гумон қилиб юрсамда, бу ҳақда расман гапирмаганман ва шахсан менинг фикримча, ана шу тахминларим ўша мудҳиш бахтсизликнинг асл сабаблари ва айрим лавҳаларини ёритишга ёрдам беради. Бундан ташқари, ўтган йиллар армони ва айнан ўша воқеа арафасида юз берган бир суҳбат чоғида менга билдирилган ишонч туфайли ҳам бунга ҳаққим бор деб ўйлайман.

Мен Европага қайтиш учун Калкут- тадаги кемалар ваколатхонасига “Оке- ания”дан битта жойга буюртма бермоқ- чи бўлганимда, хизматкор иккилашиб елка қисди. Чунки бу кемадан айни чоғда жой топиш мушкул бўлиб, одат- да ёмғирлар фасли олдидан параход- даги ҳамма ўринлар Австралиядаёқ сотиб бўлиниши ва у энди Сингапур- дан телеграмма кутиши “лозимлигини маълум қилди. Ниҳоят эртаси куни у анча хурсанд бўлиб менга битта жой топилиши мумкинлигини, лекин бу ке- манинг қоқ ўртасидаги, яъни палуба- нинг шундоқ тағидаги каюталардан бири эканлигини айтди. Уйга қайтишга сабрим чидамай турганлигим сабаб, узоқ ўйлаб ўтирмасдан, ўша жойни ўзимга ёздириб қўйдим.

Хизматчи чиндан ҳам тўғри айтган экан. Кема лиқ тўла ва каюта анча но-

чор эди. Бу нар машинаси яқинидаги тўртбурчак катак бўлиб, унга ягона бир шиша туйнукдан хира нур тушиб турар, ундаги ҳаво туриб қолган, ёғ ва ачқимтир зах ҳиди анқир, электр венте- ляторидан эса ўзингни олиб қочолмай- сан, у қафасга тушган пўлат кўршапа- лакдек нақ пешонангда тинмай айла- нарди. Пастдан кема моторининг худди кўмир тўла аравани бир зина- дан тўхтовсиз судралишига ўхшаш та- рақлаган шовқини келар. Тепадан эса палубадаги тинимсиз дупур-дупур қадам товушларининг бориб келиши тинчлик бермасди. Жамадонларимиз- ни бурчакдаги димиққан юкхонага жойладиму, дарҳол палубага қочиб чикдим ва қишлоқдан тўлқинлар ора- лаб эсаётган тотли ва майин шабада- ни худди мушқуанбардек тўйиб си- мирдим.

Палуба ҳам тўлиб-тошган ва нотинч эди. Одамлар чорасиз бекорчиликдан зерикиб, асабий гап сотишар ва тинимсиз у ёқдан бу ёққа ўтишар ёки пастдан тепага чиқиб туришарди. Аёлларнинг ҳиринг-ҳиринги танг палубадаги бетўхтов ҳаракатлар, палубада креслолар олдида тўпланган ва тер ҳиди анқиб ётган одамлар тўдасида ўзимни кўриш нима учундир дилимни сиёҳ қилди. Мен яқиндагина бир дунёга тўқнаш келгандим. Ундаги чақмоқдек ўрин алмашаётган суратлар ақлимни шоширар, ҳаловатимни ўғирларди. Хуллас, эътиборимни тортган тасвирлар ҳақида хаёл сургим, уларни бўлак-бўлак бўлгим, тартибга келтиргим, навбатдаги асаримга чизгилар яратгим келарди. Аммо бу тор палубада бир дақиқа ҳам ҳузур ҳаловат йўқ бўлиб, мен ўйлаётган сатрлар ушбу тинимсиз гала говурлар билан қоришиб кетаётган эди. Кеманинг манашу нотинч ва офтоб қиздирган йўлагидан бир ўзингни ёлғиз қолишингни ҳечам иложи йўқ эди.

Бунга уч кун уриндим, охири тақдирга тан бериб, одамларни ва океанни томоша қила бошладим. Аммо океан ҳар доимгидек ўзгармай турар, кўм-кўк ва бўм-бўш, фақатгина кўёш ботиши арафасида тўсатдан камаланинг барча ранглари билан тўлиб тошарди. Одамларнинг 72 соатдан бери кутавергач, ҳаммасининг кўриниши ёдимга сақланиб қолганди. Ҳар бир башара энди кўнглимни айнитар даражада таниш бўлиб қолган. Аёлларнинг қаҳ-қаҳаси энди кайфиятимни бузмас, кўшни хонадаги икки голланд офицерининг бемаъни тортишувлари ҳам гашимни келтирмас эди. Мен учун ягона йўл-буларнинг ҳаммасидан қочиб кетиш бўлиб, бундан қутилишнинг бошқа иложи қолмаганди. Аммо каютага кирай десам, у ер жуда иссиқ ва дим, залда эса нўноқ инглиз хонимчалар пианинода миси чиқиб кетган

бир валсни чалгани-чалган эди. Охири кун тартибимни мутлақо ўзгартиришга қарор қилдим. Тушлик тугаши биланоқ, каютага шўнғидим, кечки овқат ва кўнгил очар соатларни ухлаб ўтказиш ниятида бир-икки бакал пиво ҳам шимириб олдим.

Ўйғониб кетганимда эса, менинг торгина тобутим зим-зиё ва жим-жит эди. Вентиляторни ўчириб қўйганим учун, намхуш ва оёқли ҳаво киприкларимга ёпишиб қолганди. Бошим ғувуллаб ётар, ўзимга келиб вақт ва замон тартибини ўнглаб олишим учун бир неча дақиқа керак бўлди. Нима бўлганда ҳам вақт ярим тундан ўтган бўлиши керак, чунки менга на мусиқа товушлари, на тўхтовсиз қадамлар дупири эшитиларди. Фақат моторгина худди **Левиафаннинг** пишқирган юраги синғари депсиниб, кеманинг гичирлаган жуссасини олдинга, сирли дунёлар сари судраб борарди.

Тимирискаланиб палубага чиқдим. У бўм-бўш эди. Беихтиёр юқорига назар ташладим. Кема пархонаси қувир ва мачталар тепасидан қандайдир сеҳрли бир ёрқин шафақ кўзимни камаштирди. Осмон яшнаб турарди. Юлдузларни қандайдир оқ туман пардаси қоплаб олган, аммо улар ушбу парданинг тешикларидан милтираб термулишар, турли рангдаги нурлар ўзаро қоришиб кўзни камаштирувчи беқиёс гузаллик кашф этганди. Мен ҳали фалакнинг ўша тундагидек ёрқин бўлишини ҳечам кўрмагандим. У ой ва юлдузлар ёғдуси билан тўлиб тошган, тубсиз, кулранг, совуқ, аммо, ялтироқ, гўё ой фонуси юлдузларни тўсиб қўйгану, фалакнинг сирли ва ички аланга нур таралаётгандек эди. Ойдан таралаётган кумуш нур океаннинг қора сиёҳи билан қоришиб, кема бортининг четларини, арқонлари елкан ёғочларни ёритиб турарди. Мачта тепасидаги кема кузатувчисининг чироқлари орасидан сариқ юлдузлардан ясалган

митти кўзлардек осилиб туришарди.

Шундоққина қаршимда фусункор юлдузлар мажмуи- Жанубий Бут турарди. У гўё милтираган олмос ниналари билан кўринмас деворга осиб қўйилганди, кема эса оҳиста чайқалиб, гоҳ пастга, гоҳ юқорига шўнғир, улкан наҳанг сингари оғир хўрсиниб, кўкраги билан мавжли тўлқинларни ёриб борарди. Мен тик турганча тепамдаги осмонга маҳлиё бўлиб қолгандим. Ўзимни худди душ тагида тургандек ҳис қилар, тепамдан илиқ сув қуйилар, фақат бу сув эмас, илиқ ёғдулар эди, чунки мени бўғаётган нарсалар кутилмаганда изсиз йўқолиб бораётганди. Эркин ва енгил, озод қушдай тўйиб-тўйиб нафас олдим, енгил энтикиш билан лабларимда шу яқин атрофдаги ороллардан келаётган меваларнинг майин ва маст қилувчи шаффоф майдек тотли ифорини сездим. Кемага қадам қўйганимдан буён биринчи марта менда хаёллар уммонига фарқ бўлиш истаги туғилди ва бутун вужудим мени ўраб олаётган ширин орзулар қучоғида роҳатлана бошлади. Осмонга, ундаги оқ иероглифларга термулганча чўзилиб ётгим келди. Аммо, палубадаги чилвир креслолар ва ўриндиклар йиғиштириб кетилганди, бўм-бўш палубанинг ҳеч қаерида хаёл суриб ҳордиқ чиқариш учун қулайроқ жой топилмади.

Атрофдаги нарсаларда акс этган ёғдулардан кўзим қамашиб, қоқилиб-туртиниб, аста-секин кеманинг олд қисмига қараб юра бошладим. Кумушдек яшнаган ёнар юлдузлар ёғдуси кўзларимни деярли кўр қилиб қўйган, шунинг учун мен бирорта бир соя жой топиб, худди қоронғу хонадан ёруғ далани кузатган сингари атрофни томоша қилгим келди. Ниҳоят қоқила-суқила турли пўлат тўсиқларга урилиб, кема арқонлари оралаб, унинг тумшуғига етиб келдим. У ердан тўлқинларнинг кемага урилиши, ой нурини

кемага урилиб, худди тўлқинлардай иккига бўлиниб кетишини томоша қилдим. Кема тумшуғидаги ўткир қирралар қора тўлқинларни парчалаганча худди омок сингари гоҳ кўтарилар, гоҳо пастга шўнғирди. Мен ушбу манзарада инсон кучининг қудратини кўриб завқим қўзғаб кетди. Атрофга маҳлиё бўлиб, қанча вақт ўтганини ҳам унутиб қўйибман. Мен шу аҳволда бир соат турдимми ёки бир неча дақиқам билмадим, мени гўё кемани улкан беланчаги тебратганча олис олисларга уммондан ташқарида олиб кетгандек эди. Мени қандайдир ширин чарчоқ босиб кела бошлади. Бу жозибали оламдан ўз катагимга қайтгим келмас, шу ерда ухлагим, кўзларимни юмганча хаёлларга берилгим келди. Беихтиёр оёқларим билан ерда ётган бир тўда кема арқонини топиб олдим. Ўша ерга ўтирдим ва кўзларимни юмдим, бутун вужудим ўша юлдузлар ёғдуси ва кумуш нурлар қўйнида эди. Пастдан сувнинг майин шилдирашини эшитдим, тепамда эса ёғдулар оламининг оппоқ нурлари оқарди. Аста секин ушбу шилдирашни мен ўз томирларимдан ҳам эшита бошладим. Ва ўзимни бутунлай унутдим, энди бу ерда мен нафас олаяпманми ёки юраги гуппиллаётган кема хўрсинаяптими билолмасдим. Бу тунги олам қўйнида тинимсиз шивирлаган оҳанглари ичида сузавердим-сузавердим. Енгилгина қуруқ бир йўтал хаёлимни бўлди. Ўзимни бунақа мастона хаёлпараслигимдан чўчиб тушдим. Оппоқ шўъладан қамашиб қолган кўзларимни аста очдим. Шундайгина қаршимда кема деворининг панасида бир жуфт кўзойнак ва трубканинг чўғи ялтираб кўринди. Мен тепамдаги Жанубий Бут юлдузларининг жозибасига ва кема тумшуғидаги мавжларга мафтун бўлиб, шунча вақтдан буён қимир этмай ўтирган қўшнимни сезмаган эканман. Ҳали хаёлларимдан бутунлай фориг бўлмас-

дан, беихтиёр немис тилида мурожа-  
ат қилдим:

– Узр, кечирасиз!

– Оҳ, марҳамат..., – дея жавоб бер-  
ди кимдир қоронғулик ичидан немис  
тилида.

Қоронғуда ёнма –ён, миқ этмасдан  
ўтириш қанчалик оғир эканлигини мен  
ҳали тасаввур қилолмасдим. Хаёлим-  
да мен бу одамга қанчалик термулиб  
турган бўлсам, у ҳам менга шундай  
қараб тургандек эди. Аммо ёғду шун-  
чалар кучли эди-ки, иккаламиз ҳам  
шафақда бир-биримизни кўролмаёт-  
гандек эдик. Ниҳоят, тамаки тутуни-  
нинг пуфлагани эшитилди.

Ўртага тушган бу жимликка эса чи-  
даб бўлмасди. Жон деб нари кетган  
бўлардим-у, аммо бу кутилмаганда ўта  
қўполик бўлиб кўриниши мумкин эди.  
Мени бироз саросима босди, беихти-  
ёр чўнтагимдан сигарет чиқардим. Гу-  
гуртнинг ёнгани эшитилди, бу торги-  
на майдон бир неча лаҳзада ёришди.  
Кўзойнақлар ортидан менга қараб тур-  
ган умуман нотаниш бир чеҳрага кўзим  
тушди. Уни кемада олдин ҳечам учрат-  
магандим, на овқатланиш чоғида, на  
йўлақларда. Кутилмаган ёрқин нурлар  
кўзини қамаштирганми, ёки менга  
шундай кўриндими, ҳарҳолда, унинг  
юзи даҳшатдан қорайиб кетган, буж-  
майган ва арвоҳсифат эди. Аммо мен  
ҳали батафсилроқ кўриб улгурмасим-  
дан бир лаҳзага ёришган чизгиларни  
яна қоронғулик ютиб юборди. Мен  
энди фақат қоронғулик ичида қорай-  
иб турган жуссани аранг илғаб турар-  
дим. Турубкани чуғи эса товланиб,  
худди бўшлиқдаги алангали халқани  
эслатарди. Ҳеч биримиз гапирмасдик.  
Ўртадаги жимлик худди тропик ҳаво  
каби оғир ва диққинафас эди.

Охири бунга бардошим етмади.  
Ўрнимдан турдимда, кета туриб илти-  
фот билан:

–Хайрли тун, дедим.

–Хайрли тун,-деди қоронғуликдан

аламли ва ҳорғин товуш.

Мен бир амаллаб кема арқонлари  
ва ёғочларига қоқила - суқила нари  
кетдим. Тўсатдан орқамдан безовта ва  
шошилишча қадам товушлари эшитил-  
ди. Бу ҳозиргина ёнимда ўтирган ҳам-  
роҳим эди. Беихтиёр жойимда туриб  
қолдим. У менга унчалик яқин келмас-  
дан тўхтади, қоронғулик ичида уни  
нимадандир ҳадиксираётгани , саро-  
симада эканлигини қадам босишлари-  
дан сезиб турардим.

–Кечирасиз,-деди у шошилиб, –  
агар сиздан бир нарсани илтимос қил-  
сам. Мен... мен... – хижолатдан кўнгли-  
дагини бирданига айтолмай тутилиб  
қолди. ... мен.. мен ўзимни олиб қочи-  
шимга... мутлақо шахсий сабабим  
бор... бу бир-қайғули ҳол... мен кема-  
даги одамларни кўргим келмайди.  
Йўқ- йўқ сизни айтмаяпман. Фақат  
илтимос қилмоқчийдим... Агар мени  
бу ерда кўрганингизни кемадагилар-  
дан ҳеч кимга айтмасангиз, сиздан ўта  
миннатдор бўлардим... Бунга... умуман  
у ерда боролмаслигимга шахсий саба-  
бим бор, агар сиз тунда бу ерда ким-  
нидир кўрганингизни айтадиган  
бўлсангиз..., яъни мени бу ердалигим-  
ни...

Унинг гапи яна томоғига тикилиб  
қолди. Мен дарҳол унинг истагини ба-  
жаришга ваъда бериб, уни хижолат-  
дан қутқаришга тиришдим. Иккаламиз  
бир- биримизга қўл бердик. Сўнгра  
мен ўз каютамга қайтдим ва жуда но-  
тинч, алғов -далғов тушлар кўриб ух-  
ладим. Сўзимни устидан чиқиб, гар-  
чи ичим қизиб кетса ҳам, кемадаги-  
лардан ҳеч кимга фаройиб учрашувим  
ҳақида гапирмадим. Чунки денгиз са-  
ёҳатида кимчи нарсалар ҳам катта во-  
қеага айланади. Масалан, уфқдан  
кўринган бир елкан, сакраб чиққан  
бирорта делфин, енгил ҳангома ёки  
арзимас ноз карашма ҳам. Аммо мени  
ҳамон ўша ғайриоддий йўловчи ҳақида  
кўпроқ нарса билиш иштиёқи тинч

қўймасди, бирорта исм унга тегишли бўлса керак деган ниятда кемадагиларнинг рўйхатини титиб чиқдим, бирортасини ўша одам билан алоқаси бордир деб одамларни синчиклаб кузатиб ҳам чиқдим. Хуллас, ичимдаги асабий бесабрликни бостириш билан овора бўлдим. Аслини олганда эса, уни яна учратиш умидида кеч бўлишини кутардим. Ростини айтсам, шунақа жумбоқли ва руҳият билан боғлиқ нарсалар олдида мен ўзимни тутиб туролмас, улардаги ўзаро боғлиқликни англаш мени қон-қонимгача қизиқтирар, ғайриоддий одамлар ўзларининг биргина туришининг ўзи билан мендаги жўшқин қизиқишни кўзғатиб юборади. Бу иштиёқ эркак кишининг аёл олдида ўзини йўқотиб қўйишидан кам эмасди. Шу куним умуман самарасиз ва бекфойда ўтиб кетди. Жуда эрта ухлагани ётдим, чунки бу нарса мени ярим тунда уйғотишини аниқ билардим.

Дарҳақиқат, мен айнан кечаги вақтда уйғониб кетдим. Соатнинг радиумциферблатидаги иккала курсаткичлар ҳам бир нуқтада турарди. Шошилганча димиққан каютадан чиқиб, ўзимни ундан ҳам димроқ тун кучоғига урдим.

Худди кечагидек юлдузлар чарақлаб турар, титраб турган кема тепасини яна ўша қоришган ёғду қоплаган, юқорида эса Жанубий Бут яшнаб турарди. Ҳамма нарса худди кечагидек эди. Тропик ўлкаларда биз тарафлардан фарқли ўлароқ тун ва кун эгизакларга ўхшайди. Фақатгина мендаги ёқимли ва мулойим хаёлларга тўла ҳолат энди кечагидек эмасди. Нимадир бир нарса мени тортқилар, чалғитар ва у мени қаёққа тортаётганини мен билиб турардим. Ўша ёққа, кеманинг зим-зиё бўлиб турган тумшук томонига чорлар, ўша сирли мавжудот ҳалиям жойдамикин, деган хаёл тортқиларди. Юқорида кема соати бонг урди. У мени дадиллантириб олға чорлади. Аста-секин, қадам-ба қадам,

истар-истамас ўша томонга ўтиб бордим. Ҳали супачага етиб келмасимданоқ, тўсатдан нимадир бир нарса худди чўғдай ёнаётган кўз сингари яшнаб кўринди. Бу турубка эди. У шу ерда ўтирганди.

Мен беихтиёр сесканиб кетдим ва туриб қолдим. Энди қайтиб кетмоқчи бўлиб тргандим, қаршимдаги қоронгуликда нимадир ғимирлади ва ўрнидан турди. Мен тарафга бир икки қадам ташлади ва кутилмаганда шундоқ олдимда унинг илтифотли ва бўғиқ овозини эшитдим.

–Кечирасиз, – деди у, – менимча сиз яна ўз жойингизга ўтмоқчисиз, хаёлимда мени кўриб, қайтиб кетмоқчи бўлдингиз. Илтимос ўтираверинг, мен ҳозир кетаман.

Мен ўз навбатида уни шу ерда қолиши кераклигини, орқага қайтмоқчи бўлганим, – бу бор-йўғи унга халақит бермаслик эканлигини тушунтирдим.

Менга халақит бермайсиз,-деди у қандайдир ялинчоқ оҳангда,-аксинча бир марта бўлса ҳам ўзим ёлғиз эмаслигимдан хурсандман. Ўн кундан бери биронтаям сўз гапирганим йўқ... тўғрироғи бир неча йиллардан бери... ва бу ҳолат жуда оғир, айниқса одам ҳаммасини ичига ютавериб бўғилиб кетса... Каютада ортиқ ўтира олмайман... ўша - ўша лаҳад ичида, мен ортиқ одамларни кўришга мадорим йўқ, чунки улар кун бўйи қаҳ-қаҳа отишади ... мен энди буларни кўтара олмайман... уларни овози пастга, менинг каютамгача етиб боради. Қулоқларимни бекитиб оламан... умуман олганда, сиз ҳали билмайсиз, ростдан ҳам бировнинг ташвишини биров қаердан ҳам билсин...

У тўхтаб қолди. Кутилмаганда шоша-пиша яна гап бошлади.

– Бироқ, мен сизни бошингизни қотирмоқчимасман... кўп гапириб юбордим шекилли, узр...

У таъзим қилди ва кетишга шайланди. Аммо мен шошилганча уни шаштидан қайтаришга тушдим.

– Қўйсангизчи, сиз ҳечам менга юк бўлаётганингиз йўқ. Аксинча, шу ерда бир-икки оғиз хотиржам суҳбатлашишдан мен ҳам хурсандман... Марҳамат, сигарет чекасизми?

У битта сигарет олди, мен олов тутдим. Яна унинг юзи ёришиб, қоронғуда кема бортидан калқиб, ажралиб чиқди. Бу сафар у менга қараб турарди. Кўзойнақлар ортидаги кўзлар қандайдир бир оч ва телбаларча шижоат билан менинг юзимни синчиклаб урганётгандек термулиб қолганди. Беихтиёр эгим жунжикиб кетди. Бу одам гапиришни хоҳлаётганини ва у албатта кўнглини ёриши лозимлигини ҳис қилдим. Унга ёрдам бериш учун эса мен фақат сукут сақлашим кераклигини англадим.

Иккаламиз ҳам утириб олдик. Унинг олдида яна бир кресло бўлиб, у менга шуни таклиф қилди. Биз чёкишда давом этдик, унинг сигаретидаги чўғ митти доирача бўлиб титраётганлигидан кўриниб турардики, унинг қўллари қалтираётганди. Мен миқ этмасдан жим турардим, у ҳам жим эди. Сунгра у секингина сўради:

– Сиз жуда толиқдингизми?

– Йўқ, умуман чарчаганим йўқ.

Зулмат ичида унинг товуши яна тинчиб қолди.

– Сиздан бир нарсани сўрамоқчиман... яъни, тўғрироғи сизга бир нарсани айтиб бермоқчийдим. Билиб турибман, дуч келган биринчи одамга мурожаат қилиш, қанчалик бемаънилик эканлигини, яхши биламан... аммо... мен... шундай бир аянчли руҳий ҳолатдаманки, мен ҳозир жар ёқасидаман, ким биландир албатта гаплашишим зарур, йўқса нобуд бўлишим аниқ... Сиз буни албатта тушунасиз... албатта, ҳозир сўзлаб берганимдан сўнг, албатта тушунасиз. Биламан менга ёрдам

бера олмайсиз... аммо, нима десам экан, мен шу сукут билан касалланганман... ва беморлар биласизки бошқалар учун кулгули кўринади...

Мен унинг гапини бўлиб ўзини бунчалар қийнамаслигини илтимос қилдим.

У менга бемалол сўзлаши мумкинлигини... албатта, мен ҳеч нарса ваъда қила олмайман, аммо ҳар бир одам учун бошқаларга ёрдам бериш, бу унинг бурчи-ку. Агар кимнидир ночор ҳолда кўрса, унга ёрдам бериш албатта бурч ҳиссобланади, дедим.

– Бурч... ёрдам беришга шай туриш бурчи... уриниб кўриш бурчи... демак, сиз ўйлайсизки, сиз ҳам одамнинг бурчи бор деб ўйлайсиз... бурч... ёрдам беришга шай туриш бурчи.

У бу гапни уч марта такрорлади. Бунақа бемаъни ва аламли такрорладан эгим жунжикиб кетди. Бу одам ақдан оздимикин? У балки мастмикан?

Мен худди хаёлимдагини овоз чиқариб айтгандек у гумонимни англади шекилли, кутилмаганда мутлақо бошқа овоз билан деди:

– Сиз эҳтимол, мени ҳозир ё жинни деб ўйлаяпсиз ёки маст. Йўқ, мен унақа эмасман – ҳарҳолда ҳали унақа бўлганим йўқ. Фақат, сиз айтган сўз галати-туюлди-ки, чунки айтиш чоғда худди шу нарса мени қийнамоқда, яъни бурч борлиги... одамнинг бурчи бўлиши.

У яна тутила бошлади. Кейин, бир муддат жим бўлиб қолди ва яна янги бир ҳафсала билан сўзлай бошлади.

– Ростини айтсам, мен врачман. Тиббиётда шундай қалтис вазиятлар бўладик... тўғрироғи ҳал қилувчи ҳолатлар, шундай ҳолларда қанақа бурчлигини ҳам билмай қолсан. Ахир, бурч бу битта нарса эмас-ку, бировга ҳамдардлик бурчи, ўз виждонинг олдидаги бурч, давлат олдидаги бурч, илм-фан олдидаги бурч... Тўғри, бировга ёрдам бериш керак, биз шунинг

учун ҳам яралганмиз... аммо, бу ақида-лар назарий томондан яхши... Хўш қанчалик даражада ёрдам бериш керак? Мана масалан сиз бир бегона одам-сиз, мен ҳам сизга бегонаман, сиздан бу ерда мени кўргангизни ҳеч кимга айтманг деб сўрасам... хўп, сиз жим юрасиз, сиз ушбу бурчингизни бажарасиз. Ёки сизга мен билан гаплашинг, деб илтимос қиламан, чунки мен бу жимликдан бўғилиб кетдим... Сиз мени эшитишга тайёрсиз... бу яхши... Ахир, бу ҳаммаси жуда осон... Аммо, сиздан оёқ қўлимни боғлангда, мени кемадан улоқтиринг десам... унда барча илтифотлар, ёрдамга тайёр туришлар йўқолади- қолади. Ахир бу нарса қаердадир... тугайдику. Қайсидир даражада етгач, ўзингдаги кўрқувданми, ўз жавобгарлигинг туфайлими... умуман қандайдир чегарага етгач ушбу бурч тўхташи керак-ку. Балки, врач учун эҳтимол бунинг чегараси бўлмас? Балки, у халоскор бўлиши, бу ёруғ оламда ҳаммага мадад бериши керакдир, нима учун ахир, бор-йўғи лотинча сўзлар битилган дипломи борлиги учунми, агар кимдир... кимдир унинг олдига ёрдам сўраб келса, у эҳтимол хаётини гаровга қўйиб, қон кечиб бўлса ҳам виждонли бўлиши, ёрдам бериши керакми? Ҳа, бурч деганлари қаердадир якун топади-ку, барибир, эҳтимол бизнинг имконимиз, кучимиз тугаган жойда у тўхтаб қолар...

У бир пас тин олди ва яна давом этди.

– Узр сўрайман... мен ҳозир қизишиб кетяпман шекилли... аммо мен маст эмасман... ҳарҳолда ҳали маст бўлганим йўқ... бу жаҳаннам сукуна-тига дош беришнинг иложи қолмаганда шунақаси ҳам тез-тез бўлиб туради. Ўзингиз ўйлаб кўринг, мен етти йил фақат маҳаллий одамлар ва ҳайвонлар ичида яшадим... бундай вазиятда тўғри, гапиришни ҳам ёддан чиқариб юборасан. Кейин сўзламоқчи бўлсанг,

ҳаммаси аралашиб кетади... аммо тўхтаб туринг... ҳа, ёдимда... сизда бир нарсани сўрамоқчийдим, хуллас шундай бир вазият бўлса, ёрдам бериш эса сизнинг бурчингиз бўлса... фақат чин дилдан, фаришталар каби поклик билан, самимий мадад бўлиш... Умуман ҳикоям чўзилиб кетади деб кўрқаман. Сиз ростдан ҳам толиқмадингизми?

– Йўқ, умуман толиққаним йўқ.

– Мен... мен сиздан миннатдорман... кўнглингизга олмадингизми?

У ерга эгилиб орқада қоронғуликда ниманидир пайпаслаб қидира бошлади. Нимадир шиқирлади, бу унинг ёнидаги икки, учта, балки ундан ҳам кўпроқ шишалар бўлиб, афтидан, уларни ёнгинасига териб қўйганди. У менга бир стакан виски таклиф қилди, мен номигагина хўплаб қўйдим, у эса бир кўтаришда ичиб юборди. Ўртамизда бир пасда жимлик чўқди. Шу пайт кема соатининг кўнғироғи эшитилди, – соат ўн икки ярим бўлганди.

– Хуллас, ...мен сизга бир воқеани сўзлаб бермоқчийдим. Тасаввур қилинг, бир врач... кичик бир шаҳарда... тўғрироғи, бир мамлакатда... бир врач... кичик врач, қайсики...

– У яна жим бўлиб қолди. Сўнг бирдан креслосини менга яқинроқ сурди.

– Бунақаси бўлмайди. Мен сизга ҳаммасини бошидан сўзлаб беришим керак, аксинча, сиз ҳеч нарсани тушунмайсиз... Бу ҳолни мисол тариқасида сўзлаш, яъни бир назария сингари баён этишнинг иложи йўқ... мен сизга ўзимнинг бошимдан кечган нарсани айтиб бераман. Бу ерда уялиш йўқ, ҳаммаси ошқора бўлсин... ахир менинг олдимда ҳам одамлар қип ялонғоч бўлиб ечинишади, яраларини, пешоб ва ахлатларини кўрсатишади... агар одам ёрдам олишни истаса гапни чўзмаслиги, яширмасдан ҳаммасини очиқ айтиш керак бўлади... хуллас, сизга қандайдир хаёлдаги врач ҳақида

гапирмайман, балки олдингизда бор будимни ечиб ташлайман, сизга айтсам, ушбу телбасимон ёлғизликда, одамни ич-ичидан кемирадиган, иликларинггача сўриб оладиган ушбу лаънати юртда шарм-ҳаё нималигини ҳам унутиб қўйгандим.

Мен қандайдир ноқулай ҳаракат қилдим шекилли, у гапиришдан тўхтаб қолди.

– Фҳ-ҳа, эътироз билдираяпсиз... фаҳмлаб турибман, сиз ҳозир ҳиндлар ўлкасига, ибодатхоналарга, палмаларга ва умуман икки ойлик саёҳатдаги романтик оламга маҳлиё бўлиб турибсиз. Агар сиз автомобилда, поездда ёки бирорта рикшанинг галтагида кезиб чиқсангиз, бу тропик ўлкалар чиндан ҳам мафтункор бўлиб кўринади, мен ҳам етти йил аввал бу ерга илк бор қадам босганимда ўзимни худди шундай ҳис қилгандим. Ушанда нималарни орзу қилмагандим дейсиз. Тилини ўрганиш, қадимий матнлардаги муқаддас китобларни ўқиш, касалликлар тадқиқоти, илмий ишлар қилиш, ерлик аҳолининг руҳий оламини тадқиқ этиш... яъни европача жаргонда айтадиган бўлсак – инсонпарвар тамаддуннинг миссионерларидан бири бўлишни истагандим.

– Кимки бу тарафларга қадам босадиган бўлса, ҳаммасини шунақанги бир хил хаёллар орзуси бўлади. Бироқ, эҳ-ҳе, бу лойқа кўлмақда бирининг дармони қурийдий, бошқасини эса иссиғи чиқади. Иликлари қуриб, безгакнинг ҳап дорисини шунчалар кўп ютадики, охир оқибат бу ердаги азоблардан мадори қуриб, лоҳас бўлиб, бўшашиб қолади. Агар нимадир сабаб бўлиб, бирорта европалик фаровон турмушидан ажралиб, шаҳру-азимдан ушбу гадой топмас ботқоқдаги бир станцияга келиб қоладиган бўлса, ким бўлмасин-ҳаммаси, эртами, кечми ўзининг асл башарасини йўқотиб қўяди. Бири ичкилик қурбони бўлса,

бошқаси бангига айланади. Яна бири ваҳшийлашиб кетади. Хуллас ҳар қандай одамни бир фалокат ютади. Бу ерда Европани кўмсайсан, бир кунгина бўлса ҳам ҳақиқий кўчаларда сайр қилгинг, росмана гиштли, нурафшон уйларда оқ одамлар даврасида ўтиргинг келади. Йиллар ўтаверади, сен орзу қилаверасан ва ниҳоят бир кун келиб истеъфога чиқиш вақти етганда эса, бу жойларни ташлаб кетиш ҳам бир азоб. Чунки биласанки, сен аллақачон унутилиб бўлгансан. Ҳаммага бегонасан. Чунки уммон чиқариб ташлаган кичик бир чиғаноқдек сени ҳар қандай одам босиб ўтиши мумкин. Шу тариқа балчиққа қоришиб, мана шу иссиқ ва намхуш ўрмонлар ичида нобуд бўласан. Мана шу ботқоқларга ўзимни сотган кунимга мингдан-миг лаънат...

Аммо лекин, бунга мен умуман ўз ихтиёрим билан рози бўлмаганман. Германияда ўқиганман. Росмана табиб, яъни яхшигина врач эдим. Лейпцигдаги клиникада лавозимим бор эди. Ўша йиллари мен бир янги инъекийани илк бор амалиётда қўллаб ҳам кўрганман. Бу ҳақда тиббий журналларда роса шов-шув ҳам кўтаришганди. Шундан кейин бошимдан бир ишқий саргузашт ўтди. Ўша аёл билан клиникада танишгандим, у ўзининг олдинги ошигини шунчалар ақлдан оздиргандики, охири йигит уни тўппончадан отиб ҳам қўйганди. Тез орада мен ҳам шундай ақл-хушимни йўқотдим. Унинг шунақа бир такаббур ва совуқ қилиқлари бор эдики, бу ҳол мени қонимни қайнатиб, хушимни ўғирларди. Умуман шунақа эркактабиат, дағал аёллар мени тезда қўлга олишарди. Аммо буниси мени чангалида шунчалар қаттиқ қисдики, ақлу-хушимдан айрилдим. У нима буюрса ҳаммасини қилардим – мен, хуллас, яшириб нима қилдим, шунча йил ўтиб кетди-ку, - ўша аёл учун касалхонанинг пулларига ҳам чанг солдим. Бу

иш фош бўлгач, бошимга итнинг куни тушди. Ҳалиям бир амаким зиён қилинган суммани тўлади. Бироқ, энди мартаба қўлдан кетганди. Худди шу пайтларда Голландия ҳукумати колониялари учун врачларни ёллаётган ва олдиндан яхшигина нақд пул ваъда қилаётганини эшитиб қолдим. Хуллас, мен ҳам ўзимча чамалаб кўрдим. Олдиндан пул тўлашаяптими, демак унчалик тоза иш бўлмаса керак. Қолаверса, ушбу безгак плантацияларида қабрлардаги хочлар биздагига қараганда уч баробар тезроқ ўсиб чиқишини яхши билардим. Аммо одам ёш бўлгач, безгак ва ўлим ҳақида гап кетадиган бўлса, уларни сенгамас, бошқаларга алоқаси бордек туюлаверади. Қолаверса ўзимда ҳам танлаш учун унчалик кўп имкон йўқлиги учун Роттердамга жўнадим ва бирдангина ўн йилга ёзилдим. Яхшигина бир тугун-пул олдим. Пулни олдим у ярминини уйга, ўша амакимга жўнатдим. Қолган ярмини эса ўша ерда, порт яқинидаги кулбаларнинг бирида бир хонимча битта қўймай шилиб олди. Бунга ҳам ягона сабаб, уни ўша лаънати ургочи-мушукка жуда-жуда ўхшагани эди. Пулсиз, соатсиз ва хомхаёлларсиз Европадан жўнавордим, ҳатто кема бандаргоҳдан чиқаётганида ҳам унчалик хафа бўлганим йўқ. Шундан сўнг мен ҳам худди сизга ва бошқаларга ўхшаб, палубада ўтириб олиб, Жанубий Бут юлдузларини, палмаларни томоша қилдим. Юракларим ўйноқлаб кетганди – эҳ, ўрмонлар, ёлғизлик, сукунат, орзуларим осмон эди. Хуллас, шулардан менга энг кўп насиб қилгани – ёлғизлик бўлди. Мени на Батавия, на Сурабияга жўнатишди. Яъни одамлар, клублар, голф ва китоблар, газеталар бор шаҳарга эмас, балки – эй, номи ни бу ерда ҳечам қизиғи йўқ, – энг яқин шаҳаргача икки кунлик йўл бўлган бир тумандаги постга тайинлашди. Уч тўртта одамнинг гашига тегадиган, бу-

рушган амалдорлари бир нечта маҳаллий аҳолидан чиққан ярим европалашганлар – менинг жамоам бор-йўғи шулардан иборат эди. Қолгани эса бепоеъ ва тубсиз ўрмонлари плантациялар, чангалзорлари ботқоқликлар эди.

Бошида ҳали чидаса бўларди. Мен бутун борлигим билан тиббиётга берилгандим, ҳатто бир сафар ўша ердаги вице-президент машинаси билан ағдарилиб кетиб, оёғини синдириб қўйганда, ёрдамчиларсиз бир ўзим операция ҳам қилгандим, бу ҳақда кейин роса гапириб юришганди. Турли оғуларни, ерлик аҳолининг қуролларини тўладим, ўзлимни йўқотмай деб минглаб майда-чуйдалар билан шуғулланиб кўрдим. Аммо буларнинг ҳаммаси токи мендаги Европадан олган қувватнинг кучи тугагунча давом этди холос; ундан сўнг қолдан тойдим. Мен учун ўша ердаги тўрт-бешта европаликлар зерикарли бўлиб қолди. Улар билан борди-келдини ҳам тўхтатдим. Ҳар куни ичиб олиб ўз хаёлларим билан ўзим овора бўлиб ўтирардим. Менда бор-йўғи яна икки йил қолган, ундан кейин нафақага чиқишим, Европга қайтиб, янгидан ҳаёт бошлашим мумкин эди. Тўғриси айтганда кутишдан, тинчгина ётишдан ва яна кутишдан бошқа ҳеч нарса қилмасдим. Агар у... агар ўша келмаганда эди, мен ҳозир ҳам шу тариқа ўтирган бўлардим.

Қоронғулик қўйнида овоз тиниб қолди. Энди трубка ҳам яшнамаётганди. Шунчалар кучли жимлик чўқдики, мен тўсатдан кема тумшугига урилатган сувнинг парчаланишини, моторнинг бўғиқ дуппиллашини ҳам эшита бошладим. Ҳозир жон деб битта сигарет чеккан бўлардим – у аммо, гугурт чақмоғининг шуъласи унинг юзига урилиб, чўчитиб юборади деб кўрқардим. У эса гапирмас, овоз ҳам чиқармасдан ўтирарди. Унинг сукути шунчалар чуқур эдики, ҳикоясини тугатдими, ми-

эгияптими, билиб бўлмасди.

Шу чоғ кема соати кучли зарб билан бонг урди, соат бир бўлди. У яна қимирлади, яна шишаларнинг овози эшитилди. Афтидан, у вискини топиш учун қўллари билан полни пайпасларди. У яхшигина бир култум ютди, сўнг кутилмаганда яна сўзлай бошлади аммо, бу сафар унинг овози бир маромда, қатъий ва эхтирослироқ эди.

“Хўп, шундай қилиб... шошмай ту-ринг... хўш, воқеа бундай бўлди: шундай қилиб, бир неча ойлardan бери мен тепаликда, ўзимнинг ўша жирканч инимда худди ўлжа кутган ўргимчакдек миқ этмасдан ўтирардим ўшанда, ёмғирлар фасли эндигина тугаган ва бир неча ҳафта давомида том тепасини жала савалаган, олдимга ҳеч ким келмас, бирортаям европалиқ қораси-ни кўрсатмас, мен ҳар куни эртадан кечгача сариқ юз аёлларим ва зўр виски билан уйда ўтирардим. Ўша пайтда мен бутунлай тушкунликқа тушган, бутун борлигим билан Европа дарди-га чалингандим. Агар ёруғ кучалар ва оқбадан хонимлар ҳақида бирорта ро-ман ўқийдиган бўлсам, ҳатто бармоқ-ларим ҳам титрай бошларди. Сизга бу ҳолатни тўлалигича тасвирлаб берол-майман, бу ўзига хос тропик касаллик бўлиб, унда одам қаттиқ ва титратув-чи, шу билан бирга тинкани қурита-диган юрт соғинчини бошдан кечира-ди. У вақти-вақти билан айрим одам-ларни ўз домига ҳам тортиб туради. Ўшанда мен худди шундай аҳволда ўтиргандим. Янглишмасам олдимда бутун дунё харитаси ҳам бўлиб, қан-дайдир саёҳатларни орзу қилаётган-дим. Шу пайт кўча эшик қаттиқ таққил-лаб қолди. Эшик олдида хизматкор бола билан аёллардан бири турарди. Иккаласининг ҳам таажжубдан кўзла-ри олайиб кетганди. Улар ташқарида мени бир хоним, бир леди, бир оқ тан-ли аёл сўраётганини бир-бирига на-вбат бермасдан тушунтира кетишди.

Мен сакраб ўрнимдан турдим. Ахир,

бирорта машина ёки араванинг шов-қинини эшитмадим-ку, оқ танли хо-ним, ушбу гадой топмас авлоқда-я.

Зинадан югуриб тушгим келди. Аммо ўзимни қўлга олдим. Кўзгуга бир назар ташлаб, шоша-пиша ўзимни сал тартибга келтирган бўлдим. Асабларим таранглашиб, бироз саросима босди ва ичимда қандайдир бир ёқимсиз туйғу пайдо бўлди. Чунки бу дунёда ҳеч ким дўстлик юзасидан менинг ол-димга келмаслигини яхши билардим. Ниҳоят пастга тушдим.

Кираверишдаги хонада бир хоним кутиб турарди. У мени кўриши билан шошилганча мен томон юрди. Унинг юзини кўчаларда юрганда тақилади-ган қалин чачвонсифат тўр тўсиб ту-рарди. Эндигина унга илтифот билан салом бермоқчи бўлгандим, у дарҳол бозимдан сўзимни олди.

— Салом, доктор, -деди у равон (афтидан олдиндан машқ қилинган) ин-глиз тилида, —гапингизни бўлганим учун узр сўрайман. Аммо, биз бу стан-цияга ҳозиргина етиб келдик, маши-намиз шундоқ унинг қаршисида туриб-ди, —шунда миямга яшин тезлигида, унда у нимага тўғридан-тўғри уй ол-дига келавермади, деган бир фикр келди, —утиб кетаётиб сизни шу ерда яшашингиз ёдимга тушди. Мен сиз ҳақингизда жуда кўп эшитганман, сиз ҳақиқатдан ҳам вице-президентни гаройиб бир операция қилгансиз, уни оёқлари яна нуқсонсиз тикланибди. У худди аввалгидек голф ўйнамоқда. Эҳ-ҳе биз томонда ҳамма шу ҳақда га-пиради. Умуман агар сиз биз томон-ларга келганингизда эди, эвазига ўзимнинг вайсақи врачимиз ва унга қўшиб яна иккитасини берган бўлар-дик. Нимагадир сиз умуман кўринмай-сиз, яшашингиз ҳам йогларникага ўхшайди...

У шу тариқа бидирлашда давом этар, гаплари борган сари тезлашар, оғиз очишимга имкон бермасди. Бу

вайсақиликнинг тагида қандайдир асабийлик ва саросима яшириниб ётарди. Ундан ҳатто мен ҳам безовталана бошладим. Бу аёл нима учун бунча кўп гапиради, дея ўйладим ичимда, нимага ўзини таништирамаяпти, нима сабабдан юзидаги тўрни ечмаяпти? Иситмаси бормикин? Ёки бетобмикин? Ақлдан оздимикин? Унинг бунақа потирлаб вайсаши олдида мен шу тариқа мум тишлаб, қотиб туришим ўзимга кулгули туюлар, бундан эса борган сари асабим бузилаётганди. Охири у бир пасга тинчланди ва мен уни ичкарига таклиф қилдим. У хизматкор болага, шу ерда қолавер, деган ишора қилди-да, зинадан юқорига кўтарилди.

–Ўйингиз жуда шинам экан, – деди у хонамни томоша қила туриб. – Оҳ, ажойиб китоблар! Ҳаммасини ўқиб чиққан бўлардим.

У жавон ёнига бориб, китобларни кўздан кечира бошлади ва кириб келганидан буён биринчи марта бир неча сонияга жим бўлиб қолди.

–Рухсатингиз билан чой буюрсам бўладими?–дея сўрадим. У менга бурилиб ҳам қарамади. Балки китоб жилдларини томоша қилишда давом этди.

– Йўқ, доктор, ... биз ҳозир яна жунаб кетишимиз керак... вақтим унчалик кўп эмас... мен шунчаки, биррогга киргандим... Оҳ, Флобер ҳам бор экан, мен роса яхши кўраман, ажойиб, уни "Education sentimentale" ("Ҳиссиётлар тарбияси" французча) асари ростдан ҳам ажойиб, афтидан французча ҳам ўқийсиз, шекилли... Ҳамма тилларни биласиз-а! ...ҳа, немислар, улар ҳаммасини мактабда ўрганишадди. ...кўп тилларни билиш, чиндан ҳам, қойил қолиш керак! Вице –президент доим сизни мақтаб юради. Кўзимни юмиб, пичоғи остига бемалол ётишим мумкин бўлган ягона жарроҳ –шу одам, дейди. Биздаги қари доктор бридже ўйнашдан бошқасига ярамайди. Қолаверса биласизми, - (у ҳамон мен то-

монга бурилиб қарамасди) бугун ўзининг ҳам хаёлимга шундай фикр келди, сиздан бир маслаҳат олсам дедим чунки йўлим шундоқ ёнгинангизда ўтиб кетаётган бўлса, менимча... ҳозир ишингиз кўп, шекилли... балки мен бошқа сафар кирарман.

–Ниҳоят, картангни очаркансан-ку, деган фикр келди хаёлимга бирдан Аммо, ўзимни билмаганга солдим ва унга қулай бўлган ҳар қандай вақтда хизмат кўрсатиш мен учун катта шараф эканлигини таъкидладим.

– Унчалик жиддий нарса эмас, – деди у ярим бурилган ҳолда жавондан олган бир китобни варақлай туриб. – Жиддий эмас, шунчаки арзимас нарсалар... аёлларнинг дарди... бош айланиш... ҳолсизлик. Бугун тонгда, машина муюлишида бурилаётганда кўнглим айниб, ҳушимдан кетибман... хизматкор машинада мени суяб қолган ва кейин сув олиб келган кўринадди, хуллас, эҳтимол ҳайдовчи тез ҳайдагандир... сиз нима деб ўйлайсиз, доктор?

–Мен бундай деб ўйламайман, авваллари ҳам шунақа ҳушингизни йўқотганмисиз?

–Йўқ... яъни, ҳа, сўнги пайтларда... айнан энг сўнги кунларда... ҳа... ҳушимдан кетишлар, кўнглим айниши.

У ҳалиям жавон олдида турар, бир китобни қўйиб, бошқасини олар ва варақлашга тушарди. Жуда ғалати... нима учун у бундай асабий варақлаяпти... нима учун тўр остидан чиқмайди? Атайлаб унга ҳеч нарса демай тураман. Менга уни куттириш завқ беради. Ниҳоят, у яна ўзига хос бидирлашда давом этди.

– Тўғрими, доктор, бу унчалик ўйлайдиган нарса эмас-а? Ҳеч қанақа тропик дард эмас... хавфли ҳам эмас, тўғрими?

– Мен авваламбор бир текшириб кўришим керак, иссифингиз борми, йўқми. Томирингизни эшитиб кўрсам

бўладими...

– Йўқ, йўқ, иссиғим йўқ менинг... бу аниқ, бунга мутлақо ишончим комил... ҳар куни ўзим ўлчаб тураман, мана шу нохушлик бошлангандан буён. Ҳечам иссиғим чиққани йўқ, доим 36,4. Ошқ-озоним ҳам соппа-соғ.

Мен бир пас жим туриб қоламан. Вақт ўтган сари ичимдаги гумон ортиб бораверади: бу аёл мендан нимадир хоҳляпти ўзи, ахир, шунча чангалзор оралаб Флобер ҳақида гаплашгани келмайдику. Уни яна бир, икки дақиқа куттириб қўяман.

– Афу этасиз, -дейман мен бирдан нига, -рухсат этсангиз, бутунлай очиқчасига сўрасам майлими?

– Ҳа, албатта, доктор! Ахир сиз врачсиз-ку, -дея жавоб беради у. Лекин ўзи яна тескари қараб оладида, китобларни титкилай бошлайди.

– Аввал ҳам фарзанд кўрганмисиз?

– Ҳа, бир ўғил.

– Аввал ҳам... яъни, айтмоқчиманки, ўша пайтда ҳам шунга ўхшаш ҳолат бўлганми?

– Ҳа.

Унинг овози энди бутунлай бошқача эди. У бутунлай тиниқ ва аниқ сўзлар, энди у тутилиб қолмас ва асабий ҳам эмасди.

– Бўлиши мумкинми, яъни, саволим учун узр сўрайман, яъни ҳозир ҳам ўшандай ҳолат бўлиши мумкинми?

– Ҳа.

У бу сўзни чўрт кесиб айтди. Ҳатто юзидаги бирорта туки ҳам қимирламади. Мен буни атайлаб ён тарафдан кузатиб турдим.

– У ҳолда, эҳтимол энг яхшиси хурматли хоним, агар рухсат берсалар умумий анализ олишим керак бўлади, эҳтимол... у ҳолда марҳамат қилиб бошқа хонага ўтсангиз бўладими?

–Йўқ... бунинг ҳожати йўқ... мен ўз ҳолатим ҳақида тўла ишончга эгаман.

Унинг товуши яна бир лаҳзага жим бўлиб қолди. Қоронғуда яна тўла ши-

шанинг қултиллагани эшитилди.

– Хуллас, кулоқ солинг... аммо олдин бир лаҳзага тасаввур қилишга уриниб кўринг. Ёлғизликдан адо бўлаётган бир шўрликнинг олдига бир аёл бостириб кириб келса, яна у неча йиллардан буён бу хонага кирган биринчи европалик аёл бўлса... мен шу заҳотиёқ бу хонада шайтоннинг шарпаси пайдо бўлганини, қандайдир бир фалокатнинг ҳиди келаётганини сездим. Бутун вужудим жимирлаб кетди. Бу аёлнинг пулатдек қатъийлиги олдида мени беҳосдан кўрқув босди. У аввалига сафсата билан бидирлаганча бостириб кириб келса-ю, энди гўё шамшир билан чўрт кесган каби, менга ўз талабини қўйса. Аслида, у мендан нима хоҳлаётганини билиб турардим, ҳе, шу заҳотиёқ билгандим – аёлларнинг мендан бунга ўхшаш нарсаларни сураб қелиши – биринчи марта эмасди. Аммо, улар мутлақо бошқача тарзда келишарди. Улар уялишар ва ялиниб келишарди. Кўз ёши тукишар, ёлворишарди. Бу ерда аммо шунақа бир совуқ, ҳа, эркакча чўрт кесарлик турардики... ҳа, мен буни... бу аёл мендан кучли эканлигини, у мени ўзи хоҳлаганидек иродасига бўйсундира олишга қодир эканлигини дастлабки сонияларданоқ сезгандим. Аммо... аммо... менинг ичимда ҳам бир шайтон тинчлик бермасди. Бир эркак суратидаги иблис ичимда туриб олиб, қандайдир эски хусуматни қурол қилиб олганди. Чунки... аввал ҳам айтгандим, ҳа... дастлабки сонияданоқ, ҳа, уни кўришим биланоқ, уни ғаним сифатида қарши олгандим.

Аввалига мен жим туриб бердим. Қаҳр билан астойдил сукут сақладим. У тўр остидан менга қараб турганини, талабгарона қараётганини, мени гапиришга мажбур қилмоқчи бўлаётганини бошиданоқ сезиб турардим. Бироқ, мен ён бермадим. Аммо, кейин гапира бошладим... беихтиёр ўзим билма-

ган ҳолда, унинг сафсатаси ва совуқ оҳангини қабул қилган ҳолда... муж- мал қилиб... гапира бошладим. Ҳзимни гўё тушунмаганга солдим, чунки билмадим сиз буни тушина оласизми, йўқми, мен уни очикроқ сўзлашга маж- бурламоқчи бўлдим, унга буни Ҳзим таклиф этишни эмас балки, унинг Ҳзи буни илтимос қилишини хоҳладим... айнан унинг Ҳзи буни илтимос қили- шини хоҳладим... айнан ундан, чунки у шунақа, ҳукмдорларча кириб келга- ни учун... чунки бунақа димоғдор ва совуққон аёлларнинг ҳукми олдида Ҳзимнинг ожиз эканлигимни яхши билардим.

Хуллас, мен ноаниқ нарсалар ҳақида сўзлардим, бунақа ҳушидан кетишларини мутлақо ўйламаслик ке- раклигини улар бундай вазиятга ода- тий ҳол эканлигини ақсинча, бу нар- салар ҳомиланинг ўз вақтида ривож- ланишида муҳим эканлигини гапира бошладим. Тиббий газеталарда баён қилинган шунақа ҳолатлардан мисол- лар келтирдим... унинг ҳолсизлиги оддий ҳол эканлигини таъкидлаб жиддий ва хотиржам гапиравердим... ва у мени тўхтатармикин дея охири- ни кутиб гапиравердим. У бунга дош беролмаслигини билиб турардим.

Бу сўз худди болта зарбидек ке- сиб тушди.

-Бунақа амалиёт ҳар иккала томон учун ҳам ўта хавфли ҳисобланиши... биласизми?

-Ҳа.

-Бунақа қонунан таъқиқланганини ҳам-а?

-Шундай ҳоллар бўладики, бу нар- са тавсия этилади.

- Бироқ бунинг учун врачнинг тав- сияси керак бўлади.

- Ҳўп, ўша хулосани сиз топинг, сиз ахир врачсиз.

Унинг кўзлари менга очик ва қатъ- ий термулиб турарди. Бу энди буй- руқ эди. Унинг сеҳрли иродасининг

ҳукми олдида мен ожизлик билан са- росимага тушиб, тимирискалана бош- ладим. Аммо мен ҳали осонликча тас- лим бўлишни истамасдим. Ҳзимни мағлуб эканлигимни кўрсатмаслигим керак эди. "Фақат бунчалик тезлик билан эмас! Пайсалга солиш керак! Уни ёлворишга мажбур этиш ло- зим!", - дерди ичимда қандайдир бир иштиёқ..

-Бу нарсга ҳар доим ҳам врачнинг хоҳишига боғлиқ бўлавермайди. Аммо, мен касалхонадаги бир дўстим билан... буни ҳал этишга тай- ёрман.

- Менга сизнинг ҳамкасбингизни кераги йўқ... мен сизнинг олдингиз- га келдим.

- Билсам бўладими, нима сабаб- дан айнан мени олдимга ?

У менга ўта совуқ термулди.

- Сиздан бунинг сабабини яшириш ниятим йўқ. Сабаби сиз чекка ҳудуд- да яшайсиз, чунки сиз мени тани- майсиз - чунки сиз жуда яхши врач- сиз, сиз... - у биринчи марта ўйла- ниб қолди, - бу ерда энди узоқ уш- ланиб қолмайсиз, айниқса, агар сиз... агар сиз ўзингиз билан мўмайгина пул билан уйга қайтадиган бўлсангиз.

Бошимдан муздек сув қуйгандек бўлди. Бунақа совуққон ва савдогар- ларникидек ҳисоб-китоб мени лол қолдирган эди. Шу пайтгача илтимос ҳақида оғиз ҳам очмаганди аммо, у ҳаммасини аллақачон ҳисоблаб чиқ- қан, кейин мени синчиклаб кузатган, охирида ўққа тутга бошлади. Унинг иродасидаги иблисона руҳ мени чир- маб олаётганини сездим, лекин бор кучим билан ҳимоялана бошладим. Яна бир бор Ҳзимни расмий қилиб кўрсатишга мажбурладим, тўғрироғи кинояли бир қараш қилдим.

- Демак, сиз менга мўмайгина пул... тўламоқчи бўлаяпсиз?

- Биласизми, мен бу билан ўз на- фақамни йўқотаман.

- Сизни кўрсатадиган ёрдамингиз ва шу заҳотиёқ бу ердан жўнаб кетишингиз эвазига.

- Бунинг зиёини мен сизга қоплаб бераман.

- Сиз жуда аниқ гапирдингиз... аммо, янаям аниқроқ билмоқчийдим. Гонорар сифатида қанақа миқдордаги сумма назарда тутилмоқда?

- Йигирма минг гульден, чек орқали Амстредамда олиш шарти билан.

Мен... титраб кетдим... мен газадан ва лол қолганим учун титраётгандим. У ҳаммасини ҳисобини олганди. Сумма ва тўлов шарти - бу нарсалар мени бу ердан жўнаб кетишга мажбур қиларди, у менга нарх қўйган ва сотиб олганди. Қаранг ҳали бунинг билмасдан туриб у ўзи хоҳлагану менга эгалик қилган, қўйган. Жон деб унинг юзига тарсаки туширган булардим... аммо мен азобдан титраб ўрнимдан туришим билан у ҳам ўрнимдан қўзғалди. Қўзлар қўзларга тик боқарди. Шунда ўша ёлворишни истамайдиган маҳкам қисилган лабларга, эгилишни истамаган тақаббур пешонага қараб туриб, кутилмаганда... мени қандайдир бир... қасос ҳисси уни мажбурлаш ҳисси чулғаб олди. У ҳам нимадир бир нарсани сезди, шекилли, худди шилқимнинг таъзирини бериб қўймоқчидек, қошларини чимирди, кутилмаганда ўрта миздаги нафрат ошкора тус олди. У мендан нафратланарди. Чунки мен унга керак эдим. Мен ундан нафратланардим, чунки.. чунки бош эгиб ялинишини истамасдим. Шу бир лаҳза, айнан шу биргина лаҳза ичида биз илк бора бир-биримизга ошкора сўзладик. Сўнгра тўсатдан миямга бир фикр худди шилимшиқ қуртдай ёпишиб олди ва мен унга дедимки...

- Ҳозир, шошмай туринг, бу аҳволда нима қилганимни... мен нима деганимни... сиз мени нотўғри тушунасиз, ушбу телбанома фикр миямга

қандай келиб қолганини сизга тушинтириб беришим лозим...

Қоронғуда яна шижанинг шиқирлагани эшитилди ва унинг яна ҳаяжон тўла овози давом этди.

-Йўқ ўз гуноҳи учун ўз сўрамоқчи, айбини тўғриламоқчи ёки ўзини оқламоқчи деб ўйламанг. Аммо бусиз ҳеч нарсани тушунмайсиз... билмадим авваллари озгина бўлсада яхши одам бўлганманми, йўқми аммо ишончим комил, мен доим одамларга жон деб ёрдам берганман. У ердаги дайди ҳаётимда бу нарса яъни бир сиқимгина илмни миямга жойлаб олиб, кимнидир ҳаётини сақлаб қолиш, мен учун ўзига хос бахт саналарди. Ўзимни худо деб билардим... ростдан ҳам, бу мен учун энг гузал онлар эди. Агар, масалан бироррта сарғиш ўсмир оёғини илон чақиб, шишиб кетган, қўрқувдан ранги кўкариб, оёғини кесиб ташламасликларини сўраб ёлвориб турган лайтларда ҳам, бунинг уддасидан чиқардим, уни қутқариб қолардим. Агар бирорта аёл, безгақдан қалтираб ёрдам сўраса, мен соатлаб йўл босиб, етиб борардим, илгарилари, яъни, Европада, клиникада ишлаган кезларим ҳам ёрдам керак бўлганда шундай қилганман. Аммо, у пайтда сен кимгадир кераклигингни, кимнидир ўлим остонасидан ёки фалокатдан қутқариб олаётганингни ҳис қилиб турасан. Қолаверса, ўзинг ҳам бошқаларга керак бўлиш туйғусига муҳтожсан-ку.

Лекин, бу хотин - билмадим, сизга бунинг тушунтира оламанми, - ҳузуримга совуққонлик билан кириб келишиданок, ўзининг манманлиги билан мендаги ички бир аламни, ёвликни қўзғатиб юборди, у — нима десам экан, — у мендаги барча йиғилиб ётган аламларни, унга ганим саналган ва ичимда мудраб ётган бир иблисни уйғотиб юборганди. Яна шун-

дай бир лаҳзада, яъни гап ҳаёт ва мамот ҳақида кетаётган бир пайтда - я, мен ана шу нарсага чидай олмай телба бўлаётгандим. Ундан ташқари... ундан ташқари... қолаверса, одам голф ўйинидан ҳомиладор бўлмаслигини ҳам яхши биламан-ку, яъни... тўсатдан даҳшат билан бир нарсани аниқ эсладим, - ҳа, бу ўша фикр эди, - яъни шу хотиржам, димоғдор ва совуққон аёл, мен унга истеҳзо билан, салкам ҳурмат билан термулиб турган бир пайтда, у олмосдек яшнаган кўзлар устидаги қошларни чимирса. Чунки, ...ўзи икки -уч ой олдин қандайдир бир эркак билан бир ҳайвон каби, ишқдан маст бўлиб инграганча, вужудлари чирмашиб, тушакда маишат қилган бўлса-ю... Айнан шу фикр, яъни у худди инглиз офицерига ўхшаб манманлик билан, совук термулиб турган чоғда хаёлимга келган даҳшатли фикр ана шу эди. ...шундан сўнг, ўша жойда ичимдаги барча аламлар юзага отилиб чикди... шу лаҳзадан бошлаб бутун борлигимни уни ҳақоратлаш, уни бадном қилиш фикри чулғаб олди... шу лаҳзадан бошлаб мен унинг танасини либоссиз тасаввур қила бошладим... шу лаҳзадан бошлаб хаёлимда унинг тошдек лабларидан инграшларни сиқиб чиқариб олгим, худди ўша, бегона хуштор сингари ушбу совуққон ва димоғдор хонимни ҳушини йўқотишини кўргим келди... Лекин, мен ҳеч қачон бунчалар тубанликка тушмагандим, яъни врач сифатида ҳеч қачон вазиятдан фойдаланишга уринмаганман... Аммо, бу сафар, бу бир ҳирс, эҳтирос ёки шаҳвоният эмасди, чиндан ҳам... бу унинг манманлигини яксон этиш... бир эркак сифатида ундан устун келиш, уни мағлуб этиш иштиёқи эди. Адашмасам, мен сизга аввал ҳам айтгандим шекилли, яъни манмансираган, ошқора совуққон аёллар илгаридан ҳам

мени ўз ҳукмига тез бўйсиндирашарди... аммо, буниси... мен бирорта ҳам европалик аёлни кўрмасдан етти йилдан буён шу ерда яшаётган бўлсам, шунча вақтдан бери бу болада рад этиш нималигини билмагандим... Чунки, бу ердаги қизлар, сени ҳурмат қилганидан тик қарашга ботина олмайдиган, миттигина чуғурлаган нафис мавжудотлар, агар бирорта оқ танли «жаноб» хоҳлаб қоладиган бўлса, улар жон деб ўзларини фидо қилишар, латиф, табассум билан унинг хизматига бош эгишарди.... Ва, айнан ана шу асиралардек итоаткорлик туфайли, гоҳида ўзингни тўнғиздек ҳис қиласан. Энди тушунаяпсизми, шунча нарсдан кейин бу ҳол менга қанчалар оғир ботганини. Чунки, қутилмаганда бутун вужуди нафратга тўла, тумшуғини кутарган ва тирноқларигача тилсимга ўралган бир аёл, шу билан бирга у сирларининг бир учини ошкор этса-ю, ўзи ўтмишдаги эҳтиросларига фарқ бўлиб турган бўлса... агар шундай бир аёл, шундай бир ёлғизланиб қолган, очикиб кетган, одамови бўлиб қолган эркакнинг кулбасига дағаллик билан бостириб кириб келса... Сизга ана шуни тушунтирмоқчи эдим, бўлмаса бошқаларини... яъни бундан кейинги гапларимни тушина олмайсиз. Хуллас... қандайдир аламли туйғуларга тўла, аламли хаёллар билан заҳарланган, ақлан тубанлик сари юз тутган аҳволда бўлсам ҳам дарҳол ҳушимни йиғиб олдимда, ўзимни бепарволикка солдим.

— Йигирма минг гулденми? ... Йўқ бунинг эвазига мен ҳеч нарса қилмайман, дедим совуққонлик билан.

У менга қараб қолди, унинг ранги бироз оқарганди. Бу қаршилиқнинг сабаби фақат пул эмаслигини у сезиб турарди. Бироқ, шундай бўлсада, яна бир бор сўради.

— Унда нима ҳоҳлайсиз?

Мен гапни бундай совуқ ва расмий оҳангда давом эттиришни истамасдим.

—Келинг картамизни очиб ўйнаймиз. Мен савдогар эмасман... эвазига оғу сотган Ромео ва Жулеттадаги қашшоқ дорифуруш ҳам эмасман ... Тўғрироғи, мен совдогарни акси бўлсам керак... бу усул билан сиз ўз ниятингизга етолмайсиз деган фикрдан.

—Демак, бу ишни ҳал қилишни хоҳламайсиз?

— Пул эвазига эмас.

Ўртамизга бир лаҳзалик сукунат чўкди. Шунчалик жимлик чўкдики, мен кутилмаганда унинг энтикаётганини ҳам эшита бошладим.

— Бошқа яна нима йстаган бўлардингиз? Энди ўзимни ортиқ-тутиб тура олмадим.

— Истардимки, авваламбор сиз менга қанақадир бир чайқовчига эмас, инсонга муносабат қилгандек гапирсангиз... Агар сизга ёрдам керак бўлса... мана шу йфлос пулингиз билан эмас... балки, мендан бир инсондан илтимос қилгандек сўрашингиз, бир инсонга ёрдам бериш кераклигини илтимос қилишингиз керак... Мен нафақат врачман, мен фақат одам қабул қилиш билан банд бўлмайман-ку ... менинг бошқа соатларим ҳам бўлиши мумкин -ку ... менимча, сиз худди шундай, бошқа вақтда келиб қолдингиз шекилли...

У бир лаҳзага жим туриб қолди. Кейин лабларини бурди, биров титраганча, шошиб деди:

— Демак мен илтимос қилганимда эди... сиз буни бажарган бўлардингиз, тўғрими?

— Сиз яна савдогарлардек иш тутаёпсиз, Демак, бажаришга ваъда берсамгина, илтимос қилишингиз мумкин. Аввал илтимос қилинг, кейин мен сизга жавоб бераман.

У асов тулпордек бошини орқага

ташлади. қаҳр билан менга термулиб қолди.

—Йўқ, мен сиздан буни илтимос қилмайман. Ундан кўра ўлганим афзал.

Шунда мени ғазаб қамраб олди, қонимни қайнатадиган бемаъни ғазаб.

— Агар сиз сўрашни истамас экансиз, у ҳолда мен сиздан талаб қиламан. Янаям очикроқ айтадиган бўлсам, сиздан нима талаб қилаётганимни билиб турибсиз деб ўйлайман, ана ундан кейин сизга ёрдам бераман.

У бир неча лаҳза менга бақрайганча термулиб қолди. Кейин, -оҳ, қанчалик даҳшатли ҳол юз берганини тасвирлаб беролмайман. Унинг юзи асабийлашди ва... кейин... менга қараб шундай бир нафрат билан қаҳ-қаҳа отди -ки, мени тупроққа қориб ташлади... бир вақтнинг ўзида бу нарсани мени янаям қонимни қайнатди. Ушбу нафрат тўла қаҳ-қаҳа шундай вожоҳатли эдики, у гўё тўсатдан юз берган портлашга ўхшарди. Мен, эса ҳижолатдан тиз чўкким, унинг оёғини ўпиб ялингим келарди. Бу ҳол бори-ўғи бир лаҳза давом этди... худди яшин ургандек, бутун вужудим аланга ичида қолди... шундан сўнг у тескари ўгирилди ва шошилганча эшикка юрди.

Мен беихтиёр унинг ортидан боргим... узр сўрагим, ортидан югургим келди аммо, мадорим қолмагани... тўсатдан у яна орқага қайтди ва шундай деди, йўқ, буюрди:

—Орқамдан боришга, таъқиб қилишга уриниб ҳам ўтирманг, кейин афсус қиласиз.

Шу заҳотиёқ орқасидан эшикнинг қарс этиб ёпилгани эшитилди.

**(Давоми бор).**

# РУҲОНИЯТ ҲОМИЙСИ

**М**ўғулларнинг Ўрта Осиёдаги қарийиб бир ярим асрлик ҳукмронлигидан сўнг, Мовароуннаҳр тахтига келган Амир Темур (1336-1405) давридан бошлаб бу ерда туб ўзгаришлар юз берди: илм-фан, маданият, санъат, бинокорлик, меъморчилик каби қатор йўналишларда ислохотлар ўтказилди. Булар қаторида дин ва диний илмлар ривожини ҳам алоҳида айтиб ўтиш мумкин. Албатта, бир мақола доирасида Амир Темур ва темурийларнинг дин илмларини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаларини баён этиш мушкул. Лекин бу буюк зот ва унинг авлодларини илму маърифатга бош-қошлиги, бунинг натижасида «Шарқнинг иккинчи ренессанси»дек оламшумул жараён воқеъ бўлиши ҳамда унинг заминида динга оид билимларнинг кенг тараққий топишини бақадри имкоф ўрганиш долзарбликни асло йўқотмайдиган тадқиқотлардан саналади.

Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов Амир Темурнинг илму фан ва дин ҳомийлигига муносабат билдирар экан, қуйидаги сўзларни айтган эди: «Ҳаммамиз яхши биламизки, тарихда машҳур жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин айтинг, дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темурдек буюк саркарда, Амир Темурдек буюк давлат арбоби, Амир Темурдек илм-фан, маданият ва руҳоният ҳомийси бўлган...»<sup>1</sup>.

Амир Темур ва темурийларнинг дин ва дин-илмларига қўшган ҳиссасини ўрганишда «Темур тузуклари» ҳамда ўша даврларга оид тарихий манбалар, саёҳатнома китобларнинг аҳамияти каттадир. Бундай китобларни мутолаа қилган киши Амир Темур ва темурийларнинг бу борадаги раҳнамоликлари нақадар юқори бўлганини кузатади. Масалан, «Темур тузуклари»да: «Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим», – деб бир жойида берилса, яна бир ерида: «Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари, ислом дини илмлари, тафсир, ҳадис, фикҳдан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим»<sup>2</sup>, – дейилади.

1 Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Асарлар тўплами. 18 җумда. Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 167.

2 Темур тузуклари / Таҳрир ҳайъати: Б.Абдуҳалимов ва бошқ., Форсча матндан А.Соғуний ва Х.Кароматов тарж. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 80.

Амир Темур динга ҳомий бўлгани учун ҳам диний илмлар унинг даврига келиб кенг ривож топди. Бу пайтда таълим муассасалари ҳисобланган мадрасаларда Қуръон тажвид билан ўргатилар, араб ва форс тиллари қоидалари ўргатилар, ақида, фикҳ, ислом тарихи, ҳадис, тафсир каби диний билимлар ўқитилар, шунингдек мадрасаларнинг мақомига қараб, мантиқ, шеърят, фалакшунослик, тарих, география сингари фанлардан ҳам сабоқ бериларди. Демак, турли илмларнинг ривожини негизда дин илмлари ҳам тараққий этган. Масалан, фалакшунос олим фалакиёт илмини билиш билан бир қаторда дин илмларини ҳам билган.

Ёшлигидан илмга меҳр қўйган Амир Темур улуг кишиларнинг суҳбатида бўлиб, уларнинг дуоларини кўп олган. Адабиётларда унинг Шамсиддин Мир Кулол Фохурий (ваф. 1370 й.), Баҳоуддин Нақшбанд (ваф. 1389 й.), Саййид Барака (ваф. 1404 й.), Зайниддин Абу Бакр Тайободий (ваф. 1388 й.), Бобо Сангу (ваф. 1384 й.), Хожа Боязид, Шоҳ Неъматуллоҳ валий Кирмоний (ваф. 1431 й.), Хожа Исҳоқ Хутталоний (ваф. 1424 й.), Мавлоно Туркий, Фазлуллоҳ Хуруфий (ваф. 1394 й.) каби пири устозлари айтиб ўтилган. Соҳибқиронга маънавий устозларидан насихат битилган номалар келиб турган, бу устозларни ўз юришларида ҳам бирга олиб юрган. Уларнинг дуоларидан илҳомланган Соҳибқирон таълим муассасалари, карвонсаройлар ва умуман, мамлакат ободлиги учун барча керакли нарсаларни бунёд эттирган. Жумладан, у шундай дейди: «Яна амр этдимки, катта-кичик ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар бино қилсинлар, фақиру мискинларга лангархона (мусофирхона) солсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар. Ҳар бир шаҳарда дорул-аморат (ҳукмдор саройи) ва дорул-адолат (адолат саройи) қурсинлар!»

Амир Темур даврида Самарқанд илм маркази сифатида гуркираб яшнаши қаторида бошқа ерларда ҳам катта ишлар амалга оширилган. Бунга мисол тариқида Бағдод шаҳри олиягач, бир йил мобайнида шаҳар қайта тикланиши, деҳқончилик, савдо-сотик каби дин илмлари ҳам яна кенг ёйилиши кераклиги тўғрисида Али Яздий маълумот келтиради. Бу вазифа-амирзода Абу Бакрга топширилади.

Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Шамсуддин Мунший, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Бадруддин Аҳмад, Мавлоно Нўмониддин Хоразмий, Хожа Афзал, Мавлоно Алоуддин Коший, Жалоҳ Хокий каби кўплаб алломалар Амир Темур саройида фаолият юритиб, унинг марҳаматидан баҳраманд бўлганлар. "Темур тузуклари"ни инглизчадан француз тилига таржима қилиб, 1787 йилда нашр эттирган француз олими Лянгле шундай ёзади: "Темур олимларга серильтифотли эди. Билимдонлиги билан бир қаторда софдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдирарди. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда истеъдодли бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча тахтдан тушиб, уларнинг ёнига келарди. Чунки Темур бу соҳаларга ғам-хўрлик қилишга асосий эътиборини берарди"<sup>3</sup>.

Соҳибқироннинг суҳбатидан баҳраманд бўлган Испан сайёҳи ва элчи Руи Гонсалес де Клавихо Амир Темур юришларида қозиларни доимо ўзи билан олиб юришини айтади. Улар ўз навбатида одамлар ўртасидаги муносабатлар, яъни

3 Буюк сиймолар, алломалар: (Марказий Осиёдаги машҳур мутафаккир ва до-нишмандлар) // нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир М.М.Хайруллаев. К. 2. – Т.: А.Кодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996. – Б. 15.

фуқаролик масалалари, ноиблик ҳамда элчилик билан шуғулланганликларини қуйидагича таъкидлайди:

«Подшоҳ ўз салтанати ва хонадонининг ишлари билан шуғулланувчи қозиларни ҳамиша ўзи билан бирга олиб юради. Бирор жойга келганларида қозилар ўша мамлакат халқини бошқариш ишлари билан ҳам шуғулланадилар. Мамлакат аҳолиси уларнинг раъйига итоат этади, фармойишларига бўйсунадилар. Мазкур қозилар юмушнинг турига қараб қуйидагича белгиланади: бири – одамлар орасида келиб чиқадиган чигалликлар ва низоларни ҳал этиш билан шуғулланадилар, бошқа бирлари подшога қарам бўлган турли шаҳарлар ва юртларга ноиб ва бошлиқ этиб тайинланадилар. Яна бошқалари элчилик вазифасини ўтайдилар. Қачонки салтанат бошқаруви тузилмаси қарор топгач, қозиларнинг ҳар бири ўз ўрнини билиб жойлашади ва ишга тушишадилар»<sup>4</sup>.

Кўриниб турганидек, Соҳибқирон илм ва фазл аҳлини ўзига доимо ҳамроҳ қилган. У нафақат олимларни юришларида бирга олиб борар, балки бошқа юртларнинг олимларини ҳам ўз диёрига олиб келар, уларни ўзининг суҳбатдошига айлантирар эди. Самарқандга келтирилган юзлаб олимлар орасида Саъдуддин Тафтазоний (1322-1392), Сайид Шариф Журжоний (1340-1413), Шамсиддин Мухаммад Жазарий (1350-1429) сиңғари тафсир, ҳадис, фикҳ, ақида каби илмларда етук билим соҳиблари ҳам бўлган. Нақл қилинишича, Тафтазоний Хоразмда яшаб турган кезлари Амир Темур бу ерни 1379 йилда қўлга киритади. Лекин Сарахс ҳокими Малик Мухаммаднинг йстаги билан Тафтазонийнинг Сарахсга боришига изн берилади. Самарқандда муборакбод қилиш учун Соҳибқирон олдида келган олимлар «Темур ҳазратлари Хоразмни фатҳ қилди, аммо бу фатҳнинг асл ҳосилини Малик Мухаммад Сарахсий олди», - дейишади. Амир Темур Тафтазонийнинг йирик олимлиги, унинг асарлари бутун мусулмон оламида машҳурлигини билгач, дарҳол алломани Самарқандга чорлайди. У Самарқандда катта иззат-икром билан кутиб олинади ва олимларнинг боши сифатида тайинланади»<sup>5</sup>.

Соҳибқирон 1388 йилда Шерозни эгаллаганда, вазирларидан бири бу ерда истиқомат қилаётган Сайид Шариф Журжонийнинг улуг фазл соҳиби эканини таърифлаган. Олим билан суҳбатлашгач, унинг илм ва фазли эшитганидан ҳам зиёда эканига гувоҳ бўлган ҳамда уни Самарқандга олиб кетган. Олим Самарқандда 18 йилга яқин бош мудarris бўлиб, кўплаб шогирдлар етиштирган. Амир Темур мазкур икки олим ҳақида қуйидаги фикрни айтган экан: «Бу икки олим фазилат ва ирфонда тенг эканлигини билсак ҳам, Журжонийнинг насаб жиҳатдан устунлиги бор. Яъни, у ҳам саййид, ҳам шарифдир. Тафтазоний эса бизлар кабидир»<sup>6</sup>.

Самарқандга келтирилган яна бир йирик олим Шамсиддин Мухаммад Жазарий (1350-1429) бўлиб, унинг 80 дан зиёд асарлар ёзгани маълум. Соҳибқирон у билан Анадољу (Туркия) сафарида танишган эди. Амир Темур набираларидан бирининг тўйида никоҳ хутбасини ўқиш вазифасини ушбу олимга топширади<sup>7</sup>. У

4 Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар) / Рус тилидан Очил Тоғаев таржимаси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 204.

5 Чориев А. Соҳибқирон маънавияти. – Т.: «Янги аср авлоди», 2011. – Б. 56-57.

6 Чориев А. Соҳибқирон маънавияти. – Т.: «Янги аср авлоди», 2011. – Б. 57.

7 Чориев А. Соҳибқирон маънавияти. – Т.: «Янги аср авлоди», 2011. – Б. 58.

кўп ўтмай, Кешда қурилган мадрасага мударрис қилиб тайинланади ва Соҳибқирон вафот этгунга қадар бу ерда мударрислик билан шуғулланади. Бобур Мирзо ҳам ўз навбатида Кешдаги мадраса ҳақида ушбу маълумотни келтиради: «Яна Кешда мадраса ва мақбара қилибтур (Амир Темур). Жаҳонгир мирзо ва яна баъзи авлоднинг мақобири андадур»<sup>8</sup>.

Шу билан бирга, темурийлар даври тарихчи олими Шарафуддин Али Яздий ўша пайтларда Кеш – Шаҳрисабз шаҳрида Пайғамбар ҳадисларини тўплаб, шарҳловчи муҳаддислар кўп бўлганини таъкидлайди. Булар сабаб Кеш илмлар маркази сифатида «Илм ва адаб гумбази» деган шарафли мақом билан машҳур бўлган<sup>9</sup>.

Шу тарзда Амир Темур дунёнинг машҳур олимларини ўз атрофида йиғиб, Мовароуннаҳрни илму маърифат масканига айлантирган. Мударрисларга маошлар, таълим масканларига вақфлар тайин қилдирган, илм аҳли учун ҳатто саройда ҳам кўплаб илмий баҳслар ташкил эттирган. Бу мубоҳасаларни ўзи кузатар ва уларда бевосита иштирок ҳам этган. Саройдаги илмий мунозаралардан бири сифатида Тафтазоний ва Журжоний ўртасида Қуръон ояти хусусида бўлган баҳсни айтиб ўтиш мумкин. Унда голиб бўлган Журжонийнинг Амир Темур ва бошқалар олдидаги мавқеи янада ошган.

Амир Темур илм ва илм аҳлини яхши кўриши баробарида уларнинг насиҳат ва маслаҳатларидан ҳам баҳраманд бўлиб турган. Кези келганда улардан мамлакат ислоҳи учун зарур тавсияларни талаб ҳам қилган. Жумладан, қуйидаги ривоят ҳам диққатга сазовордир: «Кунлардан бир кун Темур Эрон ва Туроннинг обрў-эътиборли олим ва қозилари билан биргаликда ўтириб, уларнинг илмий суҳбатларидан баҳраманд бўлиши асносида уларга ислом динига алоқадор муҳим ва баҳсли масалалар бўйича саволлар бераётган эди. Олимлар ҳам Темурга муносиб жавоб беришлари билан бирга Соҳибқироннинг ҳар бир сўзини бамаъни эканлигини эътироф этиб, тинимсиз маъқуллашарди. Шундай бир паллада Темур олимларга «Ўтган асрларнинг уламолари ҳукмдорларга тўғри йўлни кўрсатишарди. Сизлар эса менга бундай қилмайсизлар, амалга оширилиши керак бўлган нарсаларни нечун менга айтмайсизлар?» дейди. Уламоларнинг ҳар қайсиси Темурга яхши кўриниш учун «Алҳамдулиллоҳ, Амир ҳазратлари бизларга хайр йўлини ўргатадилар, устозлик қиладилар, биз кабиларнинг насиҳатларига эҳтиёжлари йўқдир», дея жавоб қайтаришади. Бу сўзлар табиийки, Темурга мақбул бўлмайди ва «Ҳар доим мени мадҳ этиш, мижозимга қараб гапириб мени хурсанд қилмайди. Сизлар турли мамлакатлардан келдингиз. Келган жойларингиздаги шаҳарлардаги аҳвол ва амалга ошириладиган яхши ва ёмон ишларга алоқадор маълумотлар беринг, мендан ҳеч нимани яширманг. Буни ўз манфаатим учун айтаётганим йўқ. Бутун дунёда билинганидек, Аллоҳ бизга шунчалик бир шафқат ва салтанат эҳсон қилганки, биз бундай мақтовларга муҳтож эмасмиз. Мақсадимиз Аллоҳнинг ризосига сазовор бўлиш ва у икром этган лутф

8 Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Таҳрир ҳайъати: Абдуғафур Абдурашидов, Бобур Алимов ва бошқ. // Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасанов // Масъул муҳаррир: Ваҳоб Раҳмонов. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2002. – Б. 61.

9 Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Р.Косимов. муаллифлар жамоаси: С.Саидқосимов (раҳбар), А.Аҳмедов, Б.Аҳмедов ва бошқ. – Т.: «Шарқ», 2006. – Б. 162.

ва қарам учун шукр бурчимизни бажаришдир» дейди. Темурнинг самимийлигини кўрган олимлар ўзлари гувоҳ бўлган яхшилик ва ёмонликларни сўзлаб берадилар. Шундан кейин Темур барча мамлакатларнинг обрўли олимлари орасидан энг нуфузли кишиларни танлаб, улардан ҳар қайсисига бир нафар Девони Аълога мансуб вакил қўшган ҳолда, халққа қилинган зулм ва ноҳақликларни аниқлаш ва адолатни амалга ошириш учун ўз мамлакатларига йўллади»<sup>10</sup>.

Умрининг кўп қисмини ҳарбий юришларда ўтказган ва илм шайдоси бўлган Амир Темур бундай сафарларда ҳам олимлар билан ҳамсуҳбат бўлар эди. Жумладан, Дамашқ муҳосара қилинган пайтда, машҳур араб тарихчиси ва мутафаккири Ибн Халдун (1332-1406) билан узоқ ва мароқли суҳбат бўлиб ўтган. Учрашув чоғида машҳур тарихчи Соҳибқиронга Куръони каримнинг гўзал бир нусхасини ҳадя қилган. Ўз навбатида Амир Темур шошилинич ўрнидан туриб, муқаддас китобни ўпиб бошига қўйган<sup>11</sup>.

Илм-маърифат ҳомийлиги ноёб қўлёмалар, нодир манбалар сақланадиган кутубхонасиз амалга ошмайди. Самарқандга олимлар келтирилиши баробарида нодир китоблар ҳам олиб келинади. Ўз даврида Амир Темур Самарқандда дунёга машҳур сарой кутубхонаси қурилишига бош-қош бўлган. Унда турли тилларда ёзилган ноёб қўлёмалар сақланиб, улар орасида Брусс шахри «антик Прегам» кутубхонаси (Туркия), Арманистондан келтирилган ноёб асарлар ҳам мавжуд эди. Буларнинг энг машҳури шубҳасиз, «Мусҳафи Усмон»дир. Ушбу кутубхонага катта маодд бўвазига кутубхоначи ҳам тайин этилган. Кутубхона қошида қўлёмаларни кучириш ва китоб ҳолатига келтириш бўйича устахона ҳам фаолият юритган<sup>12</sup>.

Буюк саркарда олимларнинг дин ва жамиятга тааллуқли масалаларда катта таъсирини эътиборга олиб, муносибларини ҳурматга эгаларини танлаб қўяр эди. Ушбу жиҳатдан қараганда, Амир Темур ўз даврида Бурҳониддин Марғилоний авлодларидан бўлган Абулмалик Самарқандийни (XIV аср) шайхул ислом вазифасига тайин этган ва узоқ йиллар шу лавозимни бажарган<sup>13</sup>. Умуман олганда, Марғилоний авлодлари теурийлар бошқаруви пайтида, ҳатто ундан кейин ҳам узоқ йиллар мобайнида шайхул ислом вазифасини эгаллаб келганлар.

Олимлар ҳамда пири устозлар кези келганда Амир Темурга илҳом, кези келганда тасалли ҳам бериб туришган. «Зафарнома»да шайхул ислом Абулмалик ас-Самарқандий, шайх Саййид Барака ва Шайхзода Соғарчи каби шарият ҳамда тариқат пешволари Амир Темурга унинг ғамгин ҳолатларида тасалли бериб турганлари келтириб ўтилади<sup>14</sup>.

Амир Темурдан кўплаб яхшилик кўрган олимлар, дин аҳли у зот вафот этганда қаттиқ қайғуришгани манбаларда нақл қилинади. Жумладан, Хожа Абдулаввал<sup>15</sup>, Хожа Исомиддин, Саййид Шариф Журжоний каби дин уламолари қайғу-

10 Чориев А. Соҳибқирон маънавияти. – Т.: «Янги аср авлоди», 2011. – Б. 54-55.

11 Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Р.Қосимов. муаллифлар жамоаси: С.Саидқосимов (раҳбар), А.Аҳмедов, Б.Аҳмедов ва бошқ. – Т.: «Шарқ», 2006. – Б. 93.

12 Чориев А. Соҳибқирон маънавияти. – Т.: «Янги аср авлоди», 2011. – Б. 87.

13 Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. 2-китоб. – Т.: «Меҳнат», 1992. – Б. 85.

14 Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. – Т.: «Шарқ», 1997. – Б. 98.

15 Шайхул ислом Абдулмалик Самарқандийнинг амакиваччаси, ундан кейин Самарқандда шайхул ислом вазифасида ўтирган.

16 Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. – Т.: «Шарқ», 1997. – Б. 305.

риб, жуда хафа бўлганлари «Зафарнома»да келтирилади<sup>18</sup>.

Амир Темурни билган ва ундан хабардор бўлган олимлар у ҳақида жуда қимматли фикрларни берганлар. Жумладан, тарихчи олим Абдураззоқ Самарқандий Амир Темурни «Давлат ва диннинг кутби, ҳазрат соҳибқирон Амир Темур кўрагон...»<sup>17</sup>, дея таърифласа, рус шарқшунослигининг отаси академик В.В.Бартольд «Шубҳасиз, Амир Темур уламолар ҳомийси эди, улар билан тенгма-тег суҳбатлашарди, пайгамбар авлодларига алоҳида ҳурмат муносабатида бўларди, Амир Темурнинг ўз авлодларидан ташқари саййидлар унинг давлатида, чамаси, бирдан-бир дахлсиз кишилар ҳисобланганлар... Амир Темур эътиқод ва шариатни мустаҳкамлаш борасида ғамхўрлик қилди<sup>18</sup>, деб муносабат билдиради.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бу борада қуйидаги фикрни баён этган: «Амир Темурнинг Қуръони Каримни ёд билгани, диний баҳсларда йирик уламолар билан баробар сўз юритгани унинг маънавияти, иймону диёнати қанчалар пок ва мукамал эканини билдиради.

Маълумки, диний таълим ва тарбиятнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва хизмати ниҳоятда катта.

Амир Темурнинг ислом динига бўлган муносабатидаги энг муҳим қирра, бу - мусулмончилик ақидаларининг жамият осойишталиги, равнақи, ижтимоий адолат, иймон бутунлиги, маънавий поклик учун хизмат қилдиришга сафарбар этилишидир.

Унинг эътиқодига кўра, давлат давлатлигини, дин эса динлигини қилиши керак. Бу гоё бугунги замонда ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотган эмас. Худди шу туфайли ҳам Амир Темур даврида ислом дини равнақ топди, юксалди<sup>19</sup>.

Дарҳақиқат, илм-фаннинг ривожини, тараққиёти, илм аҳлининг етишиб чиқиши ва кўпайиши уларнинг ҳомийларисиз, илмга кенг йўл очиб, шароитлар яратиб берувчисиз ҳамда эмин-эркинликсиз ҳеч ҳам амалга ошмайди. Ушбу томондан қараганда, Амир Темурнинг маърифат шайдоси экани, илмни қўллаб-қувватлагани, марказлашган давлат тўзиб, бутун салтанатда тинчлик-омонлик ва тартибни ўрнатгани беҳисоб алломаларнинг етишиб чиқиши, давлатнинг гуркираб яшнаши ҳамда иккинчи «Шарқ ренессанси» номини олишга омил бўлди. Буни баҳолар экан, тарихчи олим Аҳмад Ҳасан Дони айтади: «Чингизхон буюк салтанатнинг асосчиси сифатидагина тарихда ном қолдирган бўлса, Амир Темур халихануз ўз таъсирини ўтказаётган Урта Осиё цивилизациясининг асосчисидир»<sup>20</sup>.

Амир Темурдан сўнг, унинг қилган хайрли ишлари асло тўхтаб қолмади. Унинг авлодлари бу ишларни давом эттирган ҳолда янада ривожлантирди. Соҳибқироннинг тўртинчи ўғли Шоҳрух Мирзо (хукмронлиги 1405-1447 йй.) давлатининг

17 Абураззоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Ж. II, Қ. I: 1405-1429 йиллар воқеалари / Форс-тожик тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи – А.Уринбоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 46.

18 Қаранг: Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Р.Қосимов. Муаллифлар жамоаси: С.Саидқосимов (раҳбар), А.Аҳмедов, Б.Аҳмедов ва бошқ. – Т.: «Шарқ», 2006. – Б. 92.

19 Каримов И. Амир Темур – фахрими, гуруримиз / Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 189.

20 Fazlur Rahman. Uzbekistan's contribution to Islamic civilization // «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» номли халқаро конференция маъруза ва табриқлар тезислари тўплами. Тошкент-Самарқанд: Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази, 2007. – Б. 45.

пойтахтини Ҳирот қилиб белгилайди ва унинг даврида бутун Мовароуннаҳр ва Хуросонда тинчлик ўрнатилади, фаровонлик таъминланиб, илму фан янада ривож топади. Шоҳрух Ҳиротда улкан кутубхона ташкил эттириб, унда нодир асарларни жамлаттиради. Улуғбек ҳам Самарқандда абсерватория қошида кутубхона ташкил эттирган бўлиб, у ўз даврининг энг бой кутубхоналаридан саналган.

Амир Темур ва темурийлар кутубхоналар масаласига алоҳида эътибор берганлар. Самарқандда Амир Темур ва Улуғбек, Ҳиротда эса Шоҳрух, Бойсунғур, Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийнинг бой кутубхоналари зиё тарқатиш билан машғул бўлган. Улар ўз саройларида турли мавзулардаги китоблар, нодир қўлёзмалар сақланадиган бой кутубхоналар – «Дор ул-кутуб» («Китоблар уйлари») ташкил қилганлар. Мазкур кутубхоналар доимо бойитиб турилгани манбаларда алоҳида таъкидланган. Жумладан, мисрлик йирик олим Ибн Ҳажар Асқалонийнинг (1372-1449) Имом Бухорий қаламига мансуб «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») шарҳига бағишланган ўн уч жилдди «Фатҳ ал-борий ли-шарҳи ас-Саҳиҳ ал-Бухорий» асари тез орада бутун мусулмон оламида шухрат топиб, кўплаб султон ва подшоҳларнинг кутубхоналарида мавжуд эди. Шоҳрух Мирзо ҳам Қоҳирага ўз уламоларини юбориб, ушбу шарҳдан бир неча нусхасини кутубхонасига келтиради<sup>21</sup>.

Тарихчи олим Абдураззоқ Самарқандий Шоҳрух Мирзони улкан мадраса ва хонақоҳ қурдиргани тўғрисидаги қуйидаги маълумотни ўз асарида келтиради: «Шаҳар шимолидаги қалъанинг жануб этагида бир-бирига уланган олий мадраса ва улуғ бир хонақоҳ (қурилиб), бу жойнинг ўртасида катта бир сарой саҳни, суфа, баланд бир тоқ (барпо қилинди) ва икки тарафидан ажойиб тарзда тикланган иккита баланд минора қад кўтарди...

Шу йили, яъни (саккиз юз) ўн учинчи (1410-1411 й.) йили, бу икки муъжизали муассаса қуриб битказилиши шарафига ва камол чегарасига етди ва (шундан бери) ер юзида, (яъни) Рум сарҳадидан токи Чиннинг энг йироқ ерларигача ҳеч бир ерда дарс (ўқиш) ва фатво (ўрганиш) учун бу икки иморат латофатига эга бўлган бирор мавзе ва унинг тароватига ўхшаш бирор мавқени кўрсата олмайдилар: (Диннинг) асослари ва шаҳобчаларини тушунтирувчи фанларга оид ҳамда ақл билан етиладиган ва қонуний (масалаларни) ўз ичига олган китобларнинг аслларини сандиқларга солиб тахту муҳайё қилинган, атоқли уламоларнинг ҳар бирини бир гуруҳ кишиларга дарс беришга ва хосу омга тушунтиришлар ўтказишга тайинлаб қўйилган ва уларнинг тақвоси чашмасию жавоб-фатволари билан дин чамани серсув ва гуллаб яшнаган, зийрак талабалар ва таҳсил аҳли (оятдаги) «савдо-сотик ишлари у кишиларни Оллоҳнинг зикрини айтишдан чалғита олмайди» (деган сўзлар мазмуни)га мойил»<sup>22</sup>.

Самарқандий асарининг давомида ушбу мадраса очилишида Шоҳрухнинг шахсан ўзи иштирок этгани ва унга ўз даврининг етуқ тўрт олими – мавлоно аъзам Жалолуддин Юсуф Увбаҳий, мавлоно Жалолуддин Юсуф Ҳаллож, камолот эгаси мавлоно Низомуддин Абдурраҳим Ёр Аҳмад ва имом, олимларнинг афза-

21 Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Р.Қосимов. Муаллифлар жамоаси: С.Саидқосимов (раҳбар), А.Аҳмедов, Б.Аҳмедов ва бошқ. – Т.: «Шарқ», 2006. – Б. 94.

22 Абураззоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Ж. II, Қ. I: 1405-1429 йиллар воқеалари / Форс-тожик тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи – А.Уринбоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 192-193.

ли Хожа Насируддин Лутфуллоҳ ибн Хожа Азизуллоҳларни мударрис этиб тайинлаганини келтиради. Мадрасанинг моддий таъминоти ҳам таъминланганини куйидаги тарзда баён этади: «... ислом подшоҳининг инъоми фазилатларидан барча керакли нарсалар ва дарс ҳам такрор учун (туланадиган) нафақалар сингари яшаш воситалари муҳайё қилинган...»<sup>23</sup>.

Шунингдек, 1417-1437 йилда Хиротда Гавҳаршод бегим тарафидан ҳозиргача сақланиб келинаётган улкан мадраса ва хонақоҳ қурдирилади. Узоқ йиллар мобайнида Хуросон, Мовароуннаҳр, Озарбайжон, Ироқ каби ерларни бошқарган Шоҳрух илм-фан, бинокорлик, меъморчилик, санъат, маданият каби соҳаларда улкан ишларга бош-қош бўлган. Унинг даврида ҳунармандчилик ва савдо ривожланди, кўплаб маданий-маънавий муассасалар, мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар қурилди. Форс ҳукмдори саройида хизмат қилган Муиниддин Натанзий 1413-1414 йилларда Шоҳрухга бағишланган «Мунтахаб ат-таворих-и Муиний» тарихий асарини ёзиб тугатган.

Соҳибқирон фарзандининг буюк ҳукмдор бўлишига қарамай, жуда оддий, тақводор шахс бўлгани манбаларда зикр қилинган. Муаррих олимлардан Ҳофиз Абрунинг (ваф. 1430 й.) «Зубдат ат-таворих» асарида ёзилишича, у Қуръони карим ва унинг арабча, форсча тафсирларини ўқий олган, машойихлар, улуғлар мазорларини зиёрат қилиб турган.

Шоҳрухнинг подшоҳлик девонида диний-ва дунёвий масалалар юзасидан етук алломалар иштирокида суҳбатлар, фикҳ, тиб, нуҷум, география, тилшунослик ва бошқа илмлар бўйича баҳс-мунозаралар ташкил қилган, ўзи ҳам уларда фаол қатнашган; Қуръон ҳофизлари (қорилари)ни чорлаб, ҳар суҳбатда Қуръондан бир пора тартиб билан тиловат қилдирган<sup>24</sup>.

Ўша даврнинг Самарқанд шайхул исломи Бурҳониддин Марғилоний авлодларидан Хожа Абдулаввал (ваф. тахм. 838/1434 й.) Шоҳрухнинг илму маърифат фидоийси, халқ фаровонлигини ўйловчи шоҳ эканини билган. Шу сабаб бобоси Соҳибқирон давлатини исроф қилаётган Халил Султондан кура Шоҳрухни афзал кўрган ва Самарқанд қалъасини қон тукмай, олинишида катта ёрдам берган. Шундан кейин Шоҳрух ўғли Улуғбекқа (ҳукмронлиги 1409-1449 йй.) шаҳарни топширар экан, уламоларга ва айниқса, Марғилоний авлодларига чуқур ҳурмат кўрсатишни, диний масалаларда уларнинг фатвосини олишни тайинлайди<sup>25</sup>. Абдулаввалдан кейин унинг жиёни Хожа Исомиддин<sup>26</sup> шайхул исломлик вазифасини олади. Улуғбек ҳам ўз навбатида Хожа Исомиддинни ўзига яқин билади ва уни сафарларда ҳам бирга олиб юради. Жумладан, Улуғбек Хиротга Шоҳрух Мирзо олдиға борганида Мовароуннаҳрнинг улуғлари – Хожа Фазлуд-

23 Абураззоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Ж. II, Қ. I: 1405-1429 йиллар воқеалари / Форс-тожик тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи – А. Уринбоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 192-193.

24 Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Р. Қосимов. муаллифлар жамоаси: С. Саидқосимов (раҳбар), А. Аҳмедов, Б. Аҳмедов ва бошқ. – Т.: «Шарқ»; 2006. – Б. 151.

25 Абураззоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Ж. II, Қ. I: 1405-1429 йиллар воқеалари / Форс-тожик тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи – А. Уринбоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 184.

26 Олдинги шайхул ислом Абдулмалик Самарқандийнинг ўғли.

27 Абураззоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Ж. II, Қ. I: 1405-1429 йиллар воқеалари / Форс-тожик тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи – А. Уринбоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 45.

дин Кеший, Хожа Фазлуллоҳ Абул Лайслар қаторида Хожа Исомуддин ҳам бўлган<sup>27</sup>.

Улуғбек ўзи буюк олим бўлгани сабаб Мовароуннаҳрда илму фан ривожига алоҳида эътибор берган. 1417-1420 йилларда Самарқандда, 1417-1418 йилларда Бухорода мухташам мадраса қурдирган. Бухоро мадрасаси дарвозаси пештоқида «Илм олиш ҳар бир мусулмонга фарз» деган ҳадис ёзилган эди. 1419 йил 28 ноябрда Улуғбекнинг ўзи ушбу мадрасанинг очилишига келади. Шу билан бирга, Бухорода 1432-1433 йилларда Хожа Абдухолиқ Фиждувоний қабри ёнида мадраса қурдирилгани адабиётларда айtilган<sup>28</sup>. Умуман олганда, Улуғбек тўрт мадраса – Бухоро ва Фиждувонда биттадан, Самарқандда иккита мадраса қурдирган. Ўша даврда Самарқандда Улуғбек қурдирган мадрасалардан ташқари Хоним, Қутбуддин Садр ва Муҳаммад Султон мадрасалари ҳам мавжуд эди<sup>29</sup>. Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасасида бош мударрис этиб, Шамсуддин Муҳаммад Хавофий тайинланади. Мирзо Улуғбекнинг у ерда ўзи ҳам дарс берган, бир қанча олимларга ҳомийлик қилган ва илм ҳамда илм аҳлидан ўз ёрдамини аямаган. Бундай мурувват кўрганлар қаторида Улуғбекнинг устози Қозизода Румий ва «фарзанди аржуманд»и ҳамда «ўз даврининг Батлимуси» дея саналган Али Қушчиларни мисол қилиш мумкин. Мазкур мадрасада буюк олим Абдурахмон Жомий ҳам таҳсил олган.

Аждодининг ишини давом эттирган темурийлар таълим масканлари саналган мадраса қуриш масаласида анча фаол бўлганларини Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам «Бобурнома»да ёзиб ўтган: «Темурбекнинг набираси, Жаҳонгир мирзонинг ўғли Муҳаммад Султон мирзо Самарқанднинг тош кўрғонида – чақарда бир мадраса солибтур. Темурбекнинг қабри ва авлодидин ҳар кимки Самарқандта подшоҳлик қилибтур, аларнинг қабри ул мадрасададур»<sup>30</sup>.

Ўша даврнинг муфассал тарихини ёзган олимлардан бири Абдураззоқ Самарқандий темурийларнинг дин олимларига юксак эҳтиром кўрсатганларини китобининг бир неча жойида таърифлайди. Жумладан, 1450-1451 йилларда Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлган Абдулло Мирзо Султон Абу Сайид (ҳукмронлиги 1451-1469 йй.) билан бўлган жангда вафот этган. Самарқанд Султон Абу Сайид томонидан эгалланиши арафасида шайхул ислом Хожа Бурҳониддин<sup>31</sup> ўзи ва Абу Сайид ўрталаридаги совуқчилик натижасида ўзига нисбатан тазйиқ бўлиши эҳтимолидан эҳтиёт бўлиб шаҳарни тарк қилган ҳамда Хуросонга отланган. Ўз навбатида Шохрух Мирзонинг набираси ва Хуросон ҳукмдори Мирзо Абул Қосим Бобур (ҳукмронлиги 1449-1457 йй.) Хожа Бурҳониддинга зўр илтифот кўрсатиб,

28 Бухоро Шарқ дурдонаси / Масъул муҳаррир А.Азизхўжаев. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа компанияси Бош таҳририяти, 1997. – Б. 51.

29 Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Р.Қосимов. муаллифлар жамоаси: С.Саидқосимов (раҳбар), А.Аҳмедов, Б.Аҳмедов ва бошқ. – Т.: «Шарқ», 2006. – Б. 159.

30 Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Таҳрир ҳайъати: Абдуғафур Абдурашидов, Бобур Алимов ва бошқ. // Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасанов // Масъул муҳаррир: Ваҳоб Раҳмонов. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2002. – Б. 59.

31 Бурҳониддин Марғилоний алодларидан, Хожа Исомиддиндан кейин ушбу вазифани эгаллаган.

32 Абураззоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Ж. II, Қ. I: 1405-1429 йиллар воқеалари / Форс-тожик тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи – А.Ўринбоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 321-323.

юксак ҳурмат ила кутиб олган<sup>32</sup>. Кейинчалик Султон Абу Сайид Мирзо Марғилоний хонадони вакили Хожа Бурҳониддиннинг мавқеини чуқур англаб етиб, Самарқандга чақиртириб олган ва унга катта тантана билан пешвоз чиққан.

Бу бир томондан, Марғилоний авлодларининг жамият олдидаги обрў-этиборининг юқорилиги ҳамда темурийларнинг уларга кўрсатган ҳурматидан далолат берса, иккинчи томондан, Мовароуннаҳрни, хусусан, унинг пойтахти бўлган Самарқандни бошқаришда шайхул исломлар ёрдамидан фойдаланишда эҳтиёж борлигини билдиради.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ўрта асрлар мусулмон ўлкаси одатига кўра, қайси ҳукмдор бирор бир мамлакат ёки шаҳарни эгалласа, ўша пайтларда одамлар энг кўп тўпланадиган жойлардан бири – масжидларда жума хутбаларига салтанат эгасининг номи қўшиб ўқилар эди. Бу ўз навбатида ҳукмдорнинг эътироф этилганини эълон қилиш расми эди.

Қўйилган масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, Амир Темур ҳам ва темурийлар ҳам ислом динининг ҳанафий мазҳабида бўлганлар. Шу боисдан уларнинг даврида кўпчилик томонидан амал қилинадиган ҳанафий мазҳаби янада гуркираб ривожланган: бу мазҳабга оид олимлар кўпайган, китоблар битилган, ушбу мазҳабга оид тарғиботлар қилинган. Барчанинг ягона эътиқод ва амалиёт доирасида бўлиши мазҳаблар ҳамда динга доир қарама-қаршилик, қон тўкишларнинг олдини олган. Дин пешволигига, табиийки, суннийликнинг ҳанафий мазҳаби вакиллари тайинланар эди. Ўз навбатида Амир Темур мазҳабсизлик ва унинг натижасида келиб чиқадиган низоларга йўл қўймаганини тарихнинг ўзи исботламоқда. Давлат пойтахти Самарқанд аҳолиси ҳам ушбу мазҳаб вакиллари эканини Бобур Мирзо қуйидагича тавсифлайди: «Эли тамом сунний ва покмазҳаб ва муташарриъ ва мутадаийин элдур. Ҳазрати Рисолат саллаллоҳу алайҳи ва саллам замонидин бери ул миқдор айммайи, исломқим, Мовароуннаҳрдин пайдо бўлубтур, ҳеч вилоятдин маълум эмасқим, мунча пайдо бўлмиш бўлғай»<sup>33</sup>.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур темурий ҳукмдорларини таърифлар экан уларнинг ҳанафий мазҳаби вакиллари бўлганини таъкидлайди: «(Умаршайх Мирзо – ҳукмронлиги 1469-1494 йй., Фарғона) ҳанафий мазҳаблиқ, покиза эътиқодлиқ киши эди, беш вақт намозни тарк қилмас эди, умрий қазоларини тамом қилиб эди, аксарият тиловат қилур эди. Ҳазрати Хожа Убайдуллоға иродати бор эди, суҳбатлариға бисёр мушарраф бўлуб эди, ҳазрат Хожа ҳам фарзанд деб эдилар»<sup>34</sup>.

Султон Аҳмад Мирзо (ҳукмронлиги 1457-1494 йй.) ҳақида эса шундай дейди: «ҳанафий мазҳаблиқ, покиза эътиқод киши эди, беш вақт намозни бетарк ўтар эди. Шурб маҳалларида намози тарк бўлмас эди. Ҳазрати Хожа Убайдуллоға иродати бор эди. Ҳазрати Хожа мураббий ва муқаввий эдилар. Бисёр муаддаб

**33** Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Таҳрир хайъати: Абдуғафур Абдурашидов, Бобур Алимов ва бошқ. // Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасанов // Масъул муҳаррир: Ваҳоб Раҳмонов. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2002. – Б. 59.

**34** Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Таҳрир хайъати: Абдуғафур Абдурашидов, Бобур Алимов ва бошқ. // Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасанов // Масъул муҳаррир: Ваҳоб Раҳмонов. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2002. – Б. 37.

бор эди, алалхусус, Хожа суҳбатида, дерларким, ҳаргиз Хожа мажлисида тизи бир-бир тизига ёвуткаган эмастур»<sup>35</sup>.

«Бобурнома»да айтилишича, Султон Маҳмуд Мирзонинг иккинчи ўғли Бойсунқур Мирзонинг (ҳукмронлиги 1495-1497 йй.) устози сабаб дастлаб, шиалик эътиқодида бўлган экан. Лекин у кўп ўтмай, бу йўлдан қайтгани қуйидагича баён этилади: «адолатпеша ва одми ва хуштабъ ва фазилатлиқ подшоҳзода эди. Устоди Саййид Маҳмуд шийи экандур. Бу жиҳаттин Бойсунқур мирзо ҳам матъун эди. Сўнгра дедиларким, Самарқандта ул ёмон ақидадин ёниб, пок эътиқод бўлубтур»<sup>36</sup>.

Темурийлар ҳукмронлигининг яна кўзга кўринган даврларидан бири Ҳусайн Бойқаро (ҳукмронлиги 1469-1506 йй.) салтанати саналган Хуросонга тўғри келади. Ҳусайн Бойқаро саройида Алишер Навоийдек илму маърифат шайдоси ва ҳомийсининг хизмат қилиши Хуросонда илм, санъат, маданиятнинг янада ривожланишига улкан омил бўлди. Бу пайтда мамлакатда катта миқёсда қурилиш ишлари олиб борилди, Алишер Навоий Ҳиротда Султон ҳадя қилган ерларда ўз ҳисобидан бир қатор масжид, мадраса ва хонақоҳлар қурдирган эди. Машхур тарихчи Хондамир ҳам ана шундай хонақоҳ ва мадрасалардан бирида таълим олган.

Хондамирнинг маълумотига кўра, Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги пайтида Ҳирот ҳудудининг ўзидагина 36 та мадраса бўлиб, улар орасида «Қурбон Шайх», «Ферузшоҳ», «Чақмоқ Шоҳ», «Алайх Кукалдош» кабилари мавжуд эди. Уларда билим олиш учун турли мамлакатлардан, жумладан, Самарқанддан келган талабалар ўқир эди<sup>37</sup>.

Ҳирот теваарагида жойлашган амир Ферузшоҳ мадрасаси ва хонақоҳи айниқса, шуҳрат қозонган эди. Доруш-шифо-шифохонасининг олдидаги Ихлосия мадрасаси ва Халосия хонақоҳи Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида барпо этилган. Ўша даврнинг етук мударрислари бўлган амир Бурхониддин Атоуллоҳ Нишопурий, қози Ихтиёруддин Ҳасан Журобий, Амир Муржоз ва Фасиҳуддин Муҳаммад Низомий шу мадрасада ўқишган. Ўқитиш танлов асосида олиб борилиб, ҳар ойлик танловда буш талабалар тушириб қолдирилиб, ўқишни фақат кучлилари давом эттирган.

Ўрта асрнинг буюк санъатқори Камолиддин Беҳзод (1456-1537) дастлаб 1500 йили Ҳусайн Бойқаро саройидаги кутубхонага, кейинчалик, Ҳиротдан Табризга кетгач, шоҳ Исмоил I нинг кутубхонасига бошчилик қилган<sup>38</sup>. Алишер Навоий кутубхонасини эса, 1499 йилдан Хондамир бошқарган.

35 Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Таҳрир ҳайъати: Абдуғафур Абдурашидов, Бобур Алимов ва бошқ. // Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасанов // Масъул муҳаррир: Ваҳоб Раҳмонов. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2002. – Б. 44.

36 Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома / Таҳрир ҳайъати: Абдуғафур Абдурашидов, Бобур Алимов ва бошқ. // Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасанов // Масъул муҳаррир: Ваҳоб Раҳмонов. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2002. – Б. 71.

37 Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Р.Қосимов. муаллифлар жамоаси: С.Саидқосимов (раҳбар), А.Аҳмедов, Б.Аҳмедов ва бошқ. – Т.: «Шарқ», 2006. – Б. 145.


38 Амир Темур жаҳон тарихида / Масъул муҳаррир: Р.Қосимов. муаллифлар жамоаси: С.Саидқосимов (раҳбар), А.Аҳмедов, Б.Аҳмедов ва бошқ. – Т.: «Шарқ», 2006. – Б. 159.

Умуман олганда, Амир Темур, Шоҳрух, Улуғбек, Бойсунғур, Хусайн Бойқаро ва бошқа ҳукмдорлар кутубхоналари учун жуда катта маблағ эвазига қимматбаҳо қўлёзмалар, ноёб асарлар сотиб олинарди. Бундай бебаҳо асарларда ўша даврнинг нозик безакларидан кенг фойдаланилган. Жумладан, Қуръони карим, илоҳиётга доир ва бошқа кўплаб асарларда нақшли тасвирлар кенг ишлатилганини кўриш мумкин.

Амир Темур ва темурийларнинг дин ва дин илмларига бўлган ҳомийлиги тарихчиларнинг уларга ўз асарларида берган тавсифларидан ҳам кўриниб туради. Масалан, тарихчи олим Абдураззоқ Самарқандий Амир Темурни «Давлат ва диннинг қутби ҳазрат соҳибқирон Амир Темур кўрагон...»<sup>39</sup>, Шоҳруҳ Мирзони «Салтанат ва диннинг кўмакчиси» ёки «... халифалик ва султонликнинг, дунё ва диннинг кўмакчиси бўлмиш ҳазрат хоқони саид мирзо Шоҳруҳ...»<sup>40</sup>, Халил Султонни «... давлат ва диннинг кўмакчиси»<sup>41</sup> дея таърифлайди.

Юқорида келтирилган маълумотлар Амир Темур ва темурийларнинг илму фан ривожига ва хусусан, дин илмлари тараққиётига улкан ҳисса қўшганидан далолат беради. Бу зотлар барча соҳалар, каби дин илмларида ҳам улкан ишларни амалга оширдилар. Уларнинг ҳомийлиги ва жонкуярлиги сабаб мўғуллардан кейин Шарқнинг яна бир бор уйғониши содир бўлди.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, мустақил Ўзбекистонимизда илм-фанга юксак аҳамият кўрсатилиши, ҳар бир фуқаронинг эркин яшаш ва билим олишига имкониятларнинг яратилиши, жумладан, Алийшер Навоий кутубхонаси учун янги, улкан, барча замонавий ва технологик имкониятларга эга кутубхонанинг қурилиши, қўлёзма асарлар сақланадиган Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтига қулай шароитлар яратилиши каби қатор ишлар юртимизда Давлат раҳбари даражасида илму маърифатга берилаётган улкан эътиборнинг ёрқин намунаси саналади. Шу сабаб ҳар бир биримиз буларни қадрлаши ва улардан фойдаланиши лозим бўлади.



39 Абураззоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Ж. II, Қ. I: 1405-1429 йиллар воқеалари / Форс-тожик тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи – А. Ҳуринбоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 46.

40 Абураззоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Ж. II, Қ. I: 1405-1429 йиллар воқеалари / Форс-тожик тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи – А. Ҳуринбоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 45, 47.

41 Абураззоқ Самарқандий. Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Ж. II, Қ. I: 1405-1429 йиллар воқеалари / Форс-тожик тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи – А. Ҳуринбоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 50.

# Қалбларга туташиди бир парча оташ

## СЕН

1

Сен менинг йўқотган ёшлигим,  
Кўксимга кўмилган кўёш –сен  
Зулумат қаъридан кўкларга  
Отилиб чиққан тош-оташ –сен.  
Сен –олпоқ орзусан  
Болалик

Неклиги нақ қалбим нақшида.  
Шунчалар олиссан-олисман.  
Этай деб бор умрим бахшида.  
Этагимни силкиб қетмаган  
Дунёдан топганим дунё –сен.  
Толесан– ҳеч бир қас етмаган.  
Энг олий саодат гўё –сен!.

2

Сенинг кўнглинг учга бўлинган,  
Учта қисм- учта моҳият.  
Учта жойга банди қилинган  
Учта исм, учта офият.  
Сенинг кўнглинг учта нимта ой,  
Ҳар бўлаги яхлит бир кўзгу.  
Ҳеч бирида менга йўқдир жой.  
Гарчанд севгим мусаффо, эзгу.  
Чорлаганда ойдин хаёллар,  
Кузги барглар тушса йўлакка.  
Оғритсада дилни малоллар  
Йўқ, бўлинма тўртта бўлакка.  
Йўқ бўлинма!  
Кўнглингни кўрсам  
Қанийди бус-бутун ва яхлит.  
Нигоҳингда саволлар сўрсам  
Жавоб берса: “Бахтлимиз бахтли”...



3

Нима қилай тунд ва ёввойи  
Тун сабримни синар ҳойнаҳой?  
Туйғуларим ҳарис, ҳавойи  
Хаёлимни ўғирлаган ой.  
Кўк қаърида милтиллаган тош  
Тимсолида тилсимлар тили  
Сассиз сўзлар илоҳий нурфош  
Гўё олис бахтнинг манзили.  
Нима қилай мусаввир мисол  
Расминг чизса бедор киприқлар.  
Сен томонга олиб борса ой  
Юлдузлар жим маржон тақсалар.  
Кучоғидан бизга берса жой  
Кечаётган ойдин лаҳзалар...

4

Кўзлар тўқнашди-ю  
Чақмоқ чақилди  
Қалбларга туташди бир парча оташ.  
Вужудда галат бир гулхан ёқилди,  
Куйдик – куймоқ азал ишқ аҳлига хос,  
Сахрога улоқди Қайсининг оёғи.  
Бу ёғи севгимас – телбалик холос,  
Уқубат, ҳам-ғусса, азоб бу ёғи...

# БҮЮК ФАТВО

Соҳибқиронга буюк давлат фатвоси берилган илоҳий нуқта ёхуд пири муршид Саййид Барака билан 34 ёшли Темурбекнинг илк учрашуви пайтида содир бўлган воқеа миллий давлатчилигимиз солномасининг ҳақиқатдан ўхшаши йўқ ва бетакрор ноёб саҳифаси эканлиги хусусида.

Ушбу учрашув ҳамда унда бўлиб ўтган воқеанинг нафақат Амир Темур салтанати истиқболида, балки шунингдек, миллатимиз ба давлатчилигимиз тарихида ҳам муҳим ўринга эга эканлиги, мазкур тарихий хотира жойини топиб уни муқаддас қадамжо сифатида абадийлаштириш халқимиз, аynиқса баркамол авлод тарбиясида, миллий гуруримизни юксалтиришдаги аҳамияти тўғрисида олдин ҳам чиқишлар қилган эдик. Мазкур мақолалар мазмунини такрорлаб ўтирмаймиз. Аммо мавзунини чуқурроқ ўрганиш ва кенгроқ мушоҳада этишга интилиш жараёнида пайдо бўлган айрим фикр-хулосаларимизни баён этамиз.

## МУАРРИХЛАР ШАРҲИ

Ҳеч кимга сир эмас, Амир Темур ва теурийлар замони ҳамда ундан кейинги тарих ва ниҳоят бугунги даврнинг қарийб барча муаррихлари Мир Саййид Барака томонидан Амир Темурга катта ноғора ва байроқ тортиқ қилинган ушбу учрашув воқеаси тўғрисида албатта тўхталиб ўтадилар. Барчасининг фикри мазмунан яқин, умумий ўхшаш.

Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун баъзи мисоллар:—"Амир соҳибқирон буни муқаддас фол деб билиб тўхтовсиз равона бўлди"(Низомиддин Шомий. "Зафарнома", Тошкент, "Ўзбекистон", 1996, 81-бет). "Саййид Баракаким, Макканинг шарифларидин эрди ва ул маҳалда ер юзининг содотлариға акрам ва ашрафи эрди, ул ерда ҳазрат соҳибқирон қошиға таб-

ла ва аламким, салтанатнинг аломати тўрур, ўзи била келтуруб, пешкаш қилди ва муборак тилини очиб, шаҳаншоҳлик муждасин берди... Ва бу башорат бергондин сўнг арода ҳеч нохайр бўлмай ўшандоқ бўлди"(Шарафиддин Али Яздий, "Зафарнома", Тошкент, 1997, 64-бет). "Саид Барака Темурга унинг истиқболидаги шоншавкатни гайбдан хабар берган эди"(Ҳерман Вамбери. "Бухоро ёхуд Мо-вароуннаҳр тарихи", Тошкент, 1990, 96-бет). "Шубҳасиз, бу воқеа катта сиёсий аҳамиятга эга эди, чунки у салтанатлик рамзи эди" (Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 1-том, 275-бет).

Фикр қамровини бу борада янада кенг олган мамлакатимизнинг атоқли тарихчиси Ҳамид Зиёев эса миллатимиз тақдирига оид воқеалар моҳи-

ятини теран англаган ҳолда замонлар ўртасида кўприк ташлайди, пировард натижада мавзунинг фавқулодда янги қирраларини кўз ўнгимизда намоён этади:—...олий фазилатлар соҳиби бўлган муносиб ҳукмдорлар,—деб ёзади у,—халқ тарихининг туб бурилиш даврларида майдонга чиқади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун кейинги минг йиллик тарихга назар ташланса, бас. Бу кўп асрлик давр мобайнида том маънодаги буюк давлат арбоблари 1370 ва 1991 йилларда кўзга ташланиб, Ватан мустақиллиги тикланди. Уларнинг биринчиси мўғуллар ҳукмронлигига зарба берган Амир Темур ва иккинчиси ватанни қизил империя панжасидан қутқарган Ислом Каримовдир (Ҳамид Зиёев. "Буюк Амир Темур салтанати ва унинг тақдири". Тошкент, "Маънавият", 2008, 657 бетлар).

#### УЧРАШУВ ЖОЙИ ҚАЕРДА?

Хўш, ана шундай улуғ тарихий учрашув бўлиб ўтган жой қаерда, нега уни ҳозиргача билмаймиз. Барча манбалар уни Термиз яқинида деб кўрсатган, аммо, ушбу муқаддас маскан ўрни асрлар давомида маъхумлигича қолди, гарчи Шарафиддин Али Яздий ўзининг "Зафарнома" асарида Буёни Термиздан уч фарсах нарида деб ёзган бўлса ҳам. Билъакс, мазкур мавзеунинг номланиши ва Термиздан қанчалик масофадалиги ҳақида хабар берган ягона тарихий манба ҳам худди шу асардир. Ундан олдин ҳам, кейин ҳам бошқа бирор манбада бу ҳақда маълумот учрамайди. Қисқаси, келажакда буюк давлат қуриши ҳақида соҳибқирон Амир Темурга илоҳий башорат келтирилган ушбу муқаддас масканнынг қаердалиги 600 йилдан бери бизга маълум эмас.

Ниҳоят, ўтган асрнинг 90-йиллари бошида бу борада "муз кўчиши" рўй берди. Масалан, "Амир Темур юрган йўллар бўйлаб" халқаро экспедицияси-

нинг матбуотда эълон қилинган ҳисоботларида Буё мавзеини Шеробод туманидаги Абу Исо ат-Термизий зиёратгоҳ мажмуаси ён-атрофи билан боғловчи фикрлар пайдо бўла бошлади. Ушбу зиёратгоҳ Буғ қишлоғида жойлашган бўлиб, дастлаб XII асрда Абдулкарим Самъонийнинг "Китоб ал-ансоб" номли китобида тилга олинади.

Шу ўринда ўрта асрлар даврида яратилган тарихий асарларда ҳар икки топонимнинг жойлашган масофаси аниқ кўрсатиб берилганлигини унутмаслик лозим деб ҳисоблаймиз. Самъонийнинг ёзишича, Буғ қишлоғи Термиздан олти фарсах узоқликда жойлашган. Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарида эса Буё, юқорида келтирилганидек, Термиздан 3 фарсах нарида эканлиги кўрсатилади.

#### УЧТА ТЕРМИЗ

Ушбу масалани ечишда Термиз шаҳри ўз тарихи давомида ўрнини уч марта ўзгартирганлигини ҳисобга олиш лозим бўлади деб ўйлаймиз. Масалан, қадимий Термиз дастлаб Амударё бўйида вужудга келди ва шаҳар сифатида раванқ топди. 1220 йилнинг куёида Чингизхон бошлиқ мўғул истилочиларининг юриши туфайли шаҳар вайрон бўлди. Ҳозирги кунда унинг харобалари ўрни Эски Термиз дейилади. Мўғуллар истилосидан сўнг Термиз шаҳри Сурхон дарёси бўйида, ҳозирги Салавот ва "Намуна" хўжалиги ўрнида тараққий этди. Аммо у ҳам XVII-XVIII асрлардаги ўзаро феодал урушлари туфайли инқирозга учради. Ҳозирги Термиз шаҳри эса Паттакесар қишлоғи негизида ривожланиб борди.

#### ФАРСАХ НИМА?

Демак, милоднинг XII асрида яшаган Самъоний учун масофа ўлчови Амударё бўйидаги Термиз шаҳридан, яъни ҳозирги Эски Термиз худудидан олинган. Кези келганда фарсах тушун-

часини ҳам аниқлаб олсак. Фарсах ёки фарсанг арабча сўз бўлиб, Шарқда, шу жумладан Марказий Осиёда қадимдан ишлатиб келинган масофа ўлчови бирлиги ҳисобланади. Туркийча синоними тош, йиғоч(ёғоч)дир. Фарсах дейилганда тушуниладиган масофа миқдори йўл шароитига қараб ҳар хил жойда турлича бўлган. Миллий қомусимизда ёзилишича, бир фарсах масофа ўлчови учун Самарқанд-Бухоро йўлининг 25 дан 1 қисми ёки 27 дан 1 қисми олинган ва бу 9-12 минг қадамга ёки 6-9 километрга тўғри келади(Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 11-том, 593-саҳифа). Мазкур термин изоҳи келтирилган яна бошқа кўплаб манбаларни кўздан кечирганимизда фарсах ўлчовининг асосан 6-8 километрга тўғри келиши қабул қилинганини кўраемиз. Демак, ана шу ўлчов бўйича ҳисоблаганда 6 фарсахлик Буғ қишлоғи Эски Термиздан 36-48 километр узоқликда жойлашган бўлиб чиқади. Мазкур қишлоқ ўрнида ҳозирги кунда мавжуд бўлган Абу Исрат-Термизий зиёратгоҳини бутун ислом дунёси билади.

Шарафиддин Али Яздий XIV-XV асрларда яшаган бўлиб, бу даврда Термиз шаҳри ҳозирги Салавот қишлоғи ва "Намуна" хўжалиги ўрнида бўлган. Шарафиддин Али Яздий асарини ёзаётган вақтда айнан Сурхондарё бўйида жойлашган Термиздан Буё мавзеигача бўлган масофани ҳисобга олганлиги кундай равшан эмасми. Лекин шундай бўлса-да, Буё мавзеини Термиздан исталган томондаги узоқликда ва нафақат Сурхондарёда, балки қўшни Афғонистон ҳудудида ҳам жойлашган бўлиши мумкин, дея фикрловчилар бор. Узунлик ўлчови фарсах деганда турли асрларда турлича катта масофалар ҳам қўлланган деб ҳисоблаб(тушуниланлиги) ва бошқа айрим сабаблар туфайли шекилли баъзи

тадқиқотчилар, ҳатто айрим жиддий муаллифларда Буё ўрнини ҳозирги Шеробод, Темир дарвоза атрофи ёки Афғонистон ҳудудига олиб бориб тақаш ҳоллари учраб туради.

### БУЁГАЧА ЙЎЛ

Энди Буё воқеаси ҳусусида. Тарихий манбалар, биринчи навбатда Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асаридан қуйидагиларни англаймиз. Соҳибқирон Амир Темур Амир Хусайннинг ҳийлаю фитналаридан, бошга солган балоларидан ҳар сафар омон қолаверади, мураса йўлини тутаверади, мамлакатдаги икки йирик кучнинг ҳаёт-мамонт тўқнашувини орқага сураверади, Мовароуннаҳр элининг ишончини қозонаверади ва ниҳоят мамлакатга доимий кўз солиб турган бошқинчи мўғуллардан бўладиган умумий ҳавф бартараф этилганда масалани узил-кесил ҳал қилишга киришади. Чунки айёр ва мунофиқ Амир Хусайн ўрталаридаги аҳд-паймонни бузиб Балхдан Самарқандга қўшин тортишга яширинча ҳозирлик кўраётгани равшан бўлади. Фитна қилувчининг йўлини тўсиш даркор эди. Аммо ўша асноларда барча ишларининг маслаҳатгўйи ва фатво берувчиси пирикомил Шамсиддин Амир Кулол оламдан ўтди. Отаси Тарағай баҳодир анча олдин вафот этганди. Саркардалардан шайх Муҳаммад Баён сулдуз Ўтторга қочиб кетди, Яратганга таваккал қилган Темурбек шаҳри Кешдан йўлга отланиб Фузорга келганида қўшин маркази(ғул)нинг саркардаси амир Мусо ҳам ўринсиз ваҳимага тушади ва изига қайтади. Яхшиликка олиб келмайдиган бу нохушликлардан Темурбекнинг нафақат руҳи тушмайди, балки уларга эътибор ҳам бермайди. Қўшин маркази саркардалигини ўз қўлига олади. Суюрғатмиш ўғлонни бир неча баҳодирлар билан қўшиб манғлой(авангард) сифатида олдинга жўнатади.

Манғлой Темир дарвозадан ўтиб Термизга етиб келгач, Амир Хусайннинг илгори уларнинг қорасини кўрган заҳоти қочади ва Аму сувидан шошилич ўтиб, Балх томонга йўл олади. Амир Темур бошлик марказий қўшин эса Термиздан уч фарсах наридаги Буё мавзеига келиб қўнади ва чодир тикади.

### ҲУМОЮН МАНЗИЛ

Шарафиддин Али Яздийнинг хабарига кўра, Саййид Барака “ҳеч қандай ваъда ва олдиндан келишувсиз, кутилмаганда” Темурбекка ана шу “ҳумоюн манзил”да пешвоз чиққан, салтанат ва подшоҳлик белгиларини англатувчи ноғора ва алам келтириб совға қилган. ва ниҳоят ҳазрат Соҳибқиронга “бахтсаодат сўзларини айтиб башорат қўшиғини каромат пардасидан” чалган, яъни байт:

**Оллоҳ ҳимояси сенга**  
**эрур, посбон,**  
**У бошдан бу бошгача**  
**сеники жаҳон.**  
**Давлат ноғорасини чал,**  
**майдон сенингдур,**  
**Бу — олам тангрисининг**  
**истаги эрур.**

Ушбу учрашувнинг “кундан кунга ортиб бораётган давлатининг (яъни Амир Темур иқболининг, таъқид бизники) бошланишида юз берган” лигига асарда алоҳида эътибор қаратилиб, уни сифатлашда “қуръоний сўзлар ишоратига кўра”, “юксак даражадаги омонлик ва иқбол учун”, “осмоний тасдиққа эга” қабилдаги илоҳий ишоратли иборалар қўлланади.

Демак, Амир Темур ҳали Амударёдан кечиб ўтмай туриб Буёга келиб қолган, яъни Буё қўшни мамлакатда эмас, айнан Сурхондарё ҳудудида жойлашган. Агар, 3 фарсахлик Буё Сурхон дарёси бўйидаги Термиздан 18-24 км узқликда жойлашганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, у ҳолда Буёни Буг

қишлоғи билан мутлақо боғлаб бўлмаслиги ўз-ўзидан аён бўлади. Биз ана шу ҳолатдан келиб чиқиб Буё мавзеини Шерободдан эмас, балки Термиздан 20-30 км масофадаги Ангор тумани ҳудудидан изладик.

Амир Темур ҳазратларининг бутун мамлакатимиз ҳудудида бўлгани сингари Сурхондарёда ҳам қутлуғ излари қолган, қадамжоси кўп. Аммо уларнинг ичида куч-қудрат рамзи Амир Темур билан руҳият тимсоли Саййид Бараканинг Улуғ Учрашуви содир этилган Буё масканининг ўрни бўлакча. У XIV аср миллий тарихимиз саҳифасида алоҳида бўртиб кўриниб туради, Ушбу муқаддас маскан керак бўлса ер юзидаги энг ноёб илоҳий нуқталардан бири назаримизда. Буё ҳам заминимизнинг ҳосиятли макони, улуғлар қадамжоси. Биламиз, машойихлардан ёдгорлик нақллар турли қадамжолар ва масжиду мақбараларнинг ер қаъридан ижобий таъсир этувчи ва осмондан нур ёғилувчи масканларда барпо этилиши, бу жойларда ўқилган дуоларнинг ижобатга ўтиши, айниқса жамоада кўпчилик бўлиб қилинган илтижою ибодатларнинг мўъжизакор сирларидан дарак беради.

Шундай экан, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча миллат фидойилари Буёдек улуғ жойни билишлари, қадру эъзозини жойига қўйишлари керак. Ватандошларимиз Буё мисолида етти пушти ва ундан кейинги авлодлари онгида ватансеварлик, юртга меҳр-муҳаббат, истиқлолга ишонч туйғуларини парвариш қилиши, руҳий-маънавий қувватидан доимий баҳраманд бўлиб туриши даркор.

### ЭКСПЕДИЦИЯ

Биз олиб бораётган ишлар ана шу заруриятларни исботлашга қаратилган. Буё мавзеини аниқлаш мақсадида экспедиция ташкил этиш лозимлиги 2010 йилнинг баҳорида Термизда

бўлган Ўзбекистон халқ ёзувчиси, шоир, халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Муҳаммад Али темуршунослар билан ўтказган суҳбатида қайд этилди, масала вилоят ҳокимлигининг эътиборига ҳам етказилди. Хуллас, таркибида тарихчи, археолог, ўлкашунос, топонимист, лингвист, журналист ва рассомлар бўлган экспедиция Сурхондарё вилоят "Зараутсой" жамоатчилиги Маркази, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши ижроия қўмитаси, халқаро Амир Темур жамғармаси вилоят бўлими шафелигида Буё манзилени топиш ниятида бир эмас, бир неча марта сафарга чиқди ва натижада янги муҳим далилларга эга бўлди.

Экспедиция назарига кўра, қадимдан барча замонларда ва демакки ҳозирги воқеликда ҳам уруш ҳаракатлари олиб бораётган қўшинлар ҳамisha муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган тепаликларни эгаллашга ҳаркат қилишганлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Масалага бундай ёндашув Эски Термиз, Сурхонбўйи Термизи ва ҳозирги Термиздан 18-24 километр атрофидаги масофада жойлашган тепаликларга ҳам тааллуқли.

Тепаликлар сони унча

кўп эмас. Улар орасида Отчопар, Учқизил ва Қорақир тепаликлари йириклиги билан ажралиб туради. Хар учала тепалик ҳам стратегик нуқтаи назардан жуда қулай ҳисобланади. Лекин, Отчопар билан Учқизилда катта қўшинни душман кўзидан пана сақлашнинг иложи йўқ. Ангор

тумани ҳудудида жойлашган Қорақир тепалиги бундан мустасно. Негаки, унинг усти катта ясси текисликдан иборат бўлиб, у ерда турган ҳарбийлар жуда катта масофадаги исталган томон ҳудудини бемалол кузата олади. Қорақирнинг жануби-шарқий қисми табиий ботикдан иборат. Бу эса кўп миқдордаги қўшинни душман кўзига кўринмайдиган қилиб жойлаштириш имконини беради. Тўғри, сўнгги ўн йилликларда бу ботик қум олинadиган карьерга айлантирилганлиги боис росмана сунъий чуқурлик пайдо бўлган. Аммо, шунга қарамай, мазкур ботикнинг табиий қисми ҳануз сақланганлигини кузатиш мумкин. Қолаверса, Қорақир тепалиги Сурхонбўйи Термизи, яъни ҳозирги Салавотдан 18-20 км. узокликда жойлашган бўлиб, бу ўрта асрлар давридаги 3 фарсахга тўғри келади.

#### ТАФСИЛ

Буё сўзининг маъносини ва ушбу мавзенинг ўрнини аниқроқ белгилаш ниятида топонимик далилларга ҳам муножбат рожаат қилинди. Маълумки, ушбу топоним номи кито -



бларда турлича ёзилган. Масалан, Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома"сининг 1994 йилги нашрида Буё, 1997 йилгисида эса Бийа дея келтирилган. Афтидан бу нарса асл манба битилган араб имлосида унли ҳарфларнинг бўлмаслиги ҳамда айрим ундошларнинг айрича ёзилишидан келиб чиққан бўлса керак. Баъзи тарихчилар ҳатто Биё, Бева терминларини ҳам ишлатишади. Қисқаси, ушбу жой ўрни ҳақида турлича қарашлар ҳукм сурганидек, унинг номланиши ҳам ҳар хил бўлмоқда. Аммо, экспедиция аъзоси, термизлик ёш иқтидорли олим, "Ўрта Осиёда туркий халқларнинг этногенези", "Айрим топонимлар луғати" китоблари муаллифи Икром Умаровнинг изланишларига кўра, бу номланишларнинг асоси биттадир, яъни ушбу сўзнинг этимологияси туркий тилларга бориб тақалади. Масалан, "туркий тиллардаги буй - "узунлик", "қомат баланд қоматга эга бўлмоқ" (Севортян, 176-177), туркман, турк, озарбайжон тилларида бай - "катта", "йирик" (Севортян, 288), XVI аср туркий тилида бийик - "баланд, баланд жой" (Мухаммед Якуб Чинги. "Келур-наме". Тошкент, 1982, стр.82), ("Навоий асарлари луғати" Тошкент, 1972, 116 бет), олтойча *bujuk* - "узунлик", татар лаҳжаларида "баландлик", тува тилида "тоғ", тофа тилида "тепалик" (Севортян, 289), қадимги туркий тилда *beduk* - "катта, улкан" (ДТС, 91), *биёғу* - "улуғ" (Наршахий, 91) маъноларини англатади. Бу сўзнинг қадимий маънолари: "катта, йирик, улкан, кучли, кўп, мўл, ортиқ, ошиқ, муқаддас". "Буё" сўзи "катта, йирик тепалик" маъносини беради. "Қорақир" сўзи ўзагидаги "қора" сўзи топонимияда нафақат ранг маъносиди, балки бошқа тушунчаларда ҳам келади. "Қора" сўзи "уй, тупроқ" маъноларини беради. Ҳеч қандай ўсимлик ўсмайдиган жой ҳам "қора" номи билан атал-

ган. Ўрта асрлар даврида "қора" сўзи "улуғ", "зўр", "ҳайбатли" маъноларини ҳам берганлигини кўрамиз ("Навоий асарлари луғати". 730-бет). Қорақир "улуғ, катта тепалик" демақдир" (Сурхондарё вилоят "Бақтрия" газетаси, 2010 йил, 10 ноябр сони).

### ХУЛОСА

Демак, экспедиция хулосасига кўра, Қорақир қадимий Буёнинг айнан ўзи бўлиб, эскида ҳам, янгида ҳам бу номланишлар бир хил маънога эга ҳисобланади. Кўҳна тарихимизнинг буюк чўққиси саналмиш соҳибқирон Амир Темурнинг пири муршиди Саййид Барака билан Улуғ Учрашуви содир бўлган Буё мавзеи ҳозирги Қорақир тепаликларига тўғри келади. Шу ерда Саййид Барака Амир Темурга давлатчилик рамзи сифатида туғ билан ноғорағни туҳфа этади, буюк келажигини башорат қилади. Бу воқеадан сўнг Амир Темурнинг иши муттасил ривож топади, аввало юртни бирлаштириб, сўнгра буюк давлат барпо этади, миллий давлатчилигимиз тарихида узидан ўнмас из қолдиради. Мир Саййид Барака ҳам то умри охиригача Амир Темур билан бирга бўлади. Вафотидан сўнг ҳоқи соҳибқироннинг бош томонига қўйилган, улар биргаликда, бир гумбаз остида боқий ором олишмоқда...

Қиссамиздан ҳисса шулки, Амир Темурнинг Саййид Барака билан тарихий учрашуви шарафига муносиб ёдгорлик ўрнатилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

**Суратда:** Мир Саййид Барака ва соҳибқирон Амир Темурнинг тарихий учрашуви жойига қўйиладиган меъморий ёдгорлик лойиҳаси. Муаллиф: Ўзбекистон Бадиий ижодкорлари уюшмаси аъзоси, рассом-ҳайкалтарош Турсунбой Шоймардонов.



# Изинга шабнамдай тўкилдим

Хор вужудда буюк бир зорлик,  
Осмонни қоплайди ёйсам.

\*\*\*  
ФАХРИЁР.

Сенинг хузуринга келтирди алҳол,  
Менинг юрагимни кемирган зорлик.  
Ҳавони беҳишдан қувдирган гуноҳ,  
Оёғинг остида буюк бир хорлик.  
Қақшадим...  
Минг бора қайтмайман дедим,  
Минг бора ўзимни дорларга осдим.  
Сенга жон бахш этдим, ўзим қуладим.  
Яна хузурингда кетдим афтода,  
ТАНГРИМ,  
Ўзинг асра, дедим йиғладим.  
Кечир қандай ювай умр доғларин.  
Парча-парча бўлган ёруғ орзулар,  
Эзгин ёмғирларда синграйди ивиб.  
Кўнглим осмонини паст этган соғинч,  
Яна СЕН томонга чорлар саросар.  
Изиллаб чопади телба шамоллар,  
Эшик қулфларини юборар очиб.  
СЕНСИЗ яшамоқнинг йўқдай иложи,  
Куну тунларимда титрайди илинж,  
Қаерга сингаяпман, ўзимдан қочиб.  
Ярим ойнинг бесар шуъласи янглиғ.  
Сенга жон бахш этдим, ўзим қуладим,  
Яна, хузурингдан кетдим, афтода...

\*\*\*  
Тиз чўкдим,  
Бошимни эгдим,  
Икромман.

Гуноҳим бўйнимда, умид кўнглимда.  
Амр эт, қатлингга тайёрман.  
Шунчалик масрурман, шунчалар ҳурман!  
Неки зимистонлар оралаб юрдим,  
Бир-олис ёғдуни қоралаб юрдим.  
Қаерда тўкилдим,  
Қаерда синдим...  
Ассалом оқибат, сенга бош урдим.  
Қанча яқин бордим. Кўнглимни тутдим,  
Ўзингдан адашиб,  
Ўзимдан кетдим...  
Уфққа туташган тонг соҳилида,  
Меҳру вафо кутиб, бебаҳра ўтдим.  
Кутдим субҳ ифори янглиғ тозани,  
Умрим жароҳатин малҳами бўлса,  
Соғиндим...  
Яна ва Яна ўшани...  
Чўкдим...  
Келармикан зор йиғлаб ўлсам...  
Енголмай вужуднинг оташларини,  
Тонгдай ҳисларимга ўзим қасд қилдим.  
Рухим оқ қушлари талпининг кўкка,  
Кўнглимнинг қонига қўл ювиб келдим...

\*\*\*

Бахтиёрсиз,  
Толеъ тахтада...  
Тебранасиз виқорли сархуш.  
Издихомлар ичра баъзида,  
Юрагингиз тортади маъюс.  
Жонингизга кетгандир ботиб,  
Санамларнинг навозишлари.  
Давралардан шод ўтаётиб...  
Пичирлайсиз умр ишларин.  
Сесканасиз,  
Англайсиз, қалқиб.  
Вақт қайиғи кетмоқда оқиб.  
Султонликнинг баланд тахтидан,  
Пастга бокмоқ нақадар оғир...  
Ёдингизни ёритолмайди,  
На бир ёғду,  
Ва ёки гуллар.  
Пойингизда ётган хазонни,  
Лабингизга босингиз келар.

\*\*\*

Менинг оқ кунларим қаро бўлганда,  
Сенинг гул ҳаётинг маъни топдими?...  
Зинҳор, кутганингга ҳеч ўхшатмадинг.  
Ғамхор кетишларим ўхшаяптими?...

Менинг шаън тонгларим тундай чўкканда,  
Субҳи саҳарларинг гулгун отдими?  
Изингга шабнамдай тўкилдим.  
Қўнглим ҳаётингга оғир ботдими?...

Саррин саболарим бевақт тинганда,  
Сарви давронларинг чашминг ёптими,  
Қўнгли гирёнингни обод этардим.  
Хазонимдан дилинг таскин топдими?!

Умр ҳам сўнади юлдузлар каби,  
Умринг боғларини баҳор ўпдими,  
Эвоҳ, кутганингга ҳеч ўхшатмадинг.  
Айт, энди кетишим ўхшаяптими?!



*Ушратхона Битиклари*

**Нафас ШОДМОНОВ**

# **НАЖОТ ДАРВОЗАСИ**

(Драма)



**Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг  
20 йиллигига бағишланади**

**19-кўриниш.**

Рўзибой Алимовнинг кабинети.  
Рўзибой газета ўқимокда.

РЎЗИБОЙ: Ислон Каримов нутқи.  
Вилоятда озиқ-овқат маҳсулотларини  
ишлаб чиқариш 20 фоизга кўпайди: Шу  
хисобдан савдо тармоқлари ва умумий  
овқатланиш корхоналари орқали  
аҳолига гўшт ва гўшт маҳсулотлари (16  
фоизга), сут-қатиқ маҳсулотлари (42  
фоизга), тухум (44 фоизга), сабзавот  
(30 фоизга), полиз маҳсулотлари ва  
мева-чева (38 фоизга), картошка (32  
фоизга) сотиш кўпайди.

Вилоятда жами саҳни ярим мил-  
лион квадрат метр, яъни режалашти-  
рилганига нисбатан 100 минг квадрат  
метр кўп турар жой бинолари қуриб  
битказилди. 25 минг оила янги уй-жой  
олди. Кооператив тарзда ва якка тар-  
тибда уй-жой қуриш кўпайди, турар  
жой қурилиши унинг умумий ҳажмига  
нисбатан 55 фоизга кўтарилди... (Га-  
зетани қўйиб)

Мамлакат шундай инқироз ёқаси-  
да турганда вилоятда пахта топшириш  
икки баробар ошгани, шунча катта  
ободонлаштириш ишлари, қурилиш-  
лар амалга оширилиши ақлга сизмас  
даражада...

Охири. Боши ўтган сонда.

(Зафаржон киради.)

ЗАФАРЖОН: Ассалому алайкум,  
дада.

РЎЗИБОЙ: Ваалайкум ассалом, кел.  
Тинчликми?

ЗАФАРЖОН: Ҳа, тинчлик. Дада, биз  
Маҳбуба янгам билан обкомга бордик.

РЎЗИБОЙ: Нима? Маҳбуба қандай  
журъат билан борди?

ЗАФАРЖОН: У кишини мен олиб  
бордим. Бугун соат ўн бирда бизни  
обкомнинг ўзи қабул қилди.

РЎЗИБОЙ: Нима деди?

ЗАФАРЖОН: Воқеани эшитиб бир-  
икки кишиларни ҳузурига чақирди,  
роса телефонлашди. Сизнинг бошин-  
гизда битта хўжайинингизнинг юки,  
менда ана шундайлардан уч мингнинг  
юки, деди. Икки ой ичида Собир ама-  
кимни уйда бўлади, деди.

РЎЗИБОЙ: Йўғ-е?

ЗАФАРЖОН: Маҳбуба янгамни кей-  
инги вақтларда биринчи марта шун-  
дай хурсанд бўлишларини кўришим.

РЎЗИБОЙ: Агар натижа Каримов  
айтгандай бўлиб чиқса, у ҳақиқий  
қахрамон, ҳақиқий даҳо. Ҳозир осон  
эмас бу иш. Қандай қилиб бундай ваъ-  
да берганига қойил қолаяпман.

ЗАФАРЖОН: Кўпчиликдан маслаҳат  
олдим. Хамманинг умиди Каримовда

бўлиб қолибди. Ким билан маслаҳатлашмай, обкомга боринглар, дейди. Охир шунга журъат қилдик.

РЎЗИБОЙ: Сизларга ҳам қойилман. Лекин Комиссиялар ҳам осонликча жон берадиганлардан эмас. Эҳтиёт бўлгинда.

ЗАФАРЖОН: Мен раҳбар бўлмасам, пахта тайёрлашда бевосита иштирок қилмасам, мени нима қила олишарди?

РЎЗИБОЙ: Арбобга ёқмасанг, айбинг бўлиш-бўлмаслигининг фарқи йўқ. Жазолаш учун ҳамма вақт сабаб топилади. Лекин Каримов шундай ваъда берган бўлса... яхши... умид уйғотибди. Сен ҳам Алпомишдай иш қилибсан-да, ўғлим.

ЗАФАРЖОН: Аввалги фикрингиздан қайтдингизми, дада?

РЎЗИБОЙ: Кеча оқшом, бугун кун бўйи ўйлайман. Хулосам шу бўлдики, сен Орузғулдан бошқасининг демайсан, у бўлса отаси чиқиб келмаса, тўйга розилик бермайди. Собир чиқиб келгунча сени партияга ўтказиб, бирор тузук вазифали қилиб оламан. Унгача узинг кўп нарсани тушуниб оласан.

ЗАФАРЖОН: Дада, мен илмий иш қилишни хоҳлайман, вазифа унчалик қизиқтирмайди мени.

РЎЗИБОЙ: Ўғлим, нега одамлар мартаба учун курашади, биласанми?

ЗАФАРЖОН: Одамларга, яъни халққа кўпроқ хизмат қилиш учун-да.

РЎЗИБОЙ: Бу сенга ўхшаган, қалби ёзилмаган оқ қоғоздай тоза, содда ёшларнинг фикри. Бизнинг жамиятда у қўлни ва тилни узайтириш воситаси. Қолаверса, одамийзод қонида унинг ҳайвонлик давридан қолиб келаётган бир ҳиссиёт бор, бу – бошқалардан кўпроқ ҳаққа эга бўлишга интилиш ҳисси. Қўл ва тил узун бўлгач, кўпроқ ҳаққа эга бўлинади.

ЗАФАРЖОН: Дада, мени захарлаяписиз.

РЎЗИБОЙ: Давримиз одамлари психологиясини билиб қўйишинг учун ай-

таяпман буларни. Яна билиб қўйгин, инсоннинг қалбида даҳшатли бир хоҳиш бор, бу бошқалар устидан ҳукмронлик қилиш хоҳиши...

ЗАФАРЖОН: Дада, мана, обком унақа одам эмас экан-ку. Холис хизмат қилмоқчи-ку.

РЎЗИБОЙ: Тўғри, ундай фикри тоза, халқпарвар, самимий одамлар жуда кам-да. Ана, бир раҳбар, бутун Ўзбекистонни порахўр, нопок, муттаҳамга чиқарди. Бу ҳам холис хизматми? Бола, билиб қўйгин, мен сенга айтмоқчи бўлган гапга ўзинг яқинлаштирдинг: Каримовда вилоят раҳбарлиги мартабаси бўлмаса, унинг қўлидан шундай ишлар келиши мумкинмиди, мен бунга ишона олмайман. Лекин ундай халқпарвар одамларнинг мартаба учун ҳаракатларини журъат деб аташ керак. Сенга ҳам "Журъатли бўл, ўғлим", демоқчиман.

ЗАФАРЖОН: Лекин ҳамманинг ўз қобилияти бор-да, дада. Ҳамма соғлом фикрли кишилардан ҳам сиз айтгандай журъатни талаб қилиб бўлмайди. Масалан, менда ташкилотчиликдан кўра илмий машғулотларга мойиллик устун. Шунинг учун, келгуси йил аспирантуранинг сиртқи бўлимига ҳужжат топширмоқчиман.

РЎЗИБОЙ: Нима кашф қилмоқчисан? Одамзод аллақачон космосни забт этиб бўлди.

ЗАФАРЖОН: Космос забт этилди, лекин ўзбеклар ҳамон икки букилиб, иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демасдан пахтани қўлда тераяпти. Талаба ва ўқувчи ёшларнинг илм олиши лозим бўлган қанча вақтлари далаларда кечаяпти. Пахта териш машиналарининг замонавий, мукамал авлодини яратиш учун илмий иш қилмоқчиман.

РЎЗИБОЙ: Собирнинг иши учун қилган ишларингни кўриб, қандай яхши ташкилотчи бўлишинг мумкинлигини ҳис қилган бўлсам, ҳозирги эҳтиросли сўзларингдан яхши олим бўлишин-

гга ҳам умид қилаяпман. Мансаб тошдан лойсиз-бетонсиз бино қилинган қояга ўхшайди. У қояни аввалдан ўйлаб ясамаса, кейин ҳам эҳтиёт қилмаса, бирор тоши бевақт силжиса, тамом, ҳалок қилади. Лекин илм қасри жуда мустаҳкам қоя устида қурилади. Уни қаттиқ зилзилалар ҳам қулата олмайди.

**ЗАФАРЖОН:** Демак, менинг фикрим тўғри.

**РЎЗИБОЙ:** Тўғри, ўғлим. Лекин Орзулуга уйланиш масаласида ҳали шошилма. Ҳар бир даврнинг ўз оқими бўлади. У билан ўйнашиб бўлмайди. У оқим ҳар қандай зотни чирпирак қилиб уйнатади, замондан четга улоқтиради. Агар Собир оқланмаса, Орзулуга уйланишингга қаршилигимна қолавераман.

**ЗАФАРЖОН:** Дада, нима қилай? Ундан кўнглимни узолмайман... Кейин шундай гапларингизни гапирмай турсангиз. Бу гапларингиз уларнинг ҳам қулоғига етиб борибди. Жуда хафа бўлишибди. Эртага Собир амаким келиб шу гапларингизни эшитса, нима бўлади?..

**РЎЗИБОЙ:** Бизнинг уйдаги гаплар уларга қандай етибди? Ё ўзинг айтдингми?

**ЗАФАРЖОН:** Мен жинни бўлганманми?

**РЎЗИБОЙ:** Унда қаердан эшитишадди?

**ЗАФАРЖОН:** Қандайдир бир аёлдан эшитишганини англадим.

**РЎЗИБОЙ:** Демак, тушунарли. Сен боравер, ўғлим, буни қилган одамни биламан. Ўзига тўғрилатаман.

**ЗАФАРЖОН:** Хўп, хайр, мен уйда бўламан. (Чиқади.)

**РЎЗИБОЙ:** Ҳаммаси яхши, фақат қамалган одамнинг қизига уйланаман деб туриб олгани ёмон... Нима қилиш керак?.. Икки ойни ҳам ўтказайлик-чи...

**20-кўриниш.**

Собир Шодиевнинг ҳовлиси. Маҳбуба билан Орзугул суҳбатлашиб ўтиришибди. Маҳалла аёли билан Зубайда киради. Орзугул уйга кириб кетади. Кўришиб-сўрашадилар.

**МАҲБУБА:** Кўринмай қолгандингиз, қандай шамол учирди?

**ЗУБАЙДА:** Сизга ташвиш қилмайлик деб, тинч қўйгандик-да. Бундай хафа бўларкансиз, ҳар куни келиб бошингизни шиширдик.

**МАҲБУБА:** Дўст келганда бош шишмайди, опа. Ташвиш келмасин.

**ЗУБАЙДА:** Илоҳи, айтганингиз келсин. Хушхабар эшитдик, шу ростми?

**МАҲБУБА:** Қандай хушхабар?

**ЗУБАЙДА:** Обком бува Собиржонинимни чиқариб бераман, дебди-ку.

**МАҲБУБА:** Ҳа, обкомнинг олдиларига борганимизда менга тикилиб разм солдилар. Пахта териб, ўз иш ҳақимга олинган қулоғимдаги сирғам билан кўлимдаги узукни ҳам қолдиришмай золимлар олиб кетишганини англабдилар. Мендан "Фикрим тўғрими?" деб сўрадилар. Йиғлаб юбордим... Золимларнинг илоҳи уйлари куйсин!.. Қаттиқ таъсирландилар. Кейин албатта ёрдам килишларини айтдилар. Энди шундан умид қилиб ўтирибмиз.

**МАҲАЛЛА АЁЛИ:** Ҳеч кимнинг бошига бундай кун тушмасин-а.

**ЗУБАЙДА:** Обком бува айтган бўлса, чиқариб беради.

**МАҲБУБА:** Болаларим роса эзилиб кетишди. Ўзимнинг ҳам асабимдан асаб қолмади. Болаларни ота-онаси билан, аёлни бош эгаси билан қийнасин экан.

**ЗУБАЙДА:** Қудажон, энди бизнинг келишимиздан мақсад... одамимизни олиб кетмоқчимиз...

**МАҲБУБА:** Нима деяпсиз, опа? Нега бирдан бундай қарорга келиб қолдингиз? Бир ойгина олдин қамалган одамнинг қизини олиб бермаймиз деб юрган сизлар эмасмидингиз? Нега энди бирдан... (йиғлай бошлайди.)

ЗУБАЙДА: Зафаржон деярли ҳар кун сизларникига келиб-кетиб юрибди. Элинг оғзига элак тутиб бўлмайди. Яхши ёмон бирор гап чиқиб кетса, яхши эмас. Йигитни-ку айби йўқ, қизгинанинг тупроги енгил келади-да...

МАҲБУБА: Ўша дадасининг ҳукмидан кейин бу ҳақда гаплашган эдик, эсингиздами? Қизим: "Дадам чиқиб келмагунча тўйим бўлмайди", деган эди. Ҳали ҳам шу фикрида. Яна бир ойгина кутса бир ёқли бўлади, опа.

ЗУБАЙДА: Қудажон, хайрли ишнинг эртаси яхши, деганлар. Биз кеча Зафаржонни кўндирдик.

МАҲБУБА: Зафаржон рози бўлди-ми?

ЗУБАЙДА: Нега рози бўлмайди? Сизларнинг розилигингиз бўлса бўлди экан.

МАҲБУБА: Бизни ҳоқулай вазиятда қолдираяпсиз. Бир ойда дадаси келди деб умид қилиб турибмиз. Бу гапни бир ойдан кейин гаплашайлик.

ЗУБАЙДА: Бизга-ку фарқи йўқ-да. Зафаржоннинг дадаси безовта бўла-яптилар-да. Йигит билан қиз бирга юра-верса... Бирор гап-сўз бўлиб қолса, обрўларига тўғри келмайди-да...

МАҲБУБА: Мақсадингизни аниқ тушуна олмаяпман. Зафаржоннинг бу ерга келиб-кетиб тургани ҳам малол келяптими?... Шундайми?... (Йиғлайди)

ЗУБАЙДА: Йўқ, сиз тўғри тушунинг, йигит билан қиз бор жойда шайтон ҳам бўлади... (Дарвоза қаттиқ тақиллайди.)

МАҲБУБА: Ҳозир!.. (Ёшини артиб туриб кетади.)

ЗУБАЙДА: Жудо зукко хотин-да, гапни тушунди. Фақат эри қамалмаса, муносиб қуда эди-я...

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Тўй қиладиган буларнинг ҳеч нарсаси йўқ ҳам-да. Бу томондан ҳам энди сизларга тўғри келмайди.

(Маҳбуба киради.)

МАҲБУБА: Зубайдахон, Зафаржон қаерда эди?

ЗУБАЙДА: Эрталаб ишга кетган эди... Нима гап?

МАҲБУБА: Зафаржон милицияга тушибди...

ЗУБАЙДА: Нима?! Нимага милицияга тушади?... Ким айтди?... Дадаси билармикан?..

МАҲБУБА: (Йиғлаб) Участкавой... Билмадим... Билмадим, опажон, бизни нима жин урди?..

ЗУБАЙДА: Мен ўлиб қоламан-ку... Қаердасан... сенга нима бўлди, ўғлим?... Онанг ўлсин-а... Дадаси "Қамалган одамдан узоқ юр. Ўзингни ўтга урма", деганди-я... Кимларнинг касрига қолдинг болам?..

МАҲБУБА: Ундай деманг... (Йиғлайди)

МАҲАЛЛА АЁЛИ: Юринг, тезроқ бориш керак!..

Шошилиб чиқадилар.

МАҲБУБА: Эй, худо! Энди кўнглимга бир нур кириб, умид уйғона бошганда бу нима қилганинг?... Душманларнинг инсофини бер, кўнглига раҳм солгин, худо! Зафаржон бизни деб шу кўйга тушди. Қудалар олдида юзимизни қора қилма! Юзимизни ёруғ қил, худо!

Орзуғул киради.

ОРЗУГУЛ: Яна нима гап, она?

МАҲБУБА: Зафаржонни... қамаб қўйибди.

ОРЗУГУЛ: Нима? Нима учун?

МАҲБУБА: Билмайман, қизим...

ОРЗУГУЛ: Мен у ерга бораман!..

МАҲБУБА: Йўқ, қизим, бу уят бўлади.

ОРЗУГУЛ: Йўқ, она! Энди бунисига чидай олмайман!..

Чиқади.

## 21-кўриниш.

Тергов хонаси. Сардор Зафаржонни тергов қилмоқда.

САРДОР: Нега ҳалол ишлаб юрган ички ишлар ходими устидан бўҳтон

уюштириб юрибсан?

ЗАФАРЖОН: Мен ҳеч кимга бўҳтон қилганим йўқ. Нега мени бу ерга олиб келдирдингиз?

САРДОР: Бу ерда мен савол берман. Жавоб бер: Нега бўҳтон уюштираяпсан?

ЗАФАРЖОН: Жавоб бердим. Мен жинойатчи эмасман! Мени қамаб утиришга, бундай тухмат билан тергов қилишга ҳаққингиз йўқ.

САРДОР: Ҳаққимни кўрсатиб қўяман, искирт!

ЗАФАРЖОН: Ҳақоратламанг!.. Мен ҳуқуқимни биламан!

САРДОР: Такдирингни мен ҳал қиламан, бола. Саволларимга жавоб бермасанг, абжағингни чиқариб ташлайман! Шундай жойга тикаман, ҳеч ким сени топа олмайди.

ЗАФАРЖОН: Энди мени кўрқита олмайсиз. Қўлингиздан келганини қилинг, жавоб бермайман!

САРДОР: Жавоб бермайсанми?

ЗАФАРЖОН: Йўқ! Сиз халққа хоинлик қилдингиз! Ўз кирдикорларингизни мени йўқ қилиш билан беркита олмайсиз!

САРДОР: Мана шу гапинг ҳам бўҳтонлигини биласанми?

ЗАФАРЖОН: Бу бўҳтон эмас, ҳақиқатнинг ўзи! Бундан кўра, ун-тўрт кунлик маишатингизни қилиб олинг. Ҳа демай Собир амаким озод бўлиб келади. Кейин сиз билан бошқача гаплашилади.

САРДОР: У келмайди. Ҳеч қачон келмайди! Биласанми, у ҳозир Россияда. Уни қамаганлар ҳам ўша ерда. Собирни улар чиқариб юборади, деб ўйлайсанми? Уларнинг жигига тегдиларинг. Энди улар Собирни бир умр чиқаришмайди!

ЗАФАРЖОН: Зўрдан зўр чиқса, оёғи қалтирайди. Ўша золимларингизга жавоб бера оладиган ўзбек энди бор. Минглаб бегуноҳ мазлумларга паноҳ бўладиган одамни мен кўрдим. Унинг

олдида ўша золимларингиз ҳеч ким эмас! Сиз ҳам!

САРДОР: Ўчир овозингни! Ҳозир ичингни эзиб ташлайман.

ЗАФАРЖОН: Ҳали ҳам кеч эмас, мени бу ерда қамаб ўтирмай, кимларга зулм ўтказган бўлсангиз, улардан кечирим сўранг. Бўлмаса, кейин қийин бўлади.

САРДОР: Сен менга йўл кўрсатаяпсанми? Сен тухматчи муттаҳамларни битта қўймай йўқ қиламан. Мени билмас экансан, чувринди! Умрингни қамоқда чиритаман!

ЗАФАРЖОН: Энди йўқ қила олмай-

САРДОР: Қамай олмасам, отиб ташлаб кейин ўзим қамоққа кетаман!

ЗАФАРЖОН: Сезиб турибман, кўрқаяпсиз. Кўрқайингиздан чидай олмаяп-

САРДОР: Нима? Мен кўрқаманми? Қўриб қўй бўлмаса!.. (Зафарни ура бошлайди.) Зўр бўлсанг сен ҳам ур! Ур, зўр бўлсанг!

ЗАФАРЖОН: Йўқ! Йўқ! Йўқ!.. (Сардор уришдан тўхтади) Мен бир урсам, шуни баҳона қилиб қаматмоқчимисан? Тушингни сувга айт. Бу қилмишинг учун хали жавоб берасан, номард!..

САРДОР: Яна дағдаға қиласанми?.. (Яна ура бошлайди. Тўхтаб) Барибир, бўҳтончилигингни бўйнингга қўяман!

ЗАФАРЖОН: Йўқ!.. Ҳеч қачон!..

САРДОР: (Дағдаға қилиб) Яна керакми?

Навбатчи милиционер киради.

МИЛИЦИОНЕР: Рухсат этинг!

САРДОР: Кир, нима гап?

МИЛИЦИОНЕР: Зафарнинг орқасидан отаси тўрт-беш аёл билан келиб, бошлиқнинг олдига киришди. Бошлиқ Зафарни олиб кетишларига рухсат берибди. Олиб чиққани келдим...

САРДОР: Боравер, кейин!

МИЛИЦИОНЕР: Бошлиқ...

САРДОР: Боравер, дедим-ку! (Навбатчи милиционер чиқади. Зафаржон-

га) Билиб қўй, барибир сени тинч қўймайман.

ЗАФАРЖОН: Қўлингдан келганини қил!

САРДОР: Бола, ўзингни бос. Бу ердаги гапларни ташқарида гулласанг, бўҳтончилигингни исботлаган бўласан. Тушундингми?

ЗАФАРЖОН: Тушунмадим.

САРДОР: Тушунмаган бўлсанг, тушунтириб қўяман!

ЗАФАРЖОН: Тушунишни хоҳламайман.

САРДОР: Хоҳлайсанми, хоҳламайсанми, ҳозир битта тушунтириш хати ёзиб берасан.

ЗАФАРЖОН: Қанақа тушунтириш хати?

САРДОР: Ҳеч қачон ички ишлар ходимларига нисбатан бўҳтон сўзларни гапирмайман, деган мазмунда.

ЗАФАРЖОН: Мен ҳеч қачон ички ишларга нисбатан бўҳтон сўз айтмаганман...

САРДОР: Ана шуни ёзиб берасан-да.

ЗАФАРЖОН: Қилмаган, қилмайдиган, ишимни ёзиб нима қиламан?

САРДОР: У ёғи билан ишинг бўлмасин. (Қоғоз, ручка узатиб) Мана қоғоз, ёз.

ЗАФАРЖОН: Ёзмайман.

САРДОР: Ёзасан! Ёзмасанг, бу ердан чиқмайсан.

ЗАФАРЖОН: Ёзмайман.

Навбатчи милиционер ва Рўзибой кирадилар.

РЎЗИБОЙ: Ҳа, Сардорбой, бу нима-си?

САРДОР: Нималигини Зафарбой биллади-да.

РЎЗИБОЙ: Ўзингиз айта қолинг, Зафаржон нима гуноҳ қилибди?

САРДОР: Ўғлингиз ички ишлар ходимларини ҳақоратлаган, уларга нисбатан бўҳтон уюштирган.

РЎЗИБОЙ: Бекор айтибсиз, Сардорбой! Менинг ўғлим ундай қабиҳлик

қиладиган йигит эмас. Институтни имтиёзли тугатган. Ахлоқан етук. Уни бундай аҳволга солиб ўтирганингиз учун ҳали жавоб берасиз.

САРДОР: Ўғлингизни мақтаманг, у ҳозир мени урмоқчи бўлди.

РЎЗИБОЙ: Сизга бекор айтибсиз, дедим-ку. У бу ишни қилмайди. Лекин унинг ўрнида мен бўлсам, бу тухматингиз учун сизни аллақачон асфаласофинга жўнатиб қўйган бўлардим.

САРДОР: Рўзибой ака! Ҳаддингиздан ошманг! Ҳозир ўзингизни ҳам ўғлингиз билан бирга ёпиб ташлайман.

РЎЗИБОЙ: У-ҳу! Шаштингиз баландку! Энди мени ҳам, ўғлимни ҳам, ҳеч нарса қила олмайсиз. Ўғлимни обком ишга чакириб турибди. Икки соат олдин Зафаржоннинг қайнонаси ундан ўғлимизни тухмат билан ушлаб турганингиз учун устингиздан унга шикоят қилди! Мен прокуратурага шикоят хати киритдим. Кўрамиз, бу жангда ким голиб келади!

САРДОР: Обкомга?.. Шикоят қилдими?.. Ака, нима деяпсиз?.. Мен сизга нима ёмонлик қилдим? Энди бу хизматчилик юзасидан...

РЎЗИБОЙ: Бу хизматчилик эмас, бу касбига нолойиқ ходимнинг касофати. Етар касофатингиз шунча етгани, Сардорбой! Энди бир-биримиздан узоқ бўламиз. Хафа бўлмайсиз. Мана, бошлигингизнинг рухсатномаси, прокурордан келган хатни бошлигингиздан олиб ўқийсиз. Биз кетдик. Юр, ўғлим.

САРДОР: Бўпти, билганингизни қилинг. Мен ҳам мурожаат қиладиган жойларни биламан. Роса обкомингизни топиб олдингиз. Мен Москвага рапорт ёзаман.

ЗАФАРЖОН: Нима ёзсангиз ёзинг, тухмат қилмасангиз бўлди. Биз кетдик.

РЎЗИБОЙ: Ҳа, айтгандай, бу жойлар хароб бўлиб қолибди. Энди ўзингиз обод қиласиз-да.

Чиқадилар.

## 22-кўриниш.

Собир Шодиевнинг ҳовлиси. Маҳбуба билан Орзугул суҳбатлашиб ўтиришибди. Маҳалла аёли билан Зубайда киради. Орзугул уйга кириб кетади. Кўришиб-сўрашадилар.

**ЗУБАЙДА:** Қудажон, яхши ўтириб-сизми?

**МАҲБУБА:** Худога шукур, ўтирибмиз.

**МАҲАЛЛА АЁЛИ:** Энди тўйга тайёрланаяпсизми?

**МАҲБУБА:** Худо хоҳласа.

**ЗУБАЙДА:** Эшитдингизми? Сардорни қамашибди.

**МАҲБУБА:** Эҳ, бечора. Нега?

**ЗУБАЙДА:** Обком озод қилганлардан бири Сардорнинг устидан арз қилиб қаматибди. Уни қаматаётганда уйни тинтув чоғи кўп нарсани ўғирлаган экан-да. Сардорни бошқа қилмишлари ҳам кўп экан. Бир бечоранинг қизини ҳам ёмонотлик қилиб қўйган экан. Кейин қўрқитиб, бости-бости қилган экан. У ҳам энди ариза берибди.

**МАҲБУБА:** Бечоранинг уйи куйибдику.

**МАҲАЛЛА АЁЛИ:** Э, уни бечора деманг. Шунча одамни зор қақшатгани худо ҳам кечирмайди.

**МАҲБУБА:** Йўғ-е, ҳеч кимнинг бошига қамалиш азобини солмасин-е...

**ЗУБАЙДА:** Зафаржон сизларга ҳеч нарса дегани йўқми?

**МАҲБУБА:** Бир-икки кун олдин келиб, мен яна обкомга борганимни гапириб бир оз ранжиб кетган эди. Мен

нима қилай, дедим. Киши ишончли одам топса, шунга суяниб қолар экан-да, десам ҳам, бекор қилибсиз, дейди. Арзимаган нарса учун обкомни безовта қилибсиз, дейди. Арзимаган нарса эканми?..

**ЗУБАЙДА:** Ҳа, унинг қамалганини эшитганимда жоним чиқиб кетди-я... Қудажон, ўша кун оғзимдан чиқиб кетган гапларга ҳали ҳам уяламан. Кейин билсам, сиз ҳам у учун онадай югурган экансиз...

**МАҲБУБА:** Мен бундай аҳволни ту-



шунаман. Зафаржонни мен ҳам ўғлим деганман. Шунинг учун гапларингизга парво ҳам қилганим йўқ. Унутиб юборганман, уялманг.

**ЗУБАЙДА:** Яшанг, қудажон. Лекин бир нарсани тушунмаяпман. Зафаржон нега мени бугун бу ерга келиб туришимни тайинлаб кетди экан?

**МАҲБУБА:** Ишдан тўғри бизни кига келар эканми?

**ЗУБАЙДА:** Ҳа, менга "Орзугулларни-кида бўлиб туринг, ишдан шу ерга келаман", деганди. Шунинг учун бу ерга

келиб турибмиз.

МАҲБУБА: Қудалар бир дийдорлашишин, деган-да...

Маҳалла вакили билан Зафаржон кирадилар.

ЗАФАРЖОН: Орзу! Орзу қани? (Ташвишланиб қолган Маҳбубага) Хат... обкомдан... Орзу!.. Орзу!..

МАҲБУБА: Хат? Тезроқ ўқинг... тезроқ ўқинг, ўғлим!.. (Зафаржон хатни очгунча Орзугул чиқиб келади.)

ОРЗУГУЛ: Ҳа, она, нима гап?

МАҲБУБА: Обкомдан хат... қизим, кел зшит!..

Зафаржон хатни очиб виқор билан ўқий бошлайди.

ЗАФАРЖОН: Муҳтарама Маҳбуба Содиқова! Вилоят партия комитетининг биринчи котиби номига ёзган шикоят аризангиз атрофлича ўрганиб чиқиш ва ижобий ҳал этиш таъабномаси билан Шўро жумҳуриятлари иттифоқи олий судига юборилган эди. Олий суд жавобига кўра, турмуш ўртоғингиз Собир Шодиев Шодиевич устидан олиб борилган жиноий иш қонунга зид деб топилган. Олий суд ҳукмига кўра, Собир Шодиев Шодиевич ўз вазифасига тикланади, унинг ноқонуний қамоқда турган даври учун ойлик маошлари тўлатуқис тўланади. Вилоят партия комитети мамнуният билан маълум қиладики, Собир Шодиев шу йил-август ойининг охирида Қарши темир йўл вокзалида кутиб олинади. Ислоҳ Каримов, вилоят..."

(Маҳбуба йиглай бошлайди, Орзугул уни кучоқлаб олади. Маҳбуба йиглай-йиглай йиқилади.)

ОРЗУГУЛ: Онажоним!..

ЗУБАЙДА: (Маҳбубани бориб кучоқлаб олади) Қудажон!.. (Орзугулга) Сув олиб келинг!.. (Зубайда Маҳбубанинг бўйин-кўкракларини, Маҳалла аёли оёқ-қўлларини уқалай бошлайди. Орзугул сув олиб келади. Зубайда Маҳбубанинг юзини сув билан ювади. Маҳбуба ўзига келади.)

МАҲБУБА: Худога шукур!.. Худога шукур!.. Яшасин-е Каримов!.. Яшасин!.. Болаларининг бахтини кўрсин!..

ЗАФАРЖОН: Ўзингиз қандай, яхшимисиз? Доктор керак эмасми?

МАҲБУБА: Яхшиман, доктор керак эмас... яхшиман... Ўғлим!.. Яшанг, ўғлим!..

ЗАФАРЖОН: Эсингиздами, обкомнинг олдига борганимизда у киши халқнинг озодлиги тўғрисида нималар деган эди.

ЗУБАЙДА: Нималар деди?

ЗАФАРЖОН: "Менинг асосий мақсадим – халқим бошини баланд кўтариб, ўз қадрини билиб, улуғлаб юриши", деди. "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳақ-ҳуқуқимизни билишимиз, уни қўлга олишимиз керак. Бунинг учун халқ бир мушт бўлиб, бирлашиши ва курашиши керак", деди. У жуда кўп нарсалар ҳақида гапирди. Унинг бир улуғ йўл бошида тургани кўриниб турибди. Унинг ўзига ишончи шу қадар кучлики, у билан суҳбатлашган ҳар қандай киши бунга амин бўлади. У ушлаган жойини қўйиб юбормайдиган одам экан. Айтганининг устидан албатта чиқар экан. Қандай буюк одам-а у! У ҳақиқий даҳо! "Менинг ёнимда сенга ўхшаган йигитлар керак", деди менга қараб. Нима қилай, энди олдига борсаммикан, она?

ЗУБАЙДА: Шундай одам таклиф қилса, албатта бориш керак. Улуғ ишларда унинг ёнида бўлиш керак...

ЗАФАРЖОН: Албатта бораман... Балки Орзу билан бирга борармиз.

ЗУБАЙДА: А? Ёмонса-а-н.

### 23-қўриниш.

Поезд йўл вокзалида яқинлари Собир Шодиевни кутиб олишади. Жўшқин кутиб олинишдан сўнг саҳнада Рўзибой Алимов, Зубайда ва Зафаржон қолишади.

РЎЗИБОЙ: Зафаржон, орамизда ўтган гапларни унут, ҳўпми.

**ЗАФАРЖОН:** Орамизда ҳеч қандай гап бўлгани йўқ-ку, дада. Энди қойил-мисиз?

**РЎЗИБОЙ:** Қойилман. Яша! Ақлинг жойида.

**ЗУБАЙДА:** Мен ақлсиз ўғил туғмаганман!..

**РЎЗИБОЙ:** Юринглар бўлмаса, энди катта тўйга тайёрланайлик.

**ЗАФАРЖОН:** Кетдик!..

#### 24-кўриниш.

Собир Шодиевнинг ҳовлиси тўйхона кўринишида. Бир ёнда Собир Шодиев ва бир гуруҳ эркаклар. Иккинчи ёндан қизлар, аёллар миллий келинлик либосида ёр-ёр айтишиб олиб келишмоқда.

**МАҲАЛЛА АЁЛИ:** Тўхтаглар! Момо-ларимизнинг расми бўйича, келин уйдан чиқишдан олдин отасининг пойига бош уриб дуосини олади. Қани, келин, отангни пойига бош қўйиб, кўзингни сурт-чи. Собиржон, яқинроқ келинг.

(Орзугул отасига яқинлашиб юзини очади)

**ОРЗУГУЛ:** Дадажон! Меҳрибоним! Мен сизнинг пойингизга бир эмас, минг бор бош қўйишга, бир умр гарди пойингизни кўзимга суртишга тайёрман. Лекин бугун сиздан бир ўтинчим бор. Мен бугун энг аввало кимнинг пойига бош урмоқчилигимни билсангиз керак.

**СОБИР:** Биламан, қизим! Бугун тўй қилишимизга имкон яратиб берган, дил оғриқларимизни англаб, малҳам бағишлаган, озодлик йўлимизда нажот дарвозасини очиб берган мухтарам раҳбаримизга таъзим қилишинг, пойига бош қўйишинг, доимо унга содиқ бўлишинг керак! Сенга ваъда бераман, тўй базмига уни таклиф қиламан, ҳамманинг олдида ўз ниятингни амалга оширасан.

**МАҲАЛЛА АЁЛИ:** Ҳозир эса уйдан отанг дуосини олиб чиқасан.

**ОРЗУГУЛ:** Дадажон, мендан рози бўлинг! Менга бахт тиланг!

**СОБИР:** Омин, фарзандларимиз ҳеч қачон камлик кўрмасин! Ота-онаси билан, вафодор ёрлари билан бахтли бўлишин! Шулар жумласида, қизим, сен ҳам бахтли бўлгин! Қўшганинг билан қўша қаригин! Ўзларингдан кўпайиб, эвали-жевали бўлиб, мурод-мақсадларингга етиб юргин! Оллоҳу акбар!

**МАҲАЛЛА АЁЛИ:** Қани энди, бўлмаса, ҳамма тўйга, базмга! Қани ҳофизлар, бошланг!..

Ўланлар айтилиб, Севги ҳақидаги шўх бир қўшиқ янграйди.

#### ХОТИМА

Муқаддимадаги сахна. Собир ўридан турганини кўриб бошқалар ҳам туради.

**СОБИР:** Ҳаммангизга раҳмат! Кўнглим анча бўшади.

**ЗАФАРЖОН:** Хўш, энди китобни ёздирамизми?

**СОБИР:** Албатта ёздирамиз. Ёздирганда ҳам, ҳамманинг қалбига ёздирамиз. Токи Ватан нима, ҳақиқий ватанпарвар ким бўлишини унутмасинлар. «Ватан» қўшиғи янграб, сахна ёритиб юборилади. Улар таъзим билан чиқадилар.

#### ТАМОМ.

# КАТТАБОЕВ ШИШИ НАТНАТОН ШИШИ ҚОННИ ХУЖЖАТЛАРИ

Сарғайган қоғозлар... Латин, крилл, араб алифбосидаги ўзбекча, русча, арабча, форсча сўзлар... Уларда ўша маъшум йиллар излари, оху фарёдлари қотиб қолгандек... Улим жавоси отиб ўлдиришга ҳукм қилинсин... Уша даврларда энг кўп учраган аёвсиз сўзлар... Инсон тақдири сариқ чақага ҳам арзимаё қолган, руйхат буйича гуруҳ – гуруҳ қилиб отиб ташлашлар авж олган қатагон йиллари...

Бугунги авлод таъаввурига сизмас даҳшатли воқеалар, ҳукмлар, бир – бирига айқоқчилик қилиб эшитган гапни НКВДга етказишга шошилган миллатфуруш ва ватанфурушлардан махсус қабул қилинган хабарномалар, аризалар, агентура маълумотлари, меморандумлар...

Бир-бирига ҳурмат, ишонч, меҳроқибат йўқолган йиллар...

Фалончига фалон нарса дебсан, совет давлатига ишончсизлик билдирибсан, партия – совет ходимларини адолатсизликда айблаб ҳақорат қилибсан ва ҳақозо ва ҳақозо дебсан, дебсанлар...

Халқимиз сўзлашув лексиконига кириб ўрнашиб қолган "дебсан йиллари эди, отилиб кетувди, қамалиб қайтиб келмай йўқ бўлиб кетди бечора, кун кўрмади-я..." дея сўзининг якунида у

ёқ бу ёққа аланглаб "уф..." тортиб охиригача айтишга қўрқиб қолган йиллар. Бу йиллар бугунги кунда "катта террор" деб аталади ва 1937 – 1939 йиллар тушунилади.

Қандайдир совуқ, бир – бирига ухшаш даҳшатли сўзлар ёзилган, моғор босган, нам тортган архив ишларини варақлайман. Қоғоз йўқлигидан газеталарга, юк хатлари орқасига, йиртиб олинган китоб варақларига ёзилган расмий "Ҳужжатлар".

Махсус архивнинг шифтигача борган қаватма-қават тахта қаторларидан ҳужжатлар тўла папкаларни устидаги қалин чанглари қоқиб менга бирма – бир узатар экан, майор унвонидаги аёл, бу жойда шундай ҳужжатлар борлигини ўзим ҳам билмас эканман, дейди ва ўзини гўё оқламоқчидек шунча йилдан бери ишлайман, ҳали биронта инсон бу ҳужжатларни сўраган эмас, улар сизга нима учун керак ўзи деб сўрайди.

Ҳа, бу ҳужжатларни кўп йиллардан бери бирон киши очиб ҳам кўрмагани, ўрганмагани шундоқ ҳам кўриниб турибди.

Уларда чопонга ўралган, соч – соқоли ўсган юртдошларимизнинг олд ва ён томонларидан махсус қоидалар асосида олинган фотосуратлари, савод-

сизлиги учун бармоғини ранга босиб қўйган "имзолари", аризалари, отиш учун олиб чиқиб кетишаётганда НКВД ходимларига айнан шу одам берилаётгани ўрнига бошқа одам кетмаётганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва ҳақозо ва ҳаказо қоғозлар тикиб ташланган. Айрим ҳужжатлар рус тилида ёзилган ва уларда таржимоннинг исми, фамилияси келтирилган. Улар бу ҳужжатлар нима учун тузилаётгани ва уларни нариги дунёга аёвсиз жўнатиш учун тайёрланаётганини тушунганмикин? Ёки таржимоннинг гапига ишониб меҳнатдан қадоқ бўлган қўллари, бармоқларини шунчаки босиб беришганмикин? Афсуски бу саволларга жавоб топиш имкони йўқ ва ҳеч қачон тополмасак ҳам керак.

Келинг, улардан айримларини ўрганилик, бугун улар ўрганишга, тушунишга, мушоҳада қилишга бизни ундайди, энди улар ҳақида бугун баралла айтишимиз ўз фикримизни қўрқмасдан билдиришимиз мумкин.

Ўразов Қиличбек - 1875 йилда Дехқонобод райони, Шўргузар қишлоқ советига қарашли Канудар (географик жойлар қандай ёзилган бўлса шундайлигича берилмоқда. Табиийки бугунги кунда бу жойлар номи ўзгарган ёки ҳужжатлар рус тилида ёзилгани учун нотўғри талқин қилинган бўлиши мумкин. Таъкид муаллифники) қишлоғида туғилган, ўзбек, саводсиз, охири марта «Янги турмуш» колхозининг от фермасида ишлаган. Анкета маълумотида Хуррамова Айгул исмли хотини борлиги ҳам кўрсатилган.

Дехқонобод район НКВД бошлиғи давлат ҳавфсизлиги сержанти Федорцовнинг, Ўразовни ЎЗР Жиноят Кодексининг 57-моддаси 1-қисми ва 62-моддаси билан жавобгарликга тортиш ва қамоқга олиб, Қарши турмасида сақлаш тўғрисидаги 10.07.1938 йилдаги қарори билан танишамиз.

Қарор бор йўғи ярим варақ. Унда,

Ўразов Қиличбек илгари қўрбоши бўлганлиги, қўл остида 300 тагача босмачи бўлганлиги, 1924 йилда босмачилик қилгани учун 10 йилга қамалганлиги кўрсатилган. Шунингдек қарорда Ўразов 1928 йилда Афғонистонга қочиб ўтиб кетиб, 1931 йилда яна қайтиб келганлиги ҳам кўрсатилган. Аммо у яна қайтадан нима учун қамоққа олинапти, бу ҳақда ҳеч гап йўқ.

Шу қарорнинг орасига турма ходимларидан кимдир рус тилида, Бухоро вилоят НКВД бошқармаси ва прокурорининг муҳри бўлмаганлиги учун қабул қила олмаймиз деб қўлда ёзиб, имзо чекиб, «5/111.38» санасини қўйган. Ҳақиқатан ҳам, юқоридаги қарорда муҳрлар бўлсада, аммо улар аниқ тушмаган. Имзо қўйган прокурорнинг на исми фамилияси, на вазифаси ёзилган, унинг ўрнида ноаниқ ёзилган сўз ва имзо мавжуд. Айлана муҳрда «хўжалик мақсадларида...» деган сўзни англаш мумкин, холос. Демак муҳр топилмай қолган бўлса керак-ки, хўжалик мақсадларида ишлатиш учун мўлжалланган муҳр босиб юборилган. Бундай паллартиш ҳужжат билан маҳбусни турмага қабул қилишдан қўрқишган шекилли, турма ходимлари юқоридагидек қилиб ҳужжатни ҳам, маҳбусни ҳам қайтаришган.

Аммо шу кун кичкина «справка» деб ёзилган қоғозча устига кимдир рус тилида «турма, қабул қилинсин, маҳбус Узақовдан алоҳида сақлансин» деб виза қўйиб имзо чеккан ва 5-август санасини ёзган. Шундан сўнг маҳбус Ўразов Қиличбекни 6-августдан турмага қабул қилишга мажбур бўлишган. Ўразов Қиличбек 10-июлдан то турмага қабул қилингунча Дехқонобод НКВДсида сақланган бўлса керак. Демак унинг Узақов деган шериги ҳам бўлган ва улар бир-бирларини кўрмасликлар учун алоҳида сақлансин деб огоҳлантирувчи сўз Шундан сўнг ўЗР НКВД қошидаги

«Учлик» йигилишининг 1938 йил 27-сентябрдаги 30-сонли протоколдан кўчирма тикилган. Ярим варақдан ҳам оз бу ҳужжатда, Деҳқонобод НКВДнинг № 20245-сонли тергов иши бўйича, Ҳазратов 1921 йилдан 1925 йилгача босмачилар бошлиги бўлганлиги, совет давлатига қарши қуроли кураш олиб боргани, партия ва совет ходимларига нисбатан террористик актлар ташкиллаштиргани учун 10 йил озодликдан маҳрум қилинсин, дейилган.

Бу ҳужжатдан бирон нарсани тушуниш қийин. Агарда Ҳазратов 1924 йилда ҳам 10 йилга қамалган бўлса, унда 1925 йилда ҳам қандай қилиб советларга қарши курашган, бундан ташқари 1928 йилда қандай қилиб Афғонистонга ўтиб кетиб, яна қайтиб келган, мутлақо тушуниб бўлмайди.

Ҳужжатларга қараганда Ҳазратов Қиличбекнинг соғлиги ёмонлашган ва у Бухоро турмасига махсус қасалхонага стационар тартибда даволаниш учун жўнатилган. Уша жойда 67 ёшида 1939 йил 21-январда вафот этган. Унинг ўлими сабаби «Энтероколит, бронхит и старческая дряхлость» деб кўрсатилган. Маҳбус Бухоро шаҳридаги умумий қабристонга 3349-рақам билан 1939 йил 22-январь куни кўмилганлиги тўғрисида акт тузилиб, унга турма ходимларидан Лопатин, Акчурин ва М. Ражабовлар имзо қўйишган. Маълумки, ҳар бир шаҳар қабристонига турмада вафот этганларни кўмиш учун махсус жойлар ажратилган ва ҳар бир қабр устига кўмиш рақами ёзиб қўйилган.

Худди шундай яна бир маҳбуснинг 3102/2-сонли шахсий иши.

Бердиев Муҳаммад – 1882 йилда Шаҳрисабз район, Қизил Ўзбекистон қишлоқ совети, Синабоғ қишлоғида туғилган, ўзбек, СССР фуқароси, партиясиз, саводсиз, Будённий колхозни аъзоси.

Уни қамоққа олиш ҳақидаги Шаҳрисабз район НКВД катта оператив

вакили, давлат хавфсизлиги сержанти Матеровнинг 1941 йил 27-октябрдаги қарори билан танишамиз.

Унда Бердиев собиқ қулоқ эканлиги, Тангри Додхо босмачилар бандасида қатнашганлиги учун 1929 йилда 7 йилга қамалгани, жазони ўтаганлиги, ЎзР ЖКнинг 66-моддаси 11 – қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилганлиги кўрсатилган. Савол туғилди. Хўш, Бердиев босмачилар тўдасида қатнашганлиги учун қамалган ва жазони ўтаб келган бўлса, нима учун яна қайси ўнгитдан содир қилган жинояти учун қамоққа олинаяпти. Афсуски бу саволга жавоб йўқ.

Бухоро вилоят судининг 1942 йил 3-июлдаги ҳукми билан Бердиев Муҳаммади совет ҳукуматида қарши контрреволюцион бўхтон, иттифоқ сўзлар тарқатганлиги учун 10 йил озодликдан маҳрум қилинган ва бундан ташқари 5 йил сайлаш-сайланиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум қилинган. Бердиев билан биргаликда у билан бир қишлоқда яшаган, 1884 йилда туғилган Муратов Тошпўлат ҳам қамоққа олиниб судланган ва унга ҳам худди шундай айблов билан жазо берилган.

Бу орада маҳбус Бердиев Муҳаммадининг соғлиги ёмонлашган бўлса керак, у Тошкент шаҳри, Яланғоч қишлоғидаги НКВДнинг инвалидлар колониясига жўнатилган ва у жойга 1942 йил 5-ноябрда қабул қилинган. Шундан сўнг уша жойда 11-ноябрь куни вафот этган. Қасаллик тарихида, ҳаддан ташқари олиб кетганлиги, тана ҳарорати 38,8 эканлиги, алаҳсираб ўрнидан туриб кетиб, палата ичида юриши, лаблари кўкарганлиги, кўз қорачиқлари кенгайганлиги ва ҳақозлар қайд қилинган ва асосий ташҳис «порок сердца» деб қўйилган. Унинг жасади судмедэкспертизадан ўтказилганлиги тўғрисида хулоса йўқ, қаерга дафн қилинган, бу ҳақда ҳам маълумот йўқ.

Афсуски, бундай тоифадаги иш-

ларга кўплаб мисол келтириш мумкин.

Ўразов Қиличбек ва Бердиев Муҳаммадилар саводсиз бўлсаларда, аммо, уларнинг ота юрти ва тупроғига бостириб келган қизилларга қарши ўзлари тушунганларича қаршилик қилганлар. Уларнинг номидан «босмачи» деган тавқи лаънатни олиб ташлаш вақти етмадимикин? Албатта уларнинг жиноят иши Республика Олий судида кўриб чиқилганми, йўқми, бизга қоронгу. Биз уларнинг фақат шахсий ишини ўргандик холос, бунинг учун уларнинг жиноят ишини топиш, ўрганиш ва бир хулосага келиш лозим бўлади.

Нима бўлганда ҳам улар эмас, балки уларнинг тинчгина яшаётган эли у юртига қўлида қурол билан кириб келиб, ўзларининг тутуриқсиз, нотабиий, ноинсоний тартиб-интизоми ва тузу-мини зўрлик билан ҳаммаёни қон-қакшатиб, ўрнатмоқчи бўлганларни, бу халқнинг маданияти ва тарихини оёқ ости қилиб таҳқирлаганларни босмачи деса тўғрироқ бўлади. Негадир коммунистлар қўлида қурол билан ўзлари эски тузум вакиллари, деб ҳисоблаганларни бемалол отиб ташлаши мумкин, лекин уларнинг бу репрессив ҳаракатларига қарши қурол билан чиққанлар уларни отиши мумкин эмас. Қизикманتيқ, қизик сиёсат! Аниқроғи: адолатсиз тузумнинг адолатсиз сиёсати ва тартиб – қоидалари!

Юқоридагидек "катта террор"нинг бошланишига СССР Ички Ишлар комиссари "темир нарком" номини олган Николай Ежовнинг 1937 йил 30-июлдаги "Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа советларга қарши унсурларни қатағон қилиш операцияси тўғрисида"ги 00447- сонли мутлақо махфий оператив буйруғи асос бўлганлиги эндиликда ҳаммага маълум.

Ўзбекистонда бу операция 1937 йил 10- август кунини бошланган ва 1937 – 1939 йилларда жами 41 мингдан ошиқ киши қамалган, улардан 6920 киши

отиб ташланган. Қаранг, минглаб одамларнинг отиб ташланишига Ички Ишлар комиссарининг биргина махфий буйруғи бўлган, холос.

Ўша йиллардаги ишлар билан танишар экансиз, жазо машинасининг асосий нишони ислом дини вакиллари бўлганлигини кўриш мумкин.

Қарши шаҳар НКВДсининг опервакили, давлат хавфсизлиги сержанти Калимулиннинг (негадир биронта ҳам қарор ва тергов ҳужжатларида НКВД ходимларининг исми ва отасининг исмлари ёки уларнинг бош ҳарфлари келтирилмаган, кўрсатилмасин деган буйруқ бўлганми? Келажакда бундай мудҳиш жиноятларнинг фош бўлишини қийинлаштириш учун шундай қилиндимикин?) 1941 йил 4-октябрдаги қарори билан 1884 йилда туғилган, миллиати ўзбек, собиқ кулоқ, Якубов Валихон (уни Мадат ҳам дейишган) камоққа олинган. Қарорда, Якубов катта эшон эканлиги, диний амаллар билан шуғулланиши, араб тилида саводли эканлиги, илгарги судланмаганлиги, Қамаш туманида туғилганлиги, охириги пайтда Қарши тумани, Беглар қишлоғида яшаб келганлиги, ЎзР ЖКнинг 66-моддаси, 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилганлиги исботланганлиги кўрсатилган.

Бухоро област судининг жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси сайёр сессияси Ҳасанов раислигида 9-10-июл кунлари суд жараёни ўтказилган ва 1942 йил 10-июлдаги ҳукми билан, (ҳукмининг шу қисмини айнан кўчираминиз. Чунки ҳозирги кундаги ҳуқуқшунослар учун бундай айблов тушунарсиз бўлиши табиий) «Судланувчи Якубов Валихан /Мадат/ни Ўз.ЖК-нинг 66-11-Б-ст-га биноан Ўз.ЖК-нинг 58-ст-нинг санкцияси билан социал мудафаа чораси энг олий жазо-отиб ўлдиришга:» ҳукм қилинган.

Судланувчилар жами 3 киши бўлган, улардан бири Якубов Валихон-

нинг укаси Якубов Маҳмуд – 1899 йилда туғилган, Саибов Хусан- 1898 йилда туғилган, уларнинг ҳар бири 7 йилдан озодликдан маҳрум қилинган.

Якубов Маҳмуднинг туғилган жойи Қамаша райони Чим қишлоқ совети Қаҳат қишлоғи, у ва Саибов Хусанлар охири марта Қарши райони Кат қишлоқ советига қарашли Тахтапул қишлоғида яшаб келганликлари ҳукмда кўрсатилган.

Уларнинг ҳаммасига бир хил, яъни, колхоз тузуми ва совет ҳукуматида қарши аксиланкилобий сўзлар тарқатиб собиқ халқ душманларини мақтаб юрганликда айблар қўйилган.

Нима учун илгари судланмаган, бор йўғи амалдаги тузум тўғрисида ўз фикрини билдирган киши энг олий жазога ҳукм қилинган, ҳозирги авлод унинг мутлақо тушунарсиз бўлиши табиий. Аммо ўша йиллар учун бу оддий воқеа бўлган холос. Катта авлод вакиллари шунчалик кўрқиб қолишган ва бу кўркув уларнинг бутун вужуди оғига сингиб кетган-ки, ҳозирги кунларда ҳам улардан «қуй-е, сиёсатга аралашма...» деган сўзларни эшитиш мумкин. Мана бу кўркувга, бу сўзларга қачон асос солинган ва қачон, қаердан бошланган. Бу ўша маъшум ўтган асрнинг 20-40 йилларига бориб тақалади.

Асрлар бўйи одамлар ишқиб хурмат қилиб келаётган, қишлоқнинг энг баобрў одамлари бўлган эшон ва муллалар, фалон йили, фалон жойда, фалон нарса деган экансан деб ўлим жазосига ҳукм қилинаверганлар.

Бор-йўғи 22 дона ҳар хил катта-кичик варақлардан иборат кичик бу 2630/1-сонли шахсий ишдаги Зотов деган навбатчининг турма бошлиғи Захарченкога ёзган рапортига қараганда, олий жазога ҳукм қилинган маҳбус Якубов Валихон 1943 йил 15-март куни эрталаб соат 7 да вафот этган. Шундан сўнг Гребенникова деган врачнинг «умер от паралича сердечных мышц»

деган справкаси ишга тикиб қўйилган ва бу энг охириги ҳужжат.

Келинг шу тоифадаги ишларнинг яна бири билан танишайликда, кейин хулоса чиқарайлик.

Бухоро област НКВДси катта операвакили давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти Ахмеровнинг 1942 йил 25-июндаги қарори билан, 1870 йилда Деҳқонобод туман Обихшон қишлоғида туғилган, миллати тожик, саводсиз, партиясиз, кейинги пайтда Қарши тумани Худойзот қишлоқ советига қарашли Зоғза қишлоғида яшаб келган - Раҳимов Мулла Абрай қамоққа олинган.

Қарорда Раҳимов имом бўлганлиги, босмачилар ҳаракатининг фаол қатнашчиси эканлиги, ЎзР.ЖКнинг 66-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилганлиги кўрсатилган.

Айрим ҳужжатларда унинг ёши 88 да бўлиб инвалид эканлиги ҳам кўрсатилган. Маҳбуснинг имзоси деган жойга эса имзо қўя олмади деб ёзиб қўйилган. Лекин унғ бош бармоғи изи тушурилган. Тинтув пайтида ёнидан 87 рубл чиққанлиги кўрсатилган. Анкета маълумотларида хотини Дуланова Жангил 73 ёшда эканлиги, укаси Раҳимов Бекбой 63 ёшда эканлиги, ўғли Абраев Карим 25 ёшда бўлиб, армияда эканлиги ҳам қайд қилинган.

Турма бошлиғи Захарченко врачлар Ибрагимов ва Ущановскийлар 1942 йил ноябр ойида маҳбус Раҳимов Абрайда қатор касалликлар борлигини кўрсатиб, бу касалликлар 1-гурӯх ногиронлигига тўғри келиши кўрсатилган.

Бухоро вилоят жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси аъзоси Хўжаева Марҳабо раислигида ўтган суд, ўзининг 05.01.1943 йилдаги ҳукми билан Раҳимов Мулла Абрай ва у билан бирга судланаётган 1892 йилда туғилган Чунанков Саидларни ЎзР.ЖКнинг 66-моддаси 11-қисми билан айбдор деб топиб, уларнинг ҳар иккаласини ҳам

отишга, мол-мулкларини эса бутунлай давлат фойдасига мусодара қилишни кўрсатган.

Ҳукмда Раҳимов Мулла Абрай илгари суд терговда бўлмаган деб кўрсатилсада, совет давлатига қарши ўқ отиб келган босмачи ва синфий ёт кишилардан бўлиб, доимий равишда қолхозчи меҳнаткашлар ўртасида совет давлатига қарши аксилинқилобий сўзлар айтиб келган, унда ўзбек халқини совет давлатидан норози қилиш мақсади бўлган деган айблов қўйилган.

Уша давр тергов ва суд ҳужжатларида учрайдиган бир хилдаги сўзлар, бир хил қолипдаги айбловлар, бир хилдаги шафқатсиз ва мутлақо ўринсиз жазолар...

Ҳукмда улар бу сўзларни 1941 йил 5-декабр куни Бошқарбоқ қишлоқ совети олдида гапирганлиги кўрсатилган. Судланувчилар бундай сўзларни айтмаганликларини билдирган бўлсаларда, аммо уларнинг айби гувоҳларнинг кўргазмалари билан тасдиқланади деб суд топган ва энг олий жазота ҳукм қилган. Аммо маҳбус жазони ижро қилишгача етмаган. Кекса ёшда бўлган ўз халқининг диний амалларини баҳоли қудрат бажариб, уларнинг хизматида бўлган бу инсон 1943 йил 26-май куни соат 13-да, 5-сонли тергов ҳибсхонасининг ўлимга ҳукм қилинганлар сақланадиган 19-камерасида тўсатдан вафот этган. Бу ҳақдаги актда ўлимга юракнинг тўсатдан тўхташи деган ташхис қўйилган.

Ҳукмда Раҳимов Мулла Абрайнинг диний билими борлиги, диний оиладан эканлиги ҳам кўрсатилган. Ахир ҳар бир халқнинг ҳам асрлар бўйи амал қилиб келаётган ўз дини, ўз муқаддас китоби бор. Ахир қандай қилиб асрлар бўйи одамларни биродарликка, тинчлик ва хотиржамликка, илм олишга, ёмон йўлларга кирмаслик, ёлғон гапирмаслик, ҳалол меҳнат қилишга чорлаб

келаётган илм ва маърифат булоғи бўлган ислом динини бирданига кўмиб ташлаш, бўғиш, йўқотиш мумкин. Қандай қилиб 70-80 ёшли кишининг онгини бирданига ўзгартиш, шу кунгача амал қилиб келган урф-одатларидан бирданига воз кечтириш мумкин. Бу асло мумкин эмас, инсон табиатига зид. Аммо оддий мантиққа ҳам тўғри келмайдиган бу фикр билан коммунистлар ҳисоблашиб ўтирмаган.

Лекин совет давлати бунга фақат қўпол куч ишлатиш, ҳеч қандай умуминсоний қонун-қоидалар билан ҳисоблашмаслик, раҳм-шафқатсиз қамаш, отиш, ўлдирish билан эришамиз деб қаттиқ ишонган. Аммо, куч ва қўрқитиш, турма ва лагерлар билан ҳам бунинг уддасидан чиқа олмадилар. Бу тузум бор-хўси 70 йилдан ошиқроқ яшади холос ва бу давлат худди қоғоздан қилинган уйдек ўз-ўзидан қулаб тушди.

Чунки бу тузум на фақат унинг душманлари балки шу тузумда яшаган, шу тузумга содиқ хизмат қилиб келганларнинг ҳам жонига теккан эди. Чунки бу тузумга хос бўлган адолатсизлик энди ўзининг энг ишончли кадрларини, ҳатто энг кўзга қурунган, шу тузум учун жонини ҳам аямаган ва шу тузумни ўрнатish учун қўлда қурол билан жангга киришган машҳур ҳарбий саркардалар, партия ва совет ташкилотларининг раҳбарларини ҳам «халқ душмани, чет эл жосуси» деб ямлаб ўз Домига торта бошлади. Чунки совет тузumi ўз тузumi душманларини еб бўлиб, энди уларни бартараф қилгач, ўзининг одамларини ҳам ҳар хил тўхмат айбловлар билан қамоқхоналарга тиқа бошлади. Илгари «босмачи» «халқ душман»лари ўтирган бу қамоқхона камераларига энди уларни қамаганларнинг ўзи қамала бошлади. Юқорида келтирилган «темир нарком» Н.Ежов ҳам халқ душмани деб отиб ташланган.

Натижада бу тузум ич-ичидан чириди ва қулай пайт келиши билан осон-

гина нураб тушди. Бу тарихий воқеага шу юрт озодлиги учун курашган юқоридаги инсонларнинг авлодлари бўлган сиз-у биз гувоҳ бўлдик.

Бизнинг фикримизча бундай ишларнинг асли ҳозирги кунда Қарши шаҳридаги Одина жомъе масжиди ўрнида жойлашган «Ўзликни англаш Маркази»га қўйилса, уларнинг ксерео нусхалари эса ички ишлар бошқармаси архивида қолдирилса нур устига аъло нур бўлур эди. Ҳар бир варағида ўша қатагон йилларининг нафаси, сиёсати, зугуми акс этиб турган бу ҳужжатларнинг асли билан танишиш ташриф буюрганларда бошқача тасаввур қолдиради.

Афсуски бу тоифадаги жиноят ишлари ҳамон «махфий» деган гриф остида давлат хавфсизлиги органлари архивларида сақланмоқда. Бошқа давлатларда, жумладан, Россияда бундай ишларнинг барчаси оддий фуқаролик давлат архивларига топширилди ва улардан «махфий» деган гриф олиб ташланди. Уларда бирон-бир махфий маълумотнинг ўзи йўқ. Менимча бундай мудҳиш собиқ жазо тизими ва машинасини яратганлар ўзларининг бу қабих жиноятларини яшириш мақсадида, шунингдек, органлар обрўйига путур етказмаслик учун ҳам «махфий» деган тамғани атайлаб босиб қўйишган. Бугунги кунда совет тузуми ва у яратган ЧК, ОГПУ, ГПУ, НКВД, КГБ деган идораларнинг ўзи йўқ. Шундай экан улар томонидан халқимизга нисбатан содир этилган жиноятлар ҳақидаги ҳужжатларни яшириб ўтиришдан бирон-бир маъно ҳам йўқ.

Ахир миллатимиз тарихининг бу фожеали йиллари ҳақида маълумотлар сақланган, илмий томонидан ҳар тамонлама ўрганишга лойиқ ҳужжатлар нима сабабдан ҳозиргача махфий бўлиб қолмоқда. Бу ерда мен бирон-бир мантиқ кўрмайман. Ахир аёвсиз

йиллар бир-бирини қувиб, шиддат билан ўтиб бормоқда. Қоғозлар сарғаймоқда, ўқиш қийинлашмоқда, ўша давр хотиралари бўлган инсонлар ҳам бирин-кетин бу фоний дунёни тарк этмоқдалар.

Уларнинг кўпчилигида ҳали-ҳануз ўз ота-боболарининг қачон, қаерда отиб ташлангани ёки вафот этганлигини билиш орзуси ушалмасдан қолмоқда. Ахир ота ёки бобонинг ўша пайтдаги фотосурати ёки ундан тинтув даврида олинган нарсалари шу оила учун бебаҳо ёдгорлик ва шу авлод гурурланишга арзийдиган воқеа эмасми? Она замин, ота юрт, миллат ори ва гурури учун ўз жонини фидо айлаш бугунги авлод учун ёрқин ва исбот талаб қилмайдиган ҳақиқий қаҳрамонлик намунаси эмасми?

Нега бизда ҳамон лоқайдлик, хафсаласизлик, ўзибўларчилик ҳукм сурмоқда. Ахир бу ҳужжатларни ўрганиш учун ҳукуратимиз ва Президентимиз томонидан етарли қарорлар, фармойишлар, фармонлар қабул қилинган. Улар ўз йжросини кутмоқда.

Бошқа давлатларда аллақачон ҳар бир вилоят бўйича қатагон қурбонларининг рўйхати эълон қилиниб бир неча жилддан иборат китоблар минглаб нусхаларда чоп этилди, ҳатто айнан шу масалага бағишланган журналлар нашр қилинмоқда.

Ҳар бир вилоят бўйича ватан ҳимоячилари, миллат фидойилари отиб ташланган қатлгоҳлар аниқланиб ёдгорликлар ўрнатилди ва ўрнатилмоқда.

Афсуски биз бундай олижаноб ишлар билан мақтана олмаймиз.

Яна ўша "нега", "ким ҳалақит қилаяпти" деган саволлар пайдо бўлаверди. Бу саволлар оддий туюлсада, жавоб топиш ниҳоятда қийин. Эҳтимол сиз билан биз бу саволлар тўғрисида ўйлаб кўрармиз.

# ТИЛ МАДАНИЯТИ – БАРКАМОЛЛИК ТИМСОЛИ

Миллий маданиятни эгалламасдан шахснинг баркамоллик касб этиши мумкин эмаслиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Миллий маданиятнинг биринчи ва асосий шarti она тилини мукамал эгаллашдан иборат. Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» китобида таъкидланганидек, «Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир».

Республикаимиз мустақилликни қўлга киритгач, юртимизда яшаётган барча халқлар тилларининг тараққиётини таъминловчи ҳуқуқий асослар яратилди. Энг муҳими, мамлакатимизда яшаётган асосий халқ тили – ўзбек тили Давлат тили мақомини олди. Бу миллий тил Конституция, Байроқ, Герб ва Гимнлар каби давлат рамзига айланганини англатади. Жаҳоннинг юксак ареналарида Мадҳиямиз она тилимизда янграши бунинг ёрқин далили. Бу барчамиз учун ифтихордир. Тиллимизни ҳимоя қилиш ҳеч қачон ҳозиргидек давлат сиёсати даражасига қўтарилмаган.

Давлат тили ҳақидаги Қонун барча миллий кадриятларимизни нафақат ҳимоя қилади, балки уларнинг тараққиётига ҳам кафолатдир. Буни ҳар бир фуқаро яхши англаши, бундай имкониятни кадрлаши, ўзида масъулият ҳис этиши лозим. Ана шундай масъулиятли фуқаролар, ёшлар кўпчилиқни ташкил қилади. Улар она тилимиз имкониятларини қўнт билан ўрганиб, уни ўз амалиётларида татбиқ қилмоқдалар. Ўз фикрларини соф ўзбек тилида раван ифодалаётган ёшларимизни

кўрганда, нотикларимизнинг ана шундай маърузаларини тинглаганда, санъаткорларимизнинг чин маънодаги бадиий қиротларига амин бўлганда она халқига, унинг улуғ кадриятларига ҳурматини сақлаган юртдошларимиз кўплигидан мамнуният ҳис қиламиз, кўнглимизда алланечук илиқлик мавж уради. Лекин...

Лекин қадимий тошбитиклари билан ноқ XXI аср илм ва фан аҳлини лол қилиб келаётган, Навоий, Бобур, Машраб, Фурқат, Мунис, Огаҳийдек мутафаккирлар томонидан дунёга жозиб ижод намуналарини тақдим эта олган тилимизга бир қадар паст назор билан қараётган лоқайд кимсалар ҳамон борлиги ачинарлидир. Бизнинг авлод ва биздан катта ёшдагиларга она тилимиз ва у орқали миллатимиз нечоғли хўрлангани яхши маълум. Лекин ёшлар учун айтиш лозим: ўз шаҳримизда ўтаётган асосан маҳаллий халқ вакиллари билан иборат мажлисларда ҳам она тилимизда гапира олмас, истакларимизни баён эта олмас эдик. Рус тилида гапира олмайдиганлар учун мажлислар ва давлат идоралари эшиклари ёпиқ эди. Она тилида гапирган киши устидан кулинар эди. Бундай муҳитда миллий гурур бора-бора сўниб борарди.

Шўролар даврида ҳукумат ўз сиёсатидан келиб чиқиб, миллатдошларимиз эса асосан мансаб мақсадида болаларига рус тилини ўргатар эдилар. Эндиликда бу мақсад мутлақо ўзгарганини англаб етиш лозим: хорижий тилни билишдан мақсад фарзандларнинг Ватан ва халқ манфаатлари учун, уларнинг моддий ва маънавий тараққиёти учун хизматда фаолликни оширишдан иборат бўлиши керак.

Мустақиллик бизга миллий ўзликни англаш ва тиклаш имконини берди. Ўзликни англаган миллатда миллий гурур ҳам барқарорлашади. Она тилига тўғри му-

носабат шаклланмаган жойда миллий ўзлик тикланиши ёки миллий гурур қарор топиши мумкин эмас. Миллий ўзлиги тикланган, миллий гурури тўла шаклланган халқ енгилмас кучга эга бўлади. Бундай халқ Ватанини ҳам, ўз манфаатларини ҳам ҳар қандай ёт кучлардан ҳимоя қила олади. Глобаллашув жараёнида оммавий маданиятнинг зарарли таъсирларини ёшлар онгига сингишини олдини олишда ҳам она тилига муҳаббат уйғотиш орқали эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам дунёдаги кўпгина халқларда она тилининг моҳиятини ифодаловчи «Она тилим – она Ватаним» мазмунидаги мақоллар мавжуд. Улуғ Навоийнинг «Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз» иборасининг мазмуни ҳам ана шу моҳиятни ифодалайди.

Афсуслики, ана шундай «ихтиёрсиз» ва «эътиборсиз»лар атрофимизда бир қатламни ташкил қилади. Пойтахтимиз ва вилоятларимиз марказий шаҳарлари кўчаларида жуда кўп хусусий дўкон, корхона ва ташкилотлар номларининг хорижий тилларда аталиши, шундан келиб чиқибми, уларнинг пешлавҳалари ва рекламалари чет тилларида ёзилиши кишини таажжубга солади. Ахир, бу шаҳар ва унда яшаётган халқ билан бу номларнинг қандай алоқаси бор? Агар улар хорижий бирор фирманинг шохобчаси бўлса, уни тушуниш мумкин. Лекин янги очилган дўкон ёки ошхонага инглизча, немисча, французча, русча номлар қўйилишини нима билан изоҳлаш мумкин? «Версал», «Оригинал», «Эсмеральда», «Тропиканка», «Magic», «Атланта», «Millenium»...

Агар тадбиркор хорижга чиқишни ният қилиб инглизча ном танлаган бўлса, бу ҳам миллий гурурга хилоф ҳаракатдир. Хорижга чиқаётган одам жаҳоний тилни билиши жуда яхши. Лекин ўз халқи, миллий маънавий қиёфаси, тилидан кечиб хорижга чиқишда хайр йўқ. Президентимизнинг ўзбек шўхратини, жумладан тилини ҳам дунёга чиқариш учун қўллаётган тадбирлари нақадар ибратли. Ўзбек курашини тарғиб қилиш

баробарида ўзбекча сўзларнинг халқаро майдонларда янграши бунинг исботи эмасми? Хорижга чиқишни хаёлига ҳам келтирмаган баъзи ялтироқпарастлар сал пастга тушиб, ишни аввало она тилига ҳурмат билан қарашни ўрганиб бу орқали она халқимизга эҳтиромларини кўрсатишдан бошласалар, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ёшларимиз орасида нутқ маданияти пасайиб, уларнинг муомаласида маданий сўз қашшоқлиги кучайиб бораётганлиги ҳақида кўпчилик кўниб гапириб қолади. Назаримда, бунинг асосий сабабини умумий аҳволдан излаш керак. Ўзбек тилининг имкониятлари қанчалар кенглиги улуғ адибларимиз томонидан исботлаб берилганига қарамай, ижодкорларимизда зўрма-зўракилик билан шевага ружу қўйиш авж олаётир. Ҳозирги кўпгина телесериаллар таржимасида сўзларни тушуниб-тушунмай қўллаш ҳолатлари кўпайиб қолди. Масалан, эшигини қоқиб келган кишига уйда ўтирган кахрамон «Боряпман» дейиш ўрнига «Кетяпман!» деб жавоб беради. Бориш билан келиш ўртасида жуда катта маънавий фарқ бор. Бориш талаб қилувчига яқинлашишни, кетиш ундан узоқлашишни ифодалайди. Ана шундай кичик ҳодисалардаёқ тилга муносабат акс этади.

Умуман, оммага тақдим қилинаётган асарларда, ахборотларда фасоҳатли лутф ҳақида ўйланмаяпти. Бунда энг аввало биз, тил ва адабиёт фанлари ўқитувчилари жонбозлик кўрсатишимиз керак. Чунки ҳар қандай касб эгаси, жамиятнинг ҳар бир табақаси вакиллари то ўрта махсус таълимни тугатгунларича бизнинг тарбиямизда бўладилар. Уларга тилимизни Ватан, миллий гурур, ифтихор, қадрият сифатида сингдирмас эканмиз, авлодларни ҳақиқий маънода камол топтиришда қийналишимиз шубҳасиз. Хорижий тилларни мукамал ўрганиш баробарида миллат руҳи бўлган она тилимизга эҳтиромни кучайтириш маънавий-ахлоқий тарбияда энг самарали йўлдир.



# Беғубор тилагим Ватан!



## ВАТАН

Бошингда зар жиға олтинранг қуёш,  
Самога ниш урган тоғларинг бардош,  
Оллоҳ сенга берсин қудрат, бокий ёш,  
Беғубор тилагим Ватан!

Йигитсан, белинга Сир-Аму камар,  
Дўстлик кувватимдан топгайсан самар,  
Теппангда порлайди Хумо ҳам қамар,  
Сен доим керагим Ватан!

Тирикман, бағрингдан мен айро <sup>тўш</sup>тушмам,  
Онамсан, шонимсан, улуғ мартабам,  
Бир умр покиза сизинган Каъбам,  
Сенсиз, баргдай куврагум – Ватан!

Мозий қатларидан арчиб олганим,  
Ёвузлар қўлидан тортиб олганим,  
Сен, боболаримдан қолган гавҳарим,  
Ўзбекистон – юрагим Ватан!

## ҲАЁТ УММОНИ

Ёлғиз уйда, ёлғиз ҳамроҳим,  
Заркокилли-ёнар чирогим,  
Сўзлар булбул, тилимдан учган,  
Булбулимга қоғоз қўноғим.  
Қора кийган тунни қуваман,  
Юрагимга тонг кирар оқиб.  
Мисраларим осмонингизда,  
Ўтса дейман, бир чақмоқ чақиб!

## ДУНЁСИ БОР

Мен туғилган бу Ватаннинг икки шўх дарёси бор,  
Икки дарё ораси боғ, жаннати маъвоси бор.

Тарихин бир-бир ўқисанг, етти иклим лол қолур,  
Қанча дониш алломаси, машҳури Синоси бор.

Кўп машаққат сели ўтди, бошида ўйнаб қилич,  
Лек мардлиги қуёш қадар, Соҳибкирон бобоси бор.

Бошига бахт қуши қўнди мустақиллик шон эрур,  
Ўзбегимнинг ўзбеклиги шарафли туғроси бор.

Бебулут осмонида байроғи ял-ял ёнар,  
Мадҳиям сатрида пинҳон, “Шашмақом” навоси бор.

Тенглар ичра тенг бўлиб, кўп сирлашур дунё билан,  
Сўзлашурга ҳақ, ҳуқуқи-Қомуси, имлоси бор.

Амирқо- Англиёда илм олур ўғил-кизи,  
Унга йўл очган фидойи Юртбоши устози бор.

Юртни сиз айланг томошо, тоза дил, ният билан,  
Ўз бир тараф, минг бир тараф, беҳисоб шайдоси бор.

Қўлда сози, жўр овози, куйлагай хушхонлари  
Таърифин дoston ёзарга, хушкалом мирзоси бор.

Ҳоки гардин кўзга суртай, асрайин бегонадин,  
Дилда меҳри илдиз отган, севгининг аълоси бор.

Тикладим шоним, гурурим, давлатим умри бақо,  
Ўзбекистон, деб аталган Баҳромнинг дунёси бор.



## КУН ВА ТУН

Бири оқ гул, бири қора,  
Бирида бор минг чечак.  
Оқ гулидан нур ёғилар,  
Бирида ой беланчак.

Бири тақса кумуш балдоқ,  
Бири-чи, олтин узук.  
Иккови ҳам ерга боқиб,  
Турар кўзлари сузук.

Ҳаёт отли келинчакнинг,  
Тун қоп-қора сочидир.  
Кундуз эса нозаниннинг,  
Бошдаги гултожидир.

Ухлатмайди илҳом париси,  
Қўлларимга қалам тутқазар.  
Бошим узра кузатиб ўзи,  
Хаёлларни шу он тузғитар.

\*\*\*  
Қуёш ботиб, ой нур сочади,  
Тун қўйнида қоламан танҳо.  
Одамлар ҳам, қуш ҳам уйқуда,  
Олам узра йўқдайин маъно.

Ўранаман жойимга кириб,  
Кўзларимга қўнмайди хобим.  
Наҳот, умр ярми тун бўлиб –  
Ўтиб кетса, ошар хунобим.

Ёришмаса қоп-қора жаҳон,  
Қора рангдан ижиб ёнаман.  
Кела қолса, дейман, оппоқ тонг,  
Мен қуёшни тез соғинаман!

Ҳар бир шеърим юртнинг севгиси,  
Сатрларда ерга ишқ-вафо.  
Илҳом ройин қайтаролмайман,  
Ашъоримда мен тортган жафо!





Калом тавсифи

Тўра НАФАСОВ



“ФАРХОД ВА  
ШИРИН”ДА  
КАШҚАДАРЁ  
ХАЛҚ СЎЗЛАРИ

Буюк ижодкор Алишер Навоий ижодининг халқчилигини, халқ манфаатининг беқиёс мужассамини. Намоён этадиган маъна халқ нутқи, халқимизнинг нутқий хазинаси ва сўз бойлигидир. Халқ нутқи халқимизнинг узоқ асрлар давомид шаклланган, сайқалланган, сараланган, эҳтиёжбоп қиёфага келтирилган тафаккурининг моддий мажмуидир.

Сўнги 40-45 йил ичида Қашқадарё музофотининг турли ҳудудларидан тўплаганимиз сўз ва иборалар мажмуининг маълум қисми шоир асарларида инъикос топганлигини кўриб, Мир Алишер Навоийнинг халқ нутқини, халқнинг тафаккур тарзини нақадар чуқур билганига амин бўламиз. Шоир халқ тафаккуридаги ҳар бир сўзга, иборага катта эътибор, ҳурмат билан қараган. Бадиият, бадиий тафаккур, тимсолларнинг бадиёна тасвири, ифодаси сўз жилоси, маъновий но-зикликда бўй-бастини кўрсатган. Тилнинг, халқ нутқининг қудрати, салоҳияти шоирнинг ҳар бир асарида мужассам. Жумладан, “Фарҳод ва Ширин” дostonи халқ ҳаётининг лисоний, бадиий, фалсафий, руҳий кўзгуси сифатида нутқнинг назмий шакли билан гўзал ва сайқалли.

Алишер Навоий ўз асарларида сўз ва ибораларнинг халқ нутқида қўлланиш-қўлланмаслигига алоҳида меҳр билан ёндашган. Унинг она тилига бўлган садоқати, сидқи, меҳри беқиёс юксак бўлган. Ўша давр аҳолиси нутқида, адабий-бадиий муҳитда, ижодий тафаккурда бўлган турк-ўзбекча сўзларни шеърларида юксак маҳорат билан ишлатган. Фақат она тили сўзларининг ўзидан гўзал мисралар, бандлар битган.

**Чу мен тупроғ ердин кўкка еттим,  
Ер ўптум, доғи ўз хужрамга кеттим.  
Эшик ёпмоққа чун сундум иликни,  
Ёпилғоч, ул ҳақ очти юз эшикни**

Ушбу мисраларда 23 та сўз қўлланган. Барчаси, деярли, туркий. Фақат чун, чу сўзлари – форсча. **Ҳақ, хужра** калималари – арабча. Бу икки сўз халқ нутқида ўзга тилга мансублиги билинмай, англабмай ўз она тили сўзларидек бўлиб кетган. **Чун, чу** сўзлари эса бир сўзнинг икки хил қўлланиш шакли бўлган. Маъно-

си – каби, ўхшаш; чунки, модомики, вақтики, қачонки; чунончи. Ҳозирги замон ўқувчиси мисралардаги **сундум** (узаттим), **илик** (қўл), **доғи** (тағин, яна) сўзларининг маъносини тезда илғаб ола олиш иқтидорига эга. Чунки бу сўзлар салгина товуш ўзгариши билан ҳозирги давр адабиётимизда ҳам истифода қилинади.

Қарлуқ лаҳжасининг қадимий лексик, грамматик фазилатларини ўзида тўла сақлаб келаётган нутқ намуналаридан бири Қарши шаҳри ва унга ёндош ҳудудлар аҳолиси шевасидир. Достон лексикасини Қарши шаҳар аҳолиси нутқи билан қиёслаганда шаҳар ва унинг теграсидаги қишлоғу шаҳарчалар аҳолиси нутқида уйғун, мос лисоний лексик ҳолатлар анча-мунча таркибни ташкил қилиши ҳозирги замон ўқувчиларини қувонтиради. Қарши шаҳар шевасигагина хос бўлган, бошқа шеваларда учрамайдиган сўзларнинг қарийб олти аср муқаддам ёзма адабий тилда қўлланиши лисоний, маданий, маънавий амалиёт ва ҳаёт учун катта қувонч ва фахрга арзирли далилдир.

Исбот учун айрим намуналар:

**1. Худ, бехуд, худ-бехуд, бехудлик, бехудларча, бехудона** сўзлари. Қарши шаҳар аҳолиси нутқида кишиларнинг руҳий ҳолатини англатадиган лисоний бирликлардир. Аҳолининг барча қатламлари ва табақалари нутқида бу сўзлар мавжуд. Шахснинг ҳаёли, ташқи таъсирга фикрий ва ҳаёлий муносабати, ташқи таъсирнинг салбий (**бехуд**) таъсири ҳақида-фикр юритилганда ва шу каби ҳолат юз берганда ушбу лисоний бирликлар қўлланади. Ана шу руҳий ҳолат шоир асарларида **худ-бехуд** (145, 213, 452 – қавс ичида берилган рақамлар достон саҳифаларини кўрсатади), **худ-бехудлук** (182, 244) **худ-бехудона** (126, 244, 245) **худ-бехудлиғ** (322) сўзлари воситаида берилган.

Манга бу ерга тушгандин хабар йўқ,

Бу **худ** ўтти агар бордур, агар йўқ, (213)

Менинг **худ** қатъ ўлуб эрди ҳаётим,

Йўқ эрди мутлақ уммиди нажотим. (213)

Қаю мавзудаким, ул моҳпора,

Мунунг шакли қилиб **бехуд** наззора. (256)

Кетур, соқий, шароби **бехудона**,

Ки, **бехудлук** била бўлдум ҳасона. (245)

Мисралар таркибидаги **худ-бехуд** сўзларининг маъносида зидланиш, қаршилантириш ҳолати мужассам. **Худ** – ўй-ҳаёли ўзида бўлиш, *паришон эмаслик, хушли, ҳуши жойида, хотиржам бўлиш, ўзини йўқотмаганлик.* **Бехуд** – хушсиз, ўзини йўқотган, ҳардамхаёл, ҳаёлини йиғиб ололмаклик. **Бехудлик, бехудлиғ** – хушсизлик, ҳардамхаёллик, девоналик, девонавор сифатли бўлишлик. **Бехудона** – хушсизларча, девоналарча, телбаларча. **Худ, бехуд, бехудларча, бехудлик** сўзларининг қўлланиши, фаол далил эканлигини қаршилик ёзувчи С.Нуров асарлари ҳам исботлайди. С.Нуровнинг “Қарвон” ҳикоясида **худ-бехуд** жуфт сўзи кўп қўлланган. “Хотинларнинг кўнглига ҳеч тушуниб бўлмайдими... гоҳ **худ, гоҳ бехуд**”. **Худ, бехуд** сўзлари ёнма-ён ёки жуфт сўз мақомида қўлланганда янги маъноларни ҳам англатади, бу тарз қўлланишда ҳам қиёс қиёсда ижобий ва салбий ҳолатни, бир-бирига тескари бўлган руҳиятни англатиш маъноси ва вазифаси юқланган.

**2. Ешти** сўзи. Маълумки, сўзлар кичик ҳудудлардагина эмас, ҳатто катта ҳудудларда ҳам товуш қиёфаси, айтилиш шакли билан ҳам фарқланади. Тил та-лаффузининг бу қонунияти барча даврлар оғзаки нутқида дахлдир. Бу ҳолат ёзма

нутққа ҳам тегишли. «Фарҳод ва Ширин» достонида маълум бир унли ё ундош товуши билан фарқли тарзда қўлланган сўзлар йўқ эмас.

Ҳам охир **ешти** ул тоғ узра маҳмил,

Ки тутмиш эрди Фарҳод анда манзил. (397)

**Ешти** – ечди феълнинг товуш шакли. Қашқадарё вилоятининг барча шаҳар ва қишлоқ шеваларида *боғланган мавжудотни (асосан жониворларни) бўшатмоқ, арқон ё ипдан холи қилмоқ* маъносида **ечмоқ, ешмоқ, эшмоқ** сўзлари қўлланади. Барчаси бир сўзнинг товуш кўринишлари.

**3. Беҳбуд** сўзи. Форс-тожик тилларидан ўзлашган бу сўз Қарши шаҳри ва унга ёндош қишлоғу шаҳарчалар аҳолиси учун таниш, нутқий қўлланишда ёқимли калима саналади. **Беҳбуд, беҳбудчилик, беҳбудлик** каби сўзлар сўзловчининг иқтисодий, маданий, маънавий, руҳий, оилавий, ижтимоий ҳаётидаги, жамиятдаги яхшилик ва янгилик сари ўзгаришлардан мамнунлиги ифодаси маъносига эга. Беҳбуд сўзининг этимони – **беҳ** (яхши, ажойиб, хўб), **буд** (бўлди) сўзлари. Бу маъно – **беҳбуд** сўзининг ибтидоий, илк даврига хос. Даврлар оша, муҳит ва шароитга кўра, ижтимоий ва маънавий талабу эҳтиёжларга биноан сўзларнинг маъноси ўзгариб, бойиб, ортиб, янгиланиб боради. **Беҳбуд** сўзининг Қашқадарё аҳолиси нутқидаги маънолари – *яшаш шароитининг, моддий таъминотнинг, ижтимоий муҳитнинг кўзда тутилган ёки меъёрдаги даражадан яхшилиги, устунлиги; яхшилик, фаровонлик.*

Киши ҳар муддаоким кўрар суд,

Яқин эрмас ани топмоғда **беҳбуд** (63)

Ки, оламда барча судунг ўлғай,

Яна оламда ҳам **беҳбудунг** ўлғай (467)

Қайд этилган бандларда Қарши шаҳри аҳолиси нутқидаги маънолар мужассам. Бундан ташқарй, фойда, наф сўзлари маъносига хос бўлган маъно ҳам зуҳурланган. Барча ўринларда **суд** (фойда, баҳра, наф) сўзи билан биргаликда, ёнма-ён қўлланган. **Суд беҳбуд** сўзлари – маънодош, бир умумий маънога эга. Шу боис шоир иккаласини бир-биридан узоқлаштирмаган.

**4. Ўр** сўзи. Йўли **ўр**, юққоридур тоши малсо,

Қуйироқдир киши бир гомин олсо (164)

Арабча **малсо** сўзининг ўзбекча муқобили – *текис, силлиқ. Тоши малсо* – форсий изофа. Бирикманинг маъноси – *силлиқ тош, усти текис тош*. Форсий **гом** – *қадам, одим*. Бандда **юқори** – **қуйи** сўзлари орқали зидланиш, қаршилантириш бадиияти берилган. **Тош** ва **киши**, **йўл** ва **қадам**, **ўр** ва **қуйи** сўзлари билан зидлаш, қарама-қарши қўйиш мазмуни берилган. Жуғрофий атама бўлмиш **ўр** атамаси ва ундан ҳосила бўлган кўчма маънода қўлланганлигини англаш қийин эмас. **Ўр** сўзи **ўрдак, кўл, кўз** сўзларидаги сингари талаффуз қилинадиган сўз. **Ўр** сўзи жуғрофий атама сифатида тоғли ҳудудлар (Чироқчи, Шаҳрисабз, Китоб, Яқкабоғ, Қамаша, Дехқонобод, Фузур туманлари ва уларга ҳудуддош Бойсун, Шеробод, Олтинсой туманлари) аҳолиси нутқида *қуйидан юқори томон чўзилган баландликдан иборат майдон* маъносида. Қуйидан юқори томон ҳаракатланмоқ – **ўрламоқ**. **Ўр** сўзидан **ўра** сўзи ясалган: **ўра** – *қуйидан юқори томон чўзилган сойлик, водий*. **Ўриш** – *юқори томон юриш; юқори томон чўзилган адирлик*. **Ўрмак** – *тўқиш дастгоҳи*. **Соч ўрмак** – *юқоридан қуйи томон сочни ўрам ҳолига келтирмоқ*. **Ўрим (соч ўрими)** – *юқоридан пастга томон ўрилган*

толалар тўплами. Кўчма маънода: **ўр** – ўжарлик, қайсарлик феъл-атвориға эга (одам). **Ўрлик** – ўжарлик, қайсарлик. Буюк шоир наздида **йўли ўр** – йўли қуйдан юқори (тоғ чўққиси) томон кўтарилган, баландлик. Достонда **ўр** сўздан ясалган ясама сўзлар учрамайди, бошқа банду мисраларда такрорланмаган. Шакл ясовчи қўшимчалар ҳам қўшилиб, матнда турли маъно ва вазифада қўлланмаган.

**5. Озғурмоқ, ёзғурмоқ сўзлари.**

Бу раънони анингдек айламиш сайд,  
Ки, дев этгай кишини **озғуриб** қайд. (394)  
Бу ишда кимга тиғи таън уройин,  
Ўзумни, йўқса кимни **ёзғуройин**. (386)

Бу икки феъл сўз, атиги, бир мартадангина қўлланган. Бу сўзлар достоннинг бирон банди ё бобида такрор қўлланмаган. Ҳар иккаласи ҳам одамнинг ақлий, фикрий фазилати билан боғлиқ ҳаракатни билдиради. **Озғурмоқ** – йўлдан чиқармоқ, адаштирмоқ, ташқи кучли таъсир (қўрқинч, ваҳима...) туфайли ҳаракат ё фикрий йўналишини ўзгартирмоқ. **Ёзғурмоқ** – юзма-юз эмас, кишининг орқасидан сўзлаб, уни айбламоқ, бирон масъалада гуноҳқор деб ҳисобламоқ, ўзга шахс ҳақида ноҳўя гап-сўз қилмоқ, гина қилмоқ, ўпкаланмоқ.

Қашқадарё вилоятининг йирик шаҳарлари ва кўпчилик қишлоқлари аҳолисиға бу сўзлар таниш. Нутқида бемалол ишлатаверади. Фақат нофаол мақомға эга. Бу сўзлар асосан аёллар, ёши улуғ эр кишилар нутқиға хос. Достон матнида асар тимсоллари нутқида эмас, шоирнинг монологик нутқида қўлланган. Нима бўлганда ҳам, бу сўзлар халқ сўзлари бўлган. Бўлмаса, достон матнида такрор қўлланган бўларди.

**6. Кўнғирмоқ/кўнгармоқ/кўнқармоқ/кўнқормоқ сўзи.** ...риё қасри бунёдин **кўнқарғон**, балоғат айвонида от чиқарғон..(260)

Таҳаммулсиз бўлуб уй сори боруб,  
Эшик очилмоғондин сўнг **кўнқориб**. (447)  
Бало тоғини мужгон бирла ёрмоқ,  
Ёриб тирноқ ила ердин **кўнгармоқ**. (274)  
Туқуб Фарҳоднинг ул ҳолиға ёш,  
**Кўнқорди** ул қаёдин бир ойир-тош. (320)

**Кўпормоқ, ағдармоқ, кўзғатмоқ, кўчирмоқ** маъносигади бу феълнинг асос қисми ва унга қўшилган қўшимча ораллиғида **нг/нғ/нқ** товуш бирикмаси мавжуд. Ушбу товуш бирикмаси феълнинг туркий-ўзбекча қадимий сўзлигини, товушға тақлид сўздан ҳосил бўлганини, шакл ясовчи қўшимча **г/к/к/ғ** ундошлари билан бошланишини, бу ундошлардан сўнги унли товуш **а/о** шаклида бўлишини билдиради. Бу сўз турли товуш қиёфасида достонда бир неча марта такрорланган. Алишер Навоийнинг "Фавойид-ул - кибор", "Наводируш шабоб" каби девонларида ҳам бу феъл қўлланган. Фазал матнларида бу сўзнинг учраши давр адабий тилида бирмунча фаол калималигини кўрсатади. Бу феълға хос бир маъновий фазилат борки, шоир ана шу психологик, маъновий хиссиётни тушуниб, атайлаб шу сўзни қўллашға эҳтиёж сезган. Шу феъл англатган ҳаракатни бажарувчи шахснинг жисмоний қудратини кўрсатиш, кучли эканлигини, зўр ва баҳодирлигини таъкидлаш шоирнинг мақсади бўлган. Шу мақсад йўлида зикрланган феъл шоир илҳомига мадад бўлган.

**7. Сўхон сўзи.** Яккабоғ туманининг Эсат ва унинг атрофидаги қишлоқлар аҳолиси нутқида эговни **сўхан** сўзи билан аташади. Вилоятнинг бошқа ҳудуд-

ларида бу сўз учрамайди. Атайлаб сўралганда ҳам мулоқотдошлар бу сўзни билмасликларини, нутқида қўлламасликларини эътироф этишади.

Бу **суҳон** бирла қилсам тешасин тез. (47). Мисрадаги **суҳон** сўзининг маъноси – **эгов**. Мисранинг мазмуни – қўлидаги эгов билан тешани ўткир қилиш, чархлаш, тигли жойини кесадиған қилиш истаги. **Суҳон** сўзи “Навоий асарлари луғати” даги изоҳга кўра ёғоч, чўп кесадиған аррани ҳам билдирган. **Суҳон**, **арра** сўзлари форс-тожик тилдан ўзлашган. **Арра** сўзи шу нарсанинг номи сифатида тилда муқимлашган. **Суҳон** сўзи эса умумтил саҳҳида ўз истеъмолини йўқотган, ўрнини **эгов** сўзига бўшатиб берган. Тилимиз ўтмишида бўлганлигини, халқ нутқида қўлланганлигини шеваларимиз, ҳудуд аҳолиси нутқи исботлайди.

**8. Путрамоқ** сўзи. Қашқадарё шеваларида **питрамоқ**/**путрамоқ** сўзининг қўлланиши кам учрайдиган ҳодиса. **Арриқ кўйга питроқ ўч** мақоли бор. Мақол таркибидаги **питроқ** сўзи икки таркибли: **питра** сўз ўзаги, ясалишга асос бўлган манба. Сўз охиридаги **-қ** қўшимчаси ҳаракат ё ҳолат натижаси маъносидаги сўз ясаган. **Питра+қ>питроқ** – барча жойида учли тиканаклари бўлган ва шу тиканлар билан қўй жуни орасига кириб қоладиган тиканли дона. Бундан ташқари, **питрамоқ** (бир хил турдаги нарсаларнинг бир жойда тарқалиб туриши) сўзида ҳам **тарқалмоқ**, **кўп бўлмоқ** маъноси мавжуд. Бола, қўй, қўзи, улоқ каби жонли мавжудотларнинг бир жойда кўп бўлиши **питраб**, **питраған**, **питроқ** каби сўзлар билан берилади. Баҳор ё ёзда кичик майдонда зич бўлиб кўқарган ниҳолларга нисбатан ҳам **питраған**, **питраб** **чиққан** сўзи ишлатилади. Хоразмда қўйтиканни **питироқ** дейишади. “Фарҳод ва Ширин” достонида **путратмоқ** феъли қўлланган.

Насим ул мушк исин **путратди** ҳарён,  
Ҳаво раъноларига сотти ҳазён (20)

Матндаги **путратмоқ** сўзининг маъноси – **таратмоқ**, **тарқатмоқ**, **ҳар ёнга сочмоқ**. Мисранинг мазмуни – майин шабада мушкнинг ҳидини/исини ҳар томонга таратди, тарқатди.



**9. Руда сўзи.** Ҳозирги адабий тилимизнинг лексикаси мажмуидаги сўзлар гуруҳида маъноси ва қўлланиши жиҳатдан фарқли жиҳатларга эга бўлган сўзлардан бири **руда** калимасидир. **Руда** калимаси форс, тожик тилларида жонли мавжудотларнинг аъзоларидан бири бўлмиш ичакни билдиради. Ўзбек адабий тилида **руда** сўзи қўлланмайди. Аммо Қарши шаҳри ва унга ёндош ҳудудларда сўйилган жониворларнинг ичагини **руда/рўда** дейишади. Халқ нутқида хос сўз деб баҳолаш мумкин. Маъносига нисбатан ҳам шу мулоҳазани дахлдор десак бўлади.

Тешиб беҳад тани осудасини,

Кабоб эткан киби қўй **рўдасини**. (147)

Маснавийдаги **қўй рўдаси** – *қўй ичаги, қўй ичак-чавоғи*.

**10. Кўпмоқ** феъли. Достонда бу феъл турли нутқий, грамматик шаклларда қўлланган: **кўпуб** (132, 162...), **кўпти** (264), **кўпорга** (403), **кўп** (132)

Равони деди Мулқороғаким: **кўп!** (132)

**Кўпуб**, дастур ўлуб мақсуди ҳосил. (132)

Ер ўптилар, **кўпуб** ул хайли доно. (136)

Тилаб ҳиммат, дуо бирла **кўпуб** тез. (162)

Фигон тортиб, **кўпорга** майл қилди. (403)

Равон **кўптию** қилди, азми хилват. (366)

**Кўпмоқ** феъли ҳозирги ўзбек адабий тилида эскирган сўз ҳисобланади. Маънолари – *ўтирган ёки ётган жойидан турмоқ, тикка турмоқ, кўтарилмоқ; юзага келмоқ, содир бўлмоқ, рўй бермоқ, кўзғалмоқ*. XV асрдаги маънолар билан ҳозирги маънолар ўртасида яқинлик, мослик бор. **Кўпмоқ** сўзининг достон матнидаги маънолари шахснинг ҳаракатига доирдиги билан фарқланади. Шахснинг **кўпмоқ** ҳаракати ўз-ўзидан эмас, бошқа воқелик таъсирида, ташқи воқелик оқибатида юз берганлиги маъноси англамли, устун. Шахснинг ўтирган, ётган, турган жойидан тик туриши, кўзғалиши, ҳаракатга тушиши маълум бир ташқи кучланиш, таъсир билан амалга ошганлиги учун ҳам шоир шу феълни танлаган. **Кўпмоқ** феъли бир неча нутқий-шаклларда Қашқадарёнинг кипчоқ лаҳжасига мансуб шеваларда ҳозир мулоқот амалиётига эга.

**11. Достонда** турли хил товуш кўринишларида намоён бўлган сўзлардан яна бири – кишилик олмошларидир: **мен/ман, оёй/сан, ул**. Эғалик, келишик ва бошқа тур қўшимчалар қўшилиб, бу олмошлар хилма-хил қиёфаларга кириб, феъл, от, сифат, равиш ва бошқа туркум сўзлар билан бириккан. Гап, жумла, мисра, банд бағрида турли хил маъно ва вазифаларнинг уддасидан чиққан. Шоир бу сўзларни кўп шаклга киритиб, турфа хил сўзлар билан бириктирган: сўзловчи (**мен/ман**) ва тингловчи (**сен/сан**) мақомидаги шахсларни улуғлаган.

Шоир **мен – сен, ман – сан** олмошларига туб сўз шаклида, баъзан эса турли қўшимчали қиёфада бадий вазифа юклаган, қофия бўлиш масъулияти юклаган. Бир банднинг ҳар мисраси беш сўздан таркиб топган. Шуларнинг тўрттаси қофия вазифасида.

Неча етқай **санга мендин маломат**,

Неча келгай **манга ондин хижолат**. (292).

«Фарҳод ва Ширин» достонида халқ ҳаёти, турмуши, иши, касб-кори, ҳунари ва ҳунармандчилиги каби воқеликлар тасвири гўзал бадий лавҳаларда берилган. Меҳнат жараёни тасвири соҳага оид махсус сўз ва бирикмаларда акс этган. Бу борада достоннинг турли саҳифаларида қайд этилган тил ва нутқ бирликларининг мажмуи шоир миллий маданиятимизнинг кўплаб соҳалари ва йўна-

лишларини, уларнинг тилдаги ифода бирликларини нақадар мукамал билганлигини кўрсатади. Достонда меъморлик, наққошлик, қаламзанлик (наққошлик), заркорлик (тилла суви югуртиб зарҳаллаш), дурадгорлик, хиштпазлик, бинокорлик, темирчилик, тивувчилик, тўқимачилик, созандалик, муғаннийлик каби бир неча ҳунар турлари билан боғлиқ сўзлар, атамалар мавжудки, уларнинг барчасини мукамал лисоний, касбий жиҳатдан таҳлил қилиш ўша давр касб-ҳунар санъатининг тараққиёти ва ҳолатини аниқлашга имкон беради.

Фарҳод, Ширин, Миҳинбону ва халқнинг табиат қўйнидаги, тоғ бағридаги, даштдаги меҳнатини тасвирлаш жараёнида шоир халқ нутқига хос бўлган сўз, ибора ва бирикмаларни бадий мақсадларда қўллаган.

Ҳамул жадвал била паргорин асраб,

**Ража торин** чекиб ҳинжорин асраб. (253)

**Ража** сўзи ва **ража тори** бирикмаси дурадгорлар нутқига хос. Аслида **ража** – форс-тожикча **режа** сўзининг товуш ўзгарган шакли. **Тор** сўзи – ип дегани. Дурадгорлар, уйсозлар, хусусан, синчкор усталар узун ингичка, узилмас ипни ўлчов ашёси сифатида ишлатишади. Китоб, Шаҳрисабз усталари нутқида бу сўз ҳозир ҳам мавжуд. **Ража, ража ип** тарзида қўлланади.

Беназир бадий тафаккур соҳиби-Алишер Навоий тилдаги кичик бирликлар – сўз ясовчи ва шакл ясовчи қўшимчаларни ёлғиз, якка тарзда ёки уларни ёнма-ён, бирин-кетин қўллашда тилнинг буюк салоҳиятини катта, кичик матнларда, яъни бобу бандларда, мисраларда моҳирона намоён қила олган. Тилнинг салоҳияти, имконияти шундаки, сўз бажарган вазифани қўшимча, қўшимча бажарган вазифани сўз ҳам бажараверади: **мунунгдек – бу янглиғ** (262), **гардундек, мажнундек** (266) – **гардун киби/гардун сингари, мажнун янглиғ, мажнун монанд, анингдек – анинг каби/анинг сингари, ботарда – ботиш пайтида/ботиш дамиди/ботиш онида**.

«Фарҳод ва Ширин» достонида **кўрарга** (84), **ўларда** (349), **чекарга** (383), **топарда** (352), **тортордин** (381), **чайнарда** (380), **ўлармен** (351), **ичарда** (68), **урарда** (84), **чекарда** (256), **борурда** (405), **кўпорга** (403), **қилурга** (465)... каби сўзшаклларни мисраларда кўп учратиш мумкин. Эски ўзбек тилида, жумладан, А.Навоий асарларида **окар сув, борур ер, кўрар кўз** каби бирикмаларда феъл асоси+-ар сифатдош қўшимчаси қолипида қўлланиш меъёрий ҳолат. Бу меъёр ҳозир ҳам тилимиз, нутқимиз амалиётида, жумладан, Қашқадарё шеваларида бор лисоний ҳодиса. Феъл асоси+-ар қўшимчаси+шахс-сон қўшимчаси (**борурмен, кўрурсен**) қолипидаги сўзшакли ҳосил бўлиши А.Навоий асарларида хос қўлланишидир. Бу лисоний-нутқий воқелик ҳозирги тилимиздаги борарман, кўрарсан шаклидаги ҳукм ифодаловчи феълларнинг ўтмишидир. Шоир Алишер Навоий асарларидаги феъл асоси+-ар қўшимчаси +келишиқ қўшимчаси ўлчамидаги сўзшакллар алоҳида таъкидга ва ўрганишга эҳтиёжманд нутқий воқелиқдир.

**Кўрардин** бу улум ўлғач калоли,

Муборак таъбинга етса малоли. (464)

Битиб эрдингки сен гар нотавонсен,

Ва лекин **ғам чекарга** паҳлавонсен. (383)

Достонда феъл асоси+-ар қўшимчаси+келишиқ қўшимчаси (**-ни, -нинг/-нунг, -га/-ка/-қа/-ға, -дин/-дун/-тин/-тун, -да/-та...**) ўлчамидаги сўзшаклларнинг матндаги бадий, адабий, маъновий олами, фазилати алоҳида мавзу, оламжаҳон мазмунни ўзида мужассамлаганини ҳар бир маснавий мисолида англаш қийин

эмас. Шу шаклнинг қўлланиш сабабини тушуниш ва тушунтиришнинг ўзи муҳим: ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Келтирилган маснавийлардаги **кўрардин, ғам чекарга** сўзшакллар ҳозирги тилимизда **кўришдан, ғам чекишга** тарзида қўлланиши нутқий меъёр саналади: -ар қўшимчаси -ш/-иш, -моқ, -в/-ув қўшимчалари ўрнида қўлланган, -ар қўшимчасининг XIV-XV асрдаги янги вазифаси, маъноси зухурланган бўлади. Бу воқелик ҳам улуғ шоирга хос лисоний, фалсафий, мантиқий идрокнинг тажассумидир. Ҳам тилимиздаги нозик адо ва салоҳиятнинг, кўпчилик англаб, илғаб улгурмаган имкониятнинг буюк ижодкор томонидан инкишоф этиб нутқий таомилга, бадиий нутққа киритган янгилigidир. Даҳо шоирнинг **кўрардин, ғам чекарга** тарзидаги нутқий қўллашлари замирида зухурланган яна бир лисоний, маънавий моддийликни ҳам таъкидлаш жоиздир. **Кўрардин, ғам чекарга** каби нутқий қўллашларда феъл асосидан англатган ҳаракат ва ҳолатларнинг пайт/вақт/замон/давр ва инсон фоолияти билан боғлиқ ишнинг/ўйнинг бажарилишидаги тарз/йўсин/усул/шакл тушунчаларининг аниқ ўзи ёки унга ишора/илова мавжуд. **Кўрардин** сўз шаклини **кўрар пайтимдин/пайтидин/онидин/лаҳзасидин/вақтидин** қилиб ўзгартирса ва тушунса, ҳатто нутқда қўлласа ҳам бўлади. **Кўрардин** сўзшаклини **кўрар/кўриш/кўрмоқ ҳолатидан/тарзидан/йўсинидан/усулидан** каби маъноларда тушуниш ва англаш имконияти бор. Сўзшаклда ана шу маъно ҳам, яширинган. Бошқа бир гапни ҳам айтсак, ёмон бўлмасди. Даҳо шоиримиз қўллаган феъл асоси+-ар қўшимчаси+келишик қўшимчаси ўлчамидаги сўзшакллар халқ нутқидан, мулоқот жараёнидан, халқимизнинг нутқий амалиётидан олинган. Маълумки, халқ нутқи – ихчам, содда, тежамли, ифодавий мулоқот. Шеърятда ҳам кўпсўзлик мақбул эмас. Ҳақиқий шоир – шеър бағрига ортиқча унсурларни киритмайди, асло яқинлаштирмайди. Алишер Навоий бу борада ҳам беназир зот.

«Фарҳод ва Ширин» достонида Қарши шаҳри, умуман, Қашқадарё вилояти аҳолисининг ҳозирги даврдаги нутқиға хос бўлган сўзлар, қўшимчалар, сўз бирикмалари, иборалар, нутқий далиллар тури, ҳили, шакли шунчалик кўпки, уларнинг ҳаммаси катта илмий тадқиқотга мавзу бўладиган даражада. Ушбу мақолада достондаги тил бирликларини ҳозирги даврда вилоятимиз аҳолиси нутқида бўлган айрим лисоний далиллар билан қиёслаб, оддий кузатувларимизни баён қилдик.

Шоир асарларида Ҳироту Балх, Самарқанду Бухоро, Термизу Қарши, Андижону Шош, Намангану Марғилон, Шаҳрисабзу Кеш шаҳарлари ва воҳалари аҳолисининг нутқи, тили, сўз қудрати, тил сеҳри, лисон қудрати, тафаккури, маънавияти тажаллиланган. Ҳар бир вилоят, шаҳар, минтақа ўз тилининг, тарихининг, маънавиятининг илдизларини бу хазинадан топа олади.

XX–XXI аср ўзбек адабиётининг ҳассос, нозик дид ва дақиқ қалб шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони ва Халқ шоири Абдулла Орипов айтган бир ҳақиқатни шу ўринда таъкидлаш мавриди: «Пушкин шеърятти яшовчанлигининг энг асосий сабабларидан бири – унинг туйғулар ифодаси халқ нутқи асосида қурилганлигидир. Токи халқ ва унинг сўзлашув нутқи яшар экан, Пушкин шеърятти яшайди». Бу фикр, хулоса Алишер Навоий шеъряттига ҳам тааллуқли. Сўз – халқники, тил – халқники, шеърят ҳам халқники. Ифода усули – шоирники. Барчаси – халқ мулки. Халқ ўз мулкига соҳиб бўлса, унинг тили ҳам, сўзи ҳам, шеъри ҳам, ифода услуби ҳам абадийлашаверади.

Дилшод **КАРОМОВ:**

# «НАСАФ-ФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ

– Дилшод ака, авваламбор Сизни «Ўзбекино миллий агентлиги Қашқадарё ҳудудий бўлими» раҳбари бўлиб тайинланганингиз билан қутлайман. Сўхбат бошида сиз раҳбарлик қилаётган «Ўзбекино миллий агентлиги Қашқадарё ҳудудий бўлими» фаолияти ва бевосита ушбу ташкилотга юклатилган вазифалар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

– Авваламбор самимий табригингиз учун раҳмат. Ўзбекино миллий агентлиги Қашқадарё ҳудудий бўлими фаолияти ва унга юклатилган вазифаларга бадий ва хроникал-ҳужжатли, илмий-оммабоп, тасвирий, мультипликацион кино-видеофильмлар ҳамда дастурлар ишлаб чиқариш, шу билан бир қаторда кино-видеомаҳсулотлар кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш, кино-видеомаҳсулотлар ижарага бериш ва намойиш этиш каби бир қатор вазифалар киради. Бир сўз билан айтганда, маънавиятни ўстиришда, ёшлар тарбиясида таъсир кўрсатишда асосий омил саналган ҳар қандай мавзу ва жанрдаги фильмларнинг сифатини таъминлашдан иборат.

– Вилюятимиз микёсида кинотеатрларнинг аҳволи ҳавас қиларли даражада эмас. Бу фаолиятингизга ўз таъсирини кўрсатиши табиий, албатта...

– Бу ҳақда мен ҳам кўп ўйладим. Иш фаолиятимиз бевосита кинотеатр бинолари билан боғлиқ. Биз тақдимотини



ўтказишни режалаштираётган фильмларни чекка-чекка туман ва қишлоқларда ҳам намойиш этишни режалаштирганмиз. Мулкдорлар томонидан хусусийлаштириб олинган бинолар яроқсиз аҳволга келиб қолган, бу албатта ишимизни олға силжишига тўсиқ бўлиши турган гап...

– Баҳона излашни четга суриб, балки муаммога ечим топиш керакдир...

Биласизми, мен ҳозирда самара бера оладиган режаларни тузиб чиққанман. Кинотеатр бинолари мулкдорларга маълум шартлар асосида сотилган. Буларнинг энг асосийси ушбу бинолар ҳар қандай вазиятда ҳам ўз вазифасини бажариши керак эди. Аммо мулкдорларнинг 99 фоизи шартномага кўрсатилганидек иш тутмаган. Мен мулкдорларни тўплаб, шартнома шартларини яна бир бор эслатиб қўйганман. Агар биз бир-биримизни тушунсак, бу ҳар икки томон учун ҳам фойдали яқун топади.

– Вилюятимизда мавжуд киностудиялар фаолияти қандай?

– Киностудиялар дейсизми, вилюятимизда бир йил аввал биргина киносту-

дия, “Чироқчи ёғдуси” номи билан иш бошлади ва биринчи маҳсулотини чиқарди. “Сирли муҳаббат” деб номланувчи бу фильм Шомурод бахши Тўғай ўғли томонидан куйланган дoston асосида яратилган.

– Бу фильм нега акс-садо бермади?

– Мутахассислар билан фильм муҳокама қилинганда, унинг ўзига яраша камчиликлари борлиги аниқланди. Мен буни хас-пўшлаб ўтириш ниятида эмасман. Ҳар ҳолда республика мухлислари талаби даражасидаги фильм эмас. Аммо, биринчи ташланган қадам деб айта оламан. Шу ўринда кўпчилик учун кутилмаган хабарим ҳам бор. «Ўзбекино миллий агентлиги» ва Қашқадарё вилоят ҳокимлигининг кўмаги билан “Насаф” номли фильм киностудияси ташкил қилиш ниятидамиз. Бу киностудиянинг мақсад ва вазифалари ҳам белгилаб қўйилган. Жумладан, воҳамизда фаолият олиб бораётган хонандалар билан ҳамкорликда талаб даражасидаги клиппар, фильмлар, шу билан бир қаторда замонамиз қаҳрамонлари акс этган ҳужжатли фильмлар, тадбиркорларимиз фаолиятини ўсишида ўз ҳиссасини қўша оладиган реклама роликларини суратга олиш билан шугулланади. Аввало биз ташкилотни замонавий техник жиҳозлар билан таъмирлашимиз лозим. Бу борада ҳам муаммолар учраши табиий. Бу синоатларни ечиш бўлимида тегишли ташкилотлар кўмагига ва ҳамкорлигига сўянамиз, албатта.

– Аввало, бугунги ёшлар онгига ўзининг ижобий таъсирини ўткази оладиган, уларнинг маънавиятини бойитишда ўз ҳиссасини қўшиши мумкин бўлган, тарбиявий аҳамиятга молик кинофильмлар тақдимотларини ўтказиш бўйича ҳам бирор режаларингиз борми?

– Албатта, сентябр ойдан бошлаб вилоятимизнинг барча туманларида мавжуд касб-ҳунар коллежлари, ўқув юртларида давлат маблағи ҳиссобида суратга олинган фильмларнинг тақдимотларини ўтказишни режалаштирганмиз. Диний экстремизм, терроризм ва одам савдосининг

огир оқибатлари тасвирланган “Алданган аёл”, гиёҳвандликка қарши “Ўргимчак тўри”, “Уқубат” каби фильмлар шулар жумласидандир. Тақдимотда фильм режиссёрлари, актёрлари иштироки ҳам режалаштирилган.

– Фаолиятингизни бошлаганингизга унча кўп бўлган эмас. Аммо вилоятимизда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан “Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!” шиори остида “Ўзбек миллий кино санъати кўнлари”га бағишланган вилоят ҳокимлигининг “Ўзбеккино” Миллий агентлиги билан ҳамкорликда катта бир тадбирини муваффақиятли ўтишида фаол иштирок этдингиз...

– Бу тадбир фаолиятимнинг дастлабки кўнларида тўғри келди. Меҳмонлар қарши шаҳрида тантанали кутиб олинди. Ушбу тадбирда иштирок этиш учун Ўзбекистон Халқ артисти Ражаб Адашев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилором Эгамбердиева, таниқли киноактёрлар Фаҳриддин Шамсиматов, Азиз Раҳметов, Шаҳзода Матчонова, Асал Шодиева, каби бир қатор эл севган актёр ва актрисалар ташриф буюришди. Меҳмонлар Фузор, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманларида бўлишди. Ушбу тадбирда Ўзбек-кинофотографистлари томонидан мустақиллик йилларида, айниқса кейинги икки йил ичида яратилган 12 та бадиий, 14 та ҳужжатли ва 5 та анимацион ва мультипликацион фильмлар кенг аҳолига тақдим этилди.

Жойларда ўтказилган кино кўнларида ҳар бир туманда 6400 дан зиёд кино мухлислари, ёшлар, жамоатчиликлари вакиллари, тадбиркорлар, фермер ва турли соҳа ходимлари иштирок этишди. Халқ руҳиятидаги ўзгаришларни кўриб, бундай тадбирларнинг кўламини анча кенгайтиришимиз кераклигини англадим.

– Самимий сўхбатингиз учун раҳмат.

Наргиза МҮРОДОВА  
сўхбатлашди.

# УМР САҲИФАЛАРИГА СОЧИЛГАН ГУЛЛАР

ёхуд адиб ва журналист Неъмат Арслон портретига чизгилар

Кўплар Неъмат Арслонни истеъдодли адиб сифатида билади ва эъозлайди. Бироқ у журналист сифатида ҳам бетакрор ижодкор. Баъзан газеталардаги айрим мақолаларни ўқиб, ҳиссиёз, тўмтоқ ва қуруқ жумлалардан ғашим келгандә беихтиёр Неъмат аканинг ўзига хос жозибали услубини ўйлайман.

Мақолалари бамисоли ҳикоядек ўқилади ва кишига завқ-шавқ беради. Экология мавзуида ёзилган мақоласидаги мана бу парчага кўз югуртиринг-а:

“Уйим олдидаги кекса тут дарахти тагида ўтирардим ва жимгина кузатардим. Ўтирган жойимдан бир қадам нарида кичкина ариқча оқиб ётарди. Жўра булбул менга шу даражада ўрганган эдики, (агар мени жонсиз бир ҳайкал, деб ўйламаган бўлса) учиб қелиб сал нарироқ кўнар, қорамўғдек қоп-қора кўзлари билан бир дақиқа тикилиб турар ва яна ҳам яқинроқ келарди-да, сакраб ариқчага тушарди. Жимирлабгина оқадиган сув жуда саёз. Қўш оёқлаб ариқча ичида туриб яна менга қарар ва гўё шундай дерди:

- Индамайсанми, чўмилсам?..”

1965 йилда Самарқанд Давлат университетининг филология факультетини тамомлаб, мактабларда ўзбек тилидан дарс бериб юрган Неъмат ака Арслоновни журналистикага қизиқиши 1973 йилда газетага етаклаб келди. Унинг қалами “Шаҳрисабз тонги” газетасида чархланди, касб маҳорати, масъ-

улият мактабини шу ерда ўтади. Журналистиканинг ўнқир-чўнқир, ҳам тиканли, ҳам гулга бой сўқмоқлари унинг учун шу ерда очилди. Бу жамоада ишлаш Неъмат акага кўп нарса берди. Ҳаётни кузатиш маҳоратини, воқеаларни теран мулоҳаза қилиш ва зарур хулосалар чиқариш лаёқатини ўзига сингдирди, муҳбирликнинг профессионал кўникмасини эгаллаб борди.

Маззу танлашдан тортиб, кўлёмзани ўта пухта ишлаш Неъмат Арслоновнинг ижодига хос бўлган фазилат. Унинг мақолаларини ўқир экансиз, маҳорати, сўзларни ўз ўрнида ишлатишига, ишонтириш кучига тан берасиз. Журналистикада холислик ва пухталиқ кафолати зарур. Маҳорат эса кўп жиҳатдан ана шундай кафолат бўлиб хизмат қилади. У ўз мақолаларида факт ва рақамларни куйлатиб юборади гўё.

Ҳамма нарсага қизиқувчан, муҳими, ҳар бир топшириқни ўз вақтида бажаришга интилувчи Неъмат ака касб тақозоси билан шаҳар ва қишлоқларни кезиб чиқди, ҳаётни ўрганди, ундан таълим олди. Одамлар ҳаётига синчков назар ташлади, яратилажак очерк, лавҳа ва репортажларининг қаҳрамонларини улар орасидан топди. Ижодда тинимсиз меҳнатдан, ўқиб-ўрганишдан, мақсад йўлида захмат чекишдан чўчимасди, сатрларга сайқал беришдан, саҳифаларни қайта-қайта кўчириб ёзишдан эринмасди. Неъмат аканинг энг яхши фазилат-

ларидан бири кузатувчанлигидир. Бунинг натижасида газетхонларга манзур бўладиган мақолалар, очерк, лавҳалар дунёга келди, ижодкорлар даврасида тез танилди. Тажрибаси ошган сари ҳаётни ҳар қачонгидан ҳам синчковлик билан ўрганишга, унга фаол аралашishга интилди. Турмушимизга ёт иллатларни фoш қилишда қалами чархланди, турли воқеа-ҳодисаларни кўравериб, кўзи "пишди", залворли замонга қараб қадам ташлади. Бошқача қилиб айтганда, одамлар билан "ҳаёт қозонида қайнади". Бусиз газетхон эътиборини тортадиган, унга бирон-бир янгилик берадиган мақолалар ёзиш мумкин эмаслигини у яхши биларди.

Неъмат Арслонов ижодининг жозибаси нимада? Аввало, унинг ёзганлари бошқаларникига сира ўхшамайди. Журналистикада унинг ўз овози, ўз услуби яққол сезилиб туради. У ҳозиржавоб журналист, шу куннинг мавзусини тез илғаб олади. Неъмат ака ёзган турли жанрдаги мақолаларнинг бошқаларникига ўхшамаслигига сабаб шуки, у ўз объектини ўта чуқур, атрофлича ўрганади, кенг мушоҳада юритади, бир қарашда унча эътиборга молик кўринмайдиган факт ва ҳодисалар моҳиятини очади, қутилмаган умумлашмалар чиқара олади. Масалан, "Китоблар жодуси" мақоласида кутубхоначилик касби тўғрисида ёзаркан, шундай дейди: жоду сўзини биз бу ўринда яхши маънода қўллаймиз. Улуғ немис ёзувчиси Херман Хессе бутун умр кутубхоначи бўлиб ишлаган. Жанубий Америка ёзувчиси Борхес ҳам кутубхоначи бўлган. Умуман, дунёнинг кўпгина улуғлари китоб сеҳрига берилиб яшаганлар. Шуларни ўйлаган кутубхона ходими ўз касбидан фахрланиши керак. Бу қисқа сатрларда ўз касбини севишга чорлов эмас, балки ҳамма манбаларда ҳам учрамайдиган ноёб маълумот, далил ва исбот бор.

Ёш фермерлар ҳаётдан олиб ёзилган "Инсон кафтининг тафти" мақоласи-

да "Унинг қўллари дарахт танаси бўйлаб томирларидан наваларига томон оқаётган ҳаёт шар-батини илғади. Бобонинг кўзларига ёш қалқиб келди. "Омон қолибсан, дўстгинам", шивирлади чол. Дарахт унинг назарида худди инсон каби тирик ҳилқат эди. Шу боис чол ҳосилни эмас, дарахтнинг ўзи омон қолганидан, яшаш учун ўзида куч топа олганидан, "дўсти"нинг матонатидан ҳаяжонда эди.

Бу сатрларни беҳаяжон, беҳис ўқиб бўлмайди. Бу сўзлар, жумлалар, тўғри юракка бориб етади, бутун вужудингизни жунбушга келтиради. Кўпгина боғларни совуқ урган ўша йилда ҳам у ҳикоя қилаётган фермер ҳўжалигида инсон кафтининг тафти, юрагининг кўри туфайли дарахтлар совуқдан омон қолганлигига газетхонларни ишонтира олган.

-Мухбирлик касбим туфайли жуда кўп одамлар билан учрашишга, уларнинг кувонч ва ташвишларига шерик бўлишга тўғри келган,- дейди Неъмат ака биз билан суҳбатда. -Бир-бириникига ўхшамайдиган тақдирлар, характерлар. Шундай учрашувларда мавзунини суҳбатлар мазмунидан, ҳаётини кузатишларимдан оламан.

Чиндан ҳам Неъмат Арслоновнинг кўп вақти йўлда ўтади, сафар қилишдан чарқамайди, янги-янги қахрамонлар излайди, топади, ўрганади, қаламга олади. Унинг ҳар бир куни одамлар билан ўтади, ҳар бир учрашуви-кашфиёт.

-Тақдирим журналистикага туташганидан мамнунман,- дея сўзида давом этди Неъмат Арслонов. - Бу касбнинг бошқа касбларга ўхшамайдиган, менга ёқадиган бир томони бор. У ҳам бўлса, бу касб ёлғизлик "кушандаси". Бўш вақтларингда ҳам касбинг билан, бирга яшайсан, ўйлайсан, ёзасан. Яхши мақола ёзгандан кейинги энгиллик, мамнунлик ҳисси, газета саҳифасида эълон қилинганидан ифтихор туйғуси ҳар қандай қийинчилигу чарчоқ ўрнини босиб кетади.

Журналистик фаолиятда ихтисослашишнинг роли катта. Бирор соҳага ихтисослашмаган мухбир мукаммал мақола ёзиши қийин. Чунки у ихтисослашса мазкур соҳага оид янги адабиётларни, илғор тажрибаларни синчиклаб ўрганиб боради. Бироқ катта ҳаёт ва журналистика тажрибасига эга бўлган Неъмат ака барча журналистик жанрларда қалам тебрата олади. Маънавият, маданият, илм-фан, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳаларнинг туб моҳиятини яхши билади. Бир сўз билан айтганда, буларнинг ҳаммаси журналистдан қувваи ҳофизанинг кенглиги ва юксак профессионализм талаб этади. Неъмат ака бу вазифани уддалаб, уддалаганда ҳам қойилмақом қилиб, уддалаб келаяпти. Бунинг учун у тинимсиз изланади, ўрганади, кунни тунга, тунни тонгга улаб меҳнат қилади.

Истеъдодли журналист Неъмат Арслонов ўзининг танқидий-таҳлилий ва муаммоли мақолаларида ижтимоий тараққиётга раҳна соладиган, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларга тўғаноқ бўладиган иллатларга қарши кескин кураш олиб боради. Очерк, лавҳа, репортаж ва публицистик мақолаларида янги авлод кишилари меҳнатини улуғлайди.

Кутлуғ ёш. Етмиш йиллик умр йўлларида у қувончлар, ғалабалар, ва ташвишларни бошидан кечирди. Турмуш ўртоғи Танзила опа у ёзган мақолаларнинг биринчи ўқувчиси ва танқидчиси. Журналистнинг кайфиятини, баъзан худ баъзида беҳуд характерини тушунадиган инсон. Бир ўғил, уч қиз ва ўн уч нафар набира Неъмат аканинг умр йўлида ёққан чироқлари.

Етмиш йил инсон учун тарих зарварининг бир саҳифаси, холос. Мана шу саҳифага гул тикканлар бор, сиёҳ тўкканлар бор, умр саҳифаларининг юзи бўм-бўш инсонлар бор. Неъмат аканинг умри саҳифасидан гуллар иси уфураяпти, гунчалар жилва қилаяпти. Умри давомида Неъмат ака, нафақат, етук

журналист сифатида, балки иқтидорли ёзувчи сифатида ҳам танилди. Унинг "Адам водийси", "Мавҳумот" сингари романлари, "Аёл сувратига чизгилар" номли ҳикоялар тўплами, "Аммахолл"-даги қотиллик", "Қора ҳайкал", "Эчкиэмар жумбоғи" каби ўнга яқин детектив қиссалари ихлосмандларининг китоб жавонларидан муносиб ўрин олиб, севилиб ўқилмоқда.

Инсон умрининг мазмуни йиллар билан ўлчанмайди, албатта. Сарҳисоб чоғида бажариб улгурган ишинг, ўз халқингга келтирган нафинг, ҳаёт сўқмоқларидан пировард манзилга қай аснода етиб келганинг асосий мезон қилиб олинади. Шу маънода қарайдиган бўлсак, Неъмат аканинг афсусланадиган ери йўқ. У ҳаётга фаол аралашувчи бир инсон, журналист ва ёзувчи сифатида ўзи босиб ўтган умр йўлидан мамнун бўлишга тамомила ҳақли. Биз юқорида санаб ўтган асарлари, долзарб мавзудаги ўқишли мақолалари буни исботлаб турибди. Қолаверса, ҳали Неъмат аканинг ижоди жўш урган пайт. Гарчи нафақатда бўлса ҳам Неъмат ака ижоддан тўхтагани йўқ. Долзарб мавзудаги публицистик мақолалари билан вақтли матбуот нашрларида қатнашиб турибди. Бадиий ижодда эса камолга етиб, детектив қиссалари, дилтортар ҳикоялари, романлари ва бадиий таржималари билан мухлисларини хушнуд этмоқда.

Шарқнинг буюк мутафаккирларидан бири Саъдий Шерозий бадиий ижодни 63 ёшида бошлаб, маънавиятимиз хазинасига "Гулистон" ва "Бўстон"дай шоҳ асарларни қолдиргани, мазкур асарлар ҳали ҳамон жаҳон адабиёти хазинасидан муносиб ўрин эгаллаб тургани ҳаммамизга маълум.

Демак, ҳали Неъмат акадан газетхонлар ва адабиёт ихлосмандлари қизиқарли мақолалар, шоҳ асарлар кутиб қолишга ҳақли. Меҳнатдан, ижоддан чарчаманг, доимо элнинг назарида бўлинг, Неъмат ака!



# Шафаккур соғкилари

Неъмат АРСЛОН

## СОЯДА

## УХЛАЁТТАН

## ТОЛЕЪ

(Хикоя)

**“Толеем сандал ёғоч,  
экса кўкармас пояси”**

**(Раҳматли момоннинг чарх йиги-  
риб айтадиган кўшиқларидан)**

**МУАЛЛИФ.**

Патрот топган рўзгорини унглаб олишга бўлган узоқ уринишлар, Бешимни батамом толиқтирди. Ниҳоясизлик чарчатди уни. Қайси ишга қўл урмасин, меҳнатнинг сунгги қуринмас, энг ёмони қўл урган иши хунук оқибатларга олиб келарди. Натижада, Бешимнинг афти довча еган одамникидек буришиб турадиган бўлиб қолди. Уйқусизликдан кўзининг жияклари қизарди, оғзининг икки чети пастга осилиб тушиб, юзига сўлжайган ифодани муҳрлаб қўйди. Онда-сонда ташриф букрадиган ним табассум ҳам унинг ажин босган юзиди ва нурсиз кўзларини тарк этди. Фақат қорингина садоқат кўрсатиб, аввалги кўринишини бежирим сақлаб қолган ва ўз соҳибининг фаровон кунларидан хотирадек басавлат кўринарди.

“Эҳ Бешим, сени нима жин урди! – дея нола қилди бир куни у каравотига чалқанча ётиб шифтга термуларкан. – Бир қадам олға боссанг икки

қадам ортга кетаяпсан”.

Ховлида ёлғиз ўзи бўлганлиги сабабли унинг фарёдини ҳеч ким эшитмади. Қариндош-уруғлари ўзларини олиб қочишар, хотини кетиб қолган, гоҳида укаларини кўчада учратиб қолиб, ўз тақдирининг шумлигидан шикоят қила бошлайдиган бўлса, улар осонгина қутулишар, яъни ака гап бошлаши ҳамон укалар ҳам бир-бирларига навбат бермай ишлари юришмаётганидан нолий кетишарди.

Каравотда ётганча кейинги кунларда юз берган воқеаларни таҳлил қиларкан, бошқа дурустроқ йўл тополмай, фол кўрсатиш керак, деган қарорга келди. Ҳеч бўлмаганда қуёнларини ким ўғирлаб кетганини билишни истарди. Қуёнларга қўшиб якка-ю ягона товугини ҳам олиб кетишгани, айниқса, алам қиларди унга. Ҳар кун, гоҳида кунора тухум туғиб турарди жонивор. Шу воқеадан бир ҳафта олдин омборхонаси ёниб кетганда ҳам бунчалик куюнмаганди. Аслида омборхона катта йўл бўйида жойлашган кенгу мўл-қўлгина бўлиб, Бешим унинг орқасини тешиб, ҳамма қўшниларикидай “савдо дўкони” очишни мўлжаллаган, ҳатто баъзи бир нарсаларни харид қилиб қўйган-

ди. Шундай бўлса-да, омборхонадан кўра, товугининг йўқолганига кўпроқ ачинди. Ҳар кун кўрамтага кўмиб ёки қайнатиб, иши шошилинич пайтда қовуриб ейдиган тухумини ўйларкан, фолга бориш керак, деган фикри қатъийлашди. Ўрнидан туриб беихтиёр белини ушлади ва гижимлашга тушди. Унинг буйраги оғрирди. Ҳайдовчилик қилиб орттирганди бу дарди. Қишда машинаси бузилиб, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги узил-шида қолиб кетганди. Бахтга қарши ер музлаган, ширабўрон қилиб қор уриб турган ўша тунда бирорта таниш машина ўтмади. Бу ҳам етмагандай, орадан бир ой ўтиб-ўтмай "авария" содир бўлди. Бешим машинаси билан йўл четидаги тижорат дўконига бориб урилди. Ҳазибнок дўкондор роса сўқди, калтаклади ва жарима ундириб олди. Машина деворга урилганда қаттиқ жароҳат олган Бешим касалхонадан чиқиб келганда хотини уни ташлаб кетиб қолганди. Ҳувиллаб қолган уйни кўздан кечириб, тошойна олдидан икки энлик хат топиб олди. Ўқиди, хотини шундай ёзган эди:

"Сенга тақдиримни қўшиб хароб бўлдим. Толеъинг паст. Энди ўз кунимни ўзим кўрай, ортимдан борма, фойдасиз. Хайр". Ёқутхон.

Бешим стулга ўтириб қолди. Йиглади. Кейин бир неча кун тергов идораларига қатнаб юрди, жарима устига жарима тўлади, қарзга ботди, пировардида ишдан ҳайдалди. Бу унинг еттинчи бор ишдан кетиши эди.

## II

– Кўп гапирманг, – танбеҳ берди фолбин Бешимнинг бетиним жаврашидан безор бўлгандай бир қиёфада, – ўзи шундоғ ҳам юзингиздан ҳаммаси аён: пешонангизда узук-юлуқ етти қатор чизик, демак, ўйловингиз кўп. Кўзингиз нурсизланган, бу умид-

сизлик ва омадсизлик нишонаси. Рангингизнинг таги заҳил. Демак, дардингиз бор...

Бешим жимиб қолди.

Фолбин бошига қора тўн ёлиб, унинг энгидан осмонга қараб ром очишга киришди. Бешим нафасини ичига ютиб, тўннинг осмонга чўзилган энгига қараб, энг худди кўк тоқига ёзилган сатрларни бирма-бир ўқиётгандай маълум бир масофада тебраниб турарди. Ниҳоят, фолбин тўн ичидан бошини чиқариб: "Кўрдим, толеъингиз сояда ётибди", деди.

– Энди нима қилишим керак? – сўради Бешим.

– Офтобга чиққунча кутасиз.

– Қачон чиқади? Балки умуман чиқмас!

– Балки, бу менга қоронғу.

– Толеъим сояда ётса, мен бахтли бўлишим керак эмасми?

– Йўқ. Кимнинг толеъи ҳузурда бўлса ўзи азобда, аксинча жони қийноқда бўлган кишининг толеъи ҳузурда бўлади.

– Қаерда ўша номард толеъинг ўзи, кўрсам бўладими?

– Бўлади.

Бешим буни кутмаганди. Фолбинга шубҳа ичра қаради.

– Толеъларнинг ҳаммаси бир жойда, "Дўстаман" водийсидан макон топишган. Ҳозир тўнни беҳуда титкиляяпсиз, барибир ҳеч нарсани кўролмайсиз. Бунинг учун ўша водийга бориш керак.

– Олиб боринг мени! – илтижо қилди Бешим фолбиннинг пойига тиз чўкиб.

– Майли – дарҳол рози бўлди фолбин. – Ўзим ҳам кўпдан бери шуни ният қилиб, дурустроқ ҳамроҳ топилиб қолишини кутардим. Сизга уч кун муҳлат. Ҳозирлик кўринг, уч кундан кейин ё насиб деб йўлга ра-

вона бўламиз. Иншооллоҳ, толеъин-гизни топасиз.

Бешим уйига хурсанд бўлиб қайтди.

### III

Улар ўзоқ йўл босишди. Сўнги довондан ошиб юксак чўққига кўтарилганларидан кейин инсон ҳаётига бутунлай бегона, тасаввурга сизмас даражада ғайритабиий бир манзара намоён бўлди.

– Ана, – шивирлади фолбин пастликка эгилиб қараб, – “Дўстаман” водийси шу.

Бешим ҳам ерга қорни билан ётиб, тошга тирмашган кўйи пастликка қаради, ҳайратини яширолмай, ўзгарган товушда сўради:

– Нимади анавилар?

Фолбин жавоб бермади. Водий манзараси мантиқсизлиги билан Бешимни шу даражада қойил қолдиргандики, ўз саволининг жавобини эшитишни унутиб, мубҳам маъвога тикилиб қолганди.

– Пастга томон энайлик энди.

Ўзоқ-ўзоқлардан эшитилгандай бўлди фолбиннинг овози. Бешим ҳамроҳининг мақсадини базур англаб ўрнидан турди. Сўқмоқ тагма-таг айланалар ҳосил қилиб, водийга томон олиб тушарди. Ранглар тиник торта борди, чаплашган чизиқлар муайян шакл ола бошлади. Тепадан қараганда булут бўлиб кўринган қора кўланканинг аслида дарахтлиги, дарахт бўлганда ҳам ниҳоятда улкан эканлиги аён бўлди. Фақат кўйлар сурувига ўхшаб кўринаётган маъвонинг нима-лигини англаб бўлмасди. Етти кечакундуз йўл босганларидан сўнг Бешим ҳақиқатнинг тагига етгандай бўлди ва нидо қилди:

– Э воҳ, бунча кўп кўй!

– Фалат сўзламанг. Улар кўй эмас, умуман бу жойда ҳуда-беҳуда гапларни айтавермасликни маслаҳат бера-

ман. Муқаддас жой.

Бешим муқаддаслик белгиларини топмоқчи бўлиб, атрофга аланглади. Саҳро поёнсиз ва ҳад-ҳудуди кўринмасди. “Бу ер Дашти Карбаломикин? Ёки Саҳройи Кабир деганлари шу жойми?” ҳаёлидан ўтказди, адабиёт дарсларида тилга олинadиган бундай калималардан хабардорлигидан мамнун бўлиб. Фолбин эса жиддий қиёфада кетиб борарди. Бешим ҳам юзига жиддий тус берди. Қошлари чимирилди, кекирдагини бироз олдинга чиқариб, бошини адл кўтарганча ҳамроҳига монанд одимлай кетди. Аммо бундай қиёфада ўзоқ йўл босолмади. Оёғи остида ўсиб ётган тиканлар игна каби ўткир бўлиб, эркин юришга қўймасди.

Манзара алмашинди: тиканзор майдон ортда қолиб, темир чангакдай чайир бутазор бошланди. Йўл йўқ, учи қармоқ каби қайрилган шохшаббалар теккан жойини узиб оларди. Бешимнинг қийналаётгани ва ҳафсаласи пир бўлаётганини кўриб, фолбин далда берди:

Бардам бўлинг, тақсир, меҳнатнинг таги роҳат, иншооллоҳ, мақсадимизга етурмиз, – деди-да, олдинга ўтиб йўл бошлади.

Шу пайтгача тақсир демаганди, ҳаёлидан ўтказди Бешим, – демак, бу жойлар ҳақиқатдан ҳам муқаддас эканда”.

Олға босиш оғир, ортга ҳам қайтиб бўлмасди. Бутазор тугай демас, йўловчиларнинг эгнидаги кийимларини беаёв юлқилар, тиканлар ўткирлашиб, йўллар чалкашиб, бутазор қалинлашиб борарди. Бешим бир лаҳза тўхтаб, ортга қаради. Аста жуфтакни ростлаб қолиш нияти ҳам йўқ эмасди унинг. Аммо ортига қайрилиши ҳамон юраги орқасига тортиб кетди. Қоронғулик. Буталар бамисоли чала ёнган ёғочлардек қорайиб

кўринади. Шошиб олдинга интилди, чайир симчивиқдек қаттиқ новдалар шартиллаб юзига келиб урилди.

– Қайтамиз! – ўкириб юборди Бешим, эгилиб қўллари билан юзидан оқаётган қонни артаркан.

– Элакка қолганда оқмасанг-да энди, – жавоб бўлди фолбин тарафидан.

– Уйимда оёғимни узатиб ётиб, бир пиёла чойни ичиб, тўйиб бир ухласаму ўлсам розиман. Жин чалган бу лаънати жойда итдек ўлиб кетамиз. Ўз юртингда, ўз қабринг бўлиши ҳам катта бахт. Шу чангалзорлар орасида ўлигимиз қолиб кетса, ўша бахтдан ҳам маҳрум бўламиз.

Тушкунликка тушманг, тақсир.

– Сиз ҳам вазиятни холисона баҳоланг.

– Эр кишига йиғлаш ярашмайди.

– Ярашиғли бўлишимнинг кимга кераги бор?

– Кўйинг, айтишиб ўтирмайлик, оз қолди. Қани дадил бўлинг, кетдик, тақсир!

Бешим ноилож кўнди.

Ҳамроҳидан қолиб кетиб, бу куни ҳам кўплик қилишини ўйларкан, шоҳшаббаларни тирсақлари билан четлатганча, фолбиннинг қорасини кўздан қочирмай бораверди. Энди эгнида тўннинг ёқаси ва икки кифтигина осилиб турар, орқасида, икки курагининг ўртасида эса бир бўлак узунроқ қизғиш матоҳ кўринарди.

Нихоят бир гиламнинг ўрнидекки-на ялангликка чиқишди. Табиатнинг бу инъоми Бешимни қувонтириб юборди.

– Худога минг қатла шукур-е, тақсир, – деди Бешим ҳорғин нигоҳ билан ҳамроҳига қараркан.

Фолбин нигоҳини ундан олиб қочди. Тесқари ўгирилганча, халтасини кавлади ва ундан четларига кашта урилган, этак-ёнларига пирпи-

рак тикилган белқарс олиб узатди. Ўзи эса ҳамон четга қараб турарди.

– Нима гап тақсир? – сўради Бешим ажабланиб.

– Олинг, олатингизни тўсинг.

Бешим эгилиб қараб, мешдек улкан қорни остида чарм қайишдан бўлак ҳеч вақо қолмаганини кўрди.

– Ана энди исмингиз жисмингизга мос бўлди, – кулгу аралаш ҳазил қилди фолбин.

Дарҳақиқат. Бешим энди бутунлай бешим қолганди.

– Узр тақсир, фақат юзимни тўсиш билан овора бўлиб... – гўлдиради Бешим ва белқарсни олиб, олдини тўсди. Қарсинг икки учини тортиб орқасига боғлади. Сўнгра унинг толиққан вужуди бамисоли бир қоп гўштдек шилқиллаб ерга йиқилди. Узоқ ухлашди улар. Ўринларидан туришганда ҳавонинг авзойи ўзгарган, қуёш кўкимтир губор ортида қолган, ҳавода тутунга ўхшаш, аммо қўл билан ушласа бўладиган зарралар учиб юрарди. Бошқа бир томонда қўнғир тусдаги қурум бурқсарди.

#### IV

Олақуроқ туманлик кўтарилиб, бамисоли шишадек ялтироқ тўртбурчак шаклидаги муз қотган тепалик намоён бўлди. Осонроқ ўтиш мумкин бўлган бирорта кемтик ёки тирқиш кўринмас, тепалик йўлни бор бўйича тўсиб турарди.

– Қайтамиз! – деди Бешим қатъий қилиб.

Фолбин оғиз очмади. Афтидан Бешимни тетикликка ундаш ва алдаб-сулдаб йўлга солиш жонига теккан ва энди “билганингни қил” қабилида индамай муз тоғига тикилиб турарди. Бир дамлик иккиланишдан кейин у йўл бошлади ва қўл-оёғи билан баравар ҳаракат қилиб, тик ёнбағирдан юқорига томон ўрмалай кетди. Тепалик сирти музлагандай бўлиб

кўринса-да, темир каби қизиб ётарди. Кўп машаққатлардан сўнг тепалик устига чиқиб олишди, қадлар ростланди. Бешимнинг тирноқлари қўпоририлган, тирсаклари сидирилганди.

– Дўстаман! – қўли билан пастликка ишора қилди фолбин. Ястаниб ётган водийга ҳайрат ичра тикилиб қолишди. Ўша улкан дарахт, ўша манзара яна кўз олдларида намоён бўлди. Ҳаракатсиз қотган сон-саноқсиз қўйлар тўдаси. Дарахтнинг шохлари тепаликка тегай-тегай деб турибди. Фолбин энг пастдаги чирмовиксимон новдалардан бирини ушлади-да, Бешимга ҳам имо қилди.

– Шохдан маҳкам ушлангу, кўзингизни чирт юмиб ўзингизни пастга отинг! – буюрди фолбин.

Бешим журъат этмади.

– Сакранг!

Бешим тараддуланиб белига боғланган белқарсни пайпаслашга тушди. Иштон ўрнида хизмат қилаётган белқарс липасини силади, тўғунини ушлаб кўрди, хуллас, сакрашни пайсалга солди.

Агар айтганимни бажармасангиз, бир умр шу ерда қолиб кетасиз, толеъингизни кўриш насиб этмайди.

– Ҳозир! Мана, ҳозир, – деди Бешим шохга маҳкам ёпишиб.

– Оёғингизни кўтаринг!

– Кўзимни юмайми?

– Юминг!

– Оғзимни-чи?

– Шак келтирманг, Бешим, ҳазилнинг жойи эмас. Сакранг!

Бешим сал ортга тисарилди-ю, тиззаларини букиб, ўзини шохнинг ихтиёрига топширди. Бирдан вужуди энгил тортди, қўлоқлари остида шамол гувиллар, қандайдир салқинлик танига ҳузур бағишлар, гўё пастга эмас, юқорига томон учиб борарди. Кўзини очиб қарашга журъати етмади. Шундай бўлса-да, киприклари

бир-икки пирпираб кетди. Атроф бамисоли шишадек тиниқ, кўм-кўк ва шаффоф. Бошқа ҳеч нарсани англамади. Оёғи ерга тегиб, кўзини очганда рўпарасида бегона киши турарди.

– Ассалому алайкум, тақсир! – деди Бешим қўлларини кўксига қўйиб ва ҳурмат ила ерга эгилди.

Нотаниш киши алик олди. Шу пайт фолбиннинг ҳам овози эшитилиб қолди. У ҳам қўлини кўксига қўйиб саломлашди.

– Толеъидан норози бир бечорани ҳузурингизга олиб келдим, – гап бошлади фолбин, – гуноҳимиздан ўтинг, тақсир. Умр бўйи фол кўрдим. Толеъидан рози одам дунёда кам...

– Рози одам сизнинг ҳузурингизга бормайди-да, – кулги аралаш сўзлади нотаниш киши ва ўзини таништирди:

– Мен толеъбонман.

Бағоят хурсандман, – хушомад қилди фолбин.

Мана шу биринчи минтақа менинг тасарруфимда. Қани, марҳамат, ичкарига киринглар.

Толеъбон бағдоди нақшлар ўйилган оғир дарвозани очиб толеъталабларни ичкарига киргизди.

Ҳовли тандирдек қизиб ётарди. Гиёҳ деган нарсадан асар ҳам йўқ. Бешим шундагина ўзи шохига осилиб тушган дарахтнинг ҳам йўқолиб қолганини пайқади ва ҳайрати ошди. Ер шу қадар иссиқ эдики, этикларнинг тагчарми чиппа-чиппа ёпишар, қизиб кетиб оёқни куйдирарди.

– Ҳа, бизнинг минтақа андак иссиқроқ, – изоҳ берди Толеъбон.

– Бу ер дарё ўзаними, сув қачон қуриган? – сўради Бешим сабри чидамай ва қалашиб ётган тошларга ишора қилди.

– Улар тош эмас, толеълар, – тунунтирди Толеъбон.

– Йўғ-е!

– Шундай. Иши аъло даражада юришиб турган кишиларнинг толеълари булар.

– Бахтлиларнинг толеъи шундай азобда бўлса, меникининг ҳолига вой экан-да! – қичқирди Бешим оёғи куйётганини ҳам унутиб.

Қақроқ ерга думалаб ётган тошларнинг инсон толеъи эканлигига сира ишониб бўлмасди. Бешим улардан бирини оёғи билан секин туртиб кўрди. “Тош” қатиқ тўлдирилган тулумдек илкиллади. Тепасида нимадир соя солганини пайқаб талпина бошлади. Бешим ўзини четга олди.

## V

Толеъбон навбатдаги дарвозани очаркан, толеъталаб меҳмонлар ҳовлига киришга журъат этмай, остонада тўхтаб қолишди. Мешлар нотинч чайқалишар, телефон учун ўрнатилган ёғоч соясига ўзларини уриб «ғизз-ғизз» этган овоз чиқаришарди. Толеъбон дастакни кўтарди, рақам терди ва ким биландир гаплаша бошлади. Бешим унинг авзойига разм солиб, ишлар жойида эмас шекилли, деган хулосага келди. Толеъбоннинг товуши тобора пастлаб, ичига тушиб борарди. Фолбин ҳам унга қараб, гамгин бош чайқаб қўйди.

– Ўртоқ иккинчи, узр! Йўқ, узр, – дерди толеъбон, – хизматим давомида сира бундай ҳолга дуч келмагандим. Йўқ, ўзбошимчалик қилганим йўқ. Уларни меҳмон сифатида... Хўп, яхши, безовта қилмаймиз, яхши! Тартиб бузилмайди! Худди шундай! Тушундим!

Толеъбон соя излаб оёқлари орасига тикиллаётган бадбуруш афтидан қариб қолган бир толеъни тепиб юборди-да, иккинчининг гапини маъқуллашда давом этди:

– Бўпти ўртоқ, иккинчи! Айтганингиздай қиламан. Рўйхатдан ўтказа-

ман. Дарҳол ўз ўрнимга қайтаман. Кузатувни давом эттираман...

– Буларга ҳам қийин экан, – фолбиннинг қулоғига шипшиди Бешим.

Фолбин жеркиб ташлади, ҳавода учиб юрган пашшани уриб туширмақчи бўлгандай қўлини кескин силтаб қўйди.

– Кетдик, – деди ниҳоят дастакни жойига қўяркан Толеъбон ва толеъталабларни сариқ мойбўёқ чап-ланган дарча томон бошлади. Ичкарида чорпоя кўринди.

– Сиз шу ерда қоласиз, – деди Толеъбон фолбинга, – сиз эса мен билан борасиз.

Бешим деворлардаги сувратларга қараб, ҳайратланиб турарди. Назарида абстракт йўналишидаги рассом чизган сувратларга жуда-жуда ўхшарди улар. Толеъбон унинг тирсагига кафтини тегизиб қўйиб, йўлга тушиши кераклигини билдирди. Даҳлиздан ўтиб қабулхонага кирганларида уч нафар котиба кутиб турарди. Улар тезкорлик билан ишга киришиб, чамаси ярим соатларда ҳужжатларни тўғрилаб беришди. Бошлиққа қўл қўйдириш учун Толеъбоннинг ўзи кирди. Ун дақиқалар ўтди. Бешим бу ерда вақтни ўз андозаси билан ўлчарди. Умуман, Дўстаман водийсида вақт оқими инсон ўйлаб топган дақиқаю сонияларга бўйсунадими ёки уларнинг ўз эталони борми, буни билиб бўлмасди. Сўнгра улар бошқа бир хонага киришди. Ўнлаб компьютерлар ва бўлак кўринишдаги – Бешим номини билмайдиган – ускуналар... Қизлар бошқариш аяпти уларни.

– Бешим Ботмонов! – баланд овозда эълон қилди Толеъбон.

– Кўзгуга рўпара қилинг! – деган буйруқ эшитилди.

Бешим тошойнага рўпара бўлди. Ойнадан соч-соқоллари ўсган, чақ-

чайган кўзли, ярим яланғоч кимса бегона нигоҳ билан қараб турарди. Оёғида соғиси узилиб тушган дағал кирза этик. Бўйнида дабдала бўлиб кетган тўннинг бир бўлаккина аста-ри илиниб турибди. Елкалари тилинган, юлинган, моматалоқ бўлиб кетган. Белида кирга ботган белқарс.

– Ўзингизми? – деган савол берилди.

– Ўзим, – жавоб қилди Бешим йигламсираган овозда.

– Мақсадингиз?

– Толеъимни кўриш.

– Сабаб?

– Бахтсизман. Ишим юришмайди.

Худди шу мазмунда яна бир қатор саволлар берилди. Толеъбон эшик ёнида кутиб турарди.

Пировардида шу нарса аниқ бўлдики, Дўстаман водийси ходимлари ўз ишларини у қадар яхши билишмас экан. Бешим шундай қарорга келди ва бунинг сабабини ҳам ўзича изоҳлади: “Демак, мендан аввал ҳеч ким ўз толеъини қидириб келмаган, буларнинг мазкур ишларга тажрибаси йўқ”. Кўлидаги хужжат рақами ҳам шуни кўрсатиб турарди. Ўз хулосасидан кўнгли таскин топди. Ходимлар “лох”, демак, ўз тоштарозумни қўйсам бўлади, деган тўхтамага келди.

Хода ва толхивичдан ясалган эрганақ дарвоза олдида тўхтадилар. Толеъбон кўнғироқ тугмачасини босиб, ичкарига маълум қилгунча Бешим бармоғи билан дарвоза ёндорисини суртиб кўрди ва мойбўёкнинг ҳали қуриб улгурмаганини аниқлади: “Демак, менинг келишимдан булар салгина бўлса-да, чўчишибди, тайёргарлик кўрибдилар”, деди Бешим ичидан қувониб. Ана шу ҳиссиёт таъсирида остонадан виқор билан ўтиб, қақдини фоз тутганча пешайвон томон юрди. Йўлақдан пилдираганча

келаётган одамча Бешимнинг ҳайбатидан чўчигандай тўрт-беш қадам нарида тўхтаб қолди. Деразалардан аёллар ва бўйи етган ёш қизлар қараб туришарди. Албатта, Бешимнинг ярим яланғоч гавдаси, антиқа тарздаги кийимлари ва айниқса, улкан қорни уларда катта қизиқиш уйғотаётган эди. Толеъталаб буни пайқади: “Қани энди бу хонимчаларнинг олдидан қора костюм, оқ кўйлак кийиб, бўйинбоғ боғлаб ўтсанг, бошингда шляпа, оёғингда югослав туфлиси бўлса”, ўйлади афсус билан Бешим ва ўз кўринишини бирров кўздан кечириб, аҳволи ҳақиқатдан ҳам хароб ҳамда кулгили эканлигини тан олди. Майкаси йиртилиб, баҳайбат қорни очилиб қолган, белқарс учма-уч бўлиб олдини тўсиб турса-да, орти очилиб ётар, елкасида ҳамон тўннинг ўша “Т” ҳарфи шаклидаги луадаси.

Йигитни жанданинг ичида танисин деганлар, – қичқирди Бешим аёлларга қараб.

Қизлар жилмайишар, аёллар қикирлаб кулишарди. Мазах қилиш еки-ижирганиш аломатлари кўринмасди уларнинг юзларида. Бешим ёнида фолбиннинг йўқлигидан фойдаланиб, қизлардан бирига кўзини қисди. Одамча кўли билан айвонни кўрсатди ва орқамдан юринг, дегандай имо қилиб йўл бошлади. Толеъбон хайр-хўшлашганча дарвоза олдида қолди. Маҳкамада ёлғиз ўзи ўтирган киши натижани дарҳол маълум қилди:

– Сизнинг толеъингиз бизда йўқ.

– Нега? – ажабланди Бешим.

– Мен сизга айтсам, ҳамма бой одамлар бир-бирларига ўхшайдилар: данғиллама уй, чиройли машина, лавозим, мустаҳкам соғлик ва ҳоказо. Бахтсизлар бир-бирларидан кескин фарқ қилади. Бахтсизликнинг чеку че-

гараси йўқ; биров тўшакка михланган, бошқаси фарзандсиз, ёлғизлик азобига маҳкумлар бор, бири икки бўлмай сарсон юрганлар бор... хуллас, бахтсизлик хилма-хилу ранг-баранг. Агар ўқиган бўлсангиз, Толстой деган бир ёзувчи бу ҳақда қотириб айтиб қўйган. Гапнинг индаллоси шуки, сизнинг толеъингизни топиш анча мушкул иш. Аммо қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ, ҳаракат қила-ямиз. Тахлил натижаларини учинчи поғонага ўтказдик, биров кутасиз.

– Время – это денег, – деди Бешим ўзи ҳам кутмаганда бирдан ўрисчалаб.

Иккинчи минтақа толеъбони ўзгалафзни унчалик тушунмай анграйиб қолди, унга биргина “денег” сўзи таниш эди. Унинг саросимага тушиши Бешимни рухлантириб юберди. Ўзгати сирли таъсир кўрсатмрқда эди. Бир пайтлар раҳбар ходимлар худди шу йўлни тутишарди, яъни ўзбекча гапира туриб русчадан битта-иккита сўзни шундай оҳангдор қилиб бежаб ва ўзгача урғу бериб қўшиб юборишардики, оддий фуқаро бир неча йиллар ифтихор билан ўша раҳбарнинг нуктадонлигидан таъсирланиб юрарди. Бешим ҳам туман халқ таълимининг мудирини лавозимида ишлаб юрган кезлари бу усулни бот-бот қўлларди. Шунини эслаб, сўзида давом этди:

– Мне пара!

Толеъбон қуллуқ қилди. Мийигида кулганча Бешимга яқинлашди. Биров тараддудланиб тургач, унга бақамти келди-да, чўнтагидан бир даста пул олиб Бешимнинг белқарси остига тикди.

– Э тақсир, нима қилаяпсиз? Не, хорошо, – деди босиқлик билан Бешим.

– Арзимас совға...

Афтидан Толеъбон “пара” сўзини

пора деб қабул қилган ва ҳали хаёлида айланиб турган “денег” таъсирида пора сўраяпти, деб ўйлаганди.

– Не хорошо... – бош тебратди Бешим ва шу аснода ҳамёнлари кенгшими тиканли буталарга “ем” бўлганлигини эслади, қўлини белқарс остига юбориб, пулни маҳкам ушлади.

Телефон қўнғироғи жиринглаб қолди. Толеъбон югургилаб бориб дастакни кўтарди. “Тайёрми? Олиб кинг”, деди-ю, Бешимга қараб, хушнуд жилмайди. Орадан беш дақиқа ўтганда учинчи ҳудуд дарвозаси олдида пайдо бўлдилар. Толеъбон қўнғироқ тугмачасига қўл чўзди. Бешим ичкарига қадам қўяркан, бутун борлиққа соя ташлагудек ғоят улкан дарахтга кўзи тушди. Хаво муътадил, аввалги жазирамасидан ном-нишон йўқ. Икки-уч одим нарида мешлар думалаб ётибди. Бешим улардан бирини оёғи билан туртиб кўрди, илқиллайди.

– Ухлаяпти, – тушунтирди Толеъбон.

– Нега ухлайди? Қанақасига ухлайди? – ажабланди Бешим. – Улар мешлар-ку ахир, оддий мешлар. Боши ҳам йўқ, кўзи ҳам. Қатиқ тўлдирилган тулумнинг ўзи, бир туки кам эмас.

– Шундай, лекин улар тирик, ҳатто зарурат туғилганда ҳаракатланадилар ва юрадилар ҳам.

– Буларнинг қайси бири меники? Кўрсата оласизми? – сўради Бешим бепоён кенгликни эгаллаб ётган бу антиқа жонзотлардан кўз узмай.

– Кўрсатаман, – жавоб қилди Толеъбон.

Толеъбон йўл тортди, Бешим унинг ортидан эргашди.

– Мана! – қўли билан мешлардан бирига ишора қилди Толеъбон.

Меш соянинг қуюғида илқиллаб

ётарди.

– Шуми? – ишонқирамай сўради Бешим.

– Сизнинг толеъингиз шу.

– Бунинг нимаси менинг толеъим? Қандай исботлайсиз? Ахир, уларнинг ҳаммаси бир хил-ку!

– Йўқ, фарқи бор. Эътибор берган бўлсангиз, аввалги ҳудудлардаги мешлар буларга нисбатан кичикроқ, баъзилари буришиб қолган, ҳатто сўлинқинамолари ҳам бор эди. Уларнинг ранги тўқ қўнғирдан қорамтиргача, буларнинг ранги эса оч қўнғир, ҳатто оқимтирлари ҳам бор.

– Билишимча, бу ерда минглаб толеълар ётибди. Шундай бўлгач...

– Фикрингизни уқдим, – унинг сўзини бўлди Толеъбон. – мешлар рақамлар билан белгиланган. Мана, ҳозир... Толеъбон эгилиб мешнинг у ён-бу ёнига қаради, аммо рақамининг нечалигини айтолмади.

– Товламачилик! – қичқирди Бешим, – Толеъбоннинг хижолат чекаётганидан фойдаланиб.

– Бор, бор, топамиз. Толеъингиз узоқ йиллар сояда ётавериб, ўта семирган, натижада териси таранглашган ва рақамлар ўз кўринишини йўқотган, яйралиб кетган. Лекин топамиз.

– Семирган? Нега семиради? Мен бир умр қийналсаму, бу ҳайвон семираб ётса, ҳозир чавақлаб ташлайман! – ўдағайлади Бешим ва бор кучи билан мешнинг қорнига тепди.

– Шовқин солманг, тақсир. Уларни чўчитиб юборасиз. Нима бўлганда ҳам инсон тақдири улар. Ҳамма иш ўз ройиши билан бориши жоиз.

– Мен бахтли бўлишим учун нима қилишим керак?

– Бу ернинг қоидаси оддий: толеъ азобда бўлса, соҳиби роҳатда ва аксинча соҳиби азобда бўлса, толеъи роҳатда.

– Ҳозир чавақлайман у лаънатини! – жўшиб кетди Бешим ва чавақлаш учун ўткирроқ нарса қидириб, атрофга қаради. Девор дарзида шакли ўроққа ўхшаш қандайдир асбоб кўринди. Толеъбон унинг йўлини тўсди.

– Барибир ўлдираман, – бўкириб юборди Бешим. – Мени шунча йил азоблаган, ўзи сояда ётиб семирган толеънинг баҳридан ўтаман!

Биқинига устма-уст тепки тушаётган толеъ "ғиз-ғиз" этиб овоз чиқарар ва аста-аста худди шимол денгизларида яшайдиган тюленлардек қийинчилик билан ҳаракатланиб, офтобда қизиб ётган майдонча томон силжирди. Толеъбон нима чора кўришини билмай эсанкираб қолмаса эди, деб атрофга хавфсираб қарарди. Ўз муваффақиятидан руҳланиб кетган Бешим аввалгидан беш батлар жазавага тушиб, мешни тепкилай кетди. Унинг имиллашига қаноат қилмай, муштини ишга солди. Чўкка тушиб, мешнинг елкасидан тишлади, хуллас, терлаб тишиб "жанг қилди".

– Бас, етар! – деди Толеъбон журъат билан унинг кўлидан тутиб. – Катталар билиб қолса, менга ёмон бўлади.

– Шуми ўзи, – пўписа қилди Бешим, – бошқанинг толеъини чиқарган бўлмай.

– Сизники. Агар шубҳа қилсангиз рақамини кўрсатишим мумкин.

– Кўрсатинг-да. Шу пайтгача нима қилиб лайлак ҳайдаб турибсиз?

Толеъбон омборхонадан белкурак олиб чиқди. Уни толеънинг тагига суқиб, Бешимни кўмакка чорлади. Икковлашиб мешни ағдаришди. Унинг кўкимтир томирлар бўртиб турган оппоқ қорнида қатор тизилган рақамлар кўринди.

– Хужжатингизга қаранг, солиштиринг, – деди Толеъбон.

Бешим рақамларни солиштириб кўриб, мамнун жилмайди.

– Фақат бу томони қандоқ бўларкин? Бошлиқлар нима дейишаркин? – деди Толеъбон ўзига ўзи гапиргандай қилиб, Дўстаман тарихида сира бундай бўлмаганди.

– Наридан борса битта ҳайфсан оларсиз, – минғирлаб қўйди Бешим ва сўради:

– Энди бу лаънати меш яна ўзини сояга урмайдими?

– Уради. Лекин булар ўта ялқов, камҳаракат ва эринчоқ. Шу туришда азобланиб, бир неча йил ётиши ҳам мумкин.

– Менга қаранг, – деди Бешим, кўлини Толеъбоннинг елкасига ташлаб. Икков дўст бўлайлик, қиёматли дўст. Мана буни одинг! Липпасига қистирилган пулни олиб узатди. Сояга ўтгани қўйманг, илтимос. Йўлингиз тушиб, биз томонларга борсангиз хурсанд қилардим.

Толеъбон ўйлаб қолди. Пул ўз кучини кўрсатдими ёки Бешимнинг дўстлик тўғрисидаги гаплари ёқиб қолдими, ҳар ҳолда унинг қулоғига эгилиб, шивирлади:

– Кечаси дарвоза олдида сизни кутаман. Келинг, муҳим гап бор. Ҳозир боринг-да, яхшилаб дам одинг. Кечаси соат бир ярим, иккилар орасида кутаман. Хўп, ҳозирча хайр!

Бешим савол беришга улгурмай қолди. Толеъбон дарчадан ўтиб, кўздан пана бўлди:

Бешим тунда бир неча бор уйғонди. Тинч ухломмади. Ўзича турли халларга борди, Ниҳоят айтилган пайтда дарвоза ёнида ҳозир бўлди. Толеъбон кутиб турарди. "ушланг" деб Бешимнинг кўлига юмшоқ бир нарса тутқазди.

– Нима бу? – хириллади Бешим.

Толеъбон ўзига хос бир ҳаракат билан жим юриш кераклигини ан-

латди. Бешим қоронғуда пайпаслаб бўлса-да, кўлидаги нарса чоғроқ қоп эканлигини англади, аммо бунинг нимага керак бўлишини тушунмади. Бораверди. Толеъбон ерга чўккалади ва Бешимнинг енгидан тортиб, уни ҳам чўккалашга ундади. Ерга толеъ меши қорайиб кўринди. Толеъбоннинг ишораси билан қопнинг оғзини челақлаб, унга толеъ мешини солишди. Бу иш анча машаққат билан бажарилди. Иккаласи ҳам ҳарсиллаб нафас олишарди. Толеъбон ўрнидан туриб, йўл бошлади. Бешим қопни елкалаганча унинг ортидан эргашди. Бу ишлар замирида нима ётганини ҳамон тушуниб етган бўлмаса-да, яхшиликка йўяр ва қовун тушуриб қўймаслик учун жим борарди. Йўлда икки-уч бор дам олдилар. Шунда ҳам ҳеч ким гинг деб оғиз очмади. Уч марта девордан ошиб ўтишга тўғри келди. Дарвозалар қулф бўлганлиги сабабли шундай қилишдан бўлак иложлари йўқ эди. Толеъбон девор устида туриб қопни тортиб олар. Бешим пастдан қўллари билан кўтариб боши ва елкаларини ишга солиб унга ёрдам берар, кейин қопни деворнинг нариги томонига секин туширар ва яна елкага олиб йўлда давом этишарди. Уч бора ана шундай довондан ўтишга тўғри келди. Ниҳоят биринчи ҳудудга – толеълар азобда яшайдиган ҳудудга етиб келдилар. Толеъбоннинг имоси билан Бешим қопни бўшатди. Толеъбон катталиги ўртача қовундек келадиган мешлардан бирини қопга солди ва "кетдик" дея шивирлади. Унинг овозидан қаттиқ ҳаяжонланаётгани билиниб турарди.

– Хайрият! – деди Толеъбон ўз ҳудудига етиб келгач.

Бешим қопни ерга қўйди.

– Бўшатилинг! – буюрди Толеъбон. Бешим буйруқни сўзсиз бажарди.

“Муҳим гап”нинг нима эканлигини энди англаб етган ва Толеъбонга қандай қилиб миннатдорчилик билдиришни ўйларди. Пули қолмаганди. Қоронғуда ҳеч нарса кўринмаса ҳам унга миннатдор нигоҳ билан тикилиб турди-да, белидан чарм камарини шартта ечиб, дўстига узатди. Дўстаманда бундай буюмлар жуда қимматли совға ҳисобланарди. Бешим барча ҳудудларнинг Толеъбонлари камарига оч нигоҳ билан тикилишганидан буни пайқаб олганди.

– Ўзим ҳам шундай қиларсиз, деб ўйловдим, – миннатдорчилик билдирди Толеъбон камарни оларкан.

Бешим туннинг қолган қисмини ўша ҳудудда ўтказди. Кўнглида “Қайси бир шўринг қўрғурнинг толеъи бўлса?” деган ўй шарпа ташлаб турса-да, қилган ишидан ҳар қалай мамнун эди. “Кимнинг толеъи бўлса ҳам буришиб муштдеккина бўлиб қолган экан, мана энди бироз жонланади”, деб ўзига таскин берди ва кўнглининг бир четида илйиниб турган хижилликни қувди. Толеъбон ўйқудан туриб белидаги камарга дамба-дам қараб кўяр ва қўллари билан юмшоқ чарм тасмани силаб-сийпаларди.

– Ҳар ҳолда билиб кетсам ёмон бўлмасди. Толеъбоннинг елкасига қўл ташлади Бешим. Биз алмаштириб қўйган Толеъ кимники?

– Мен айтаман, – жавоб қилди Толеъбон. – Аммо сиз қаттиқ сир сақланг. Ҳар ҳолда бу қалтис иш. Бировнинг толеъи билан ўйнашиб бўлмайди.

– Албатта. Сиз айтганингиздай бўлади.

Толеъбон чўнтагидан қоғоз олиб рўйхатга кўз ташлади ва минғирлаб ўқий бошлади: Синдор Сулаймонов,

ёши ўттиз бешда, манзили – Кешкаш шаҳри.

xxx

Сафари қариганини ҳис қилди Бешим. Тезроқ ўз юртига етиб бориши ва юз бериши муқаррар бўлган мўъжизани қўшқўллаб кутиб олиши даркор эди. Йўлга тушди. Бош маҳкама олдида вертолёт кутиб турарди. Қудратли машина кўкка парвоз қиларкан, ҳамроҳларига кўз ташлади Бешим ва фолбиннинг йўқлигини шундагина пайқади. Басавлат, мансабдор кишиларга ўхшарди улар. Олдинги ўриндикда ўтирган икки кишининг суҳбати беихтиёр қулоғига чалинди:

– Сиз ҳам шу масалада келганми-дингиз? – оўради ёши улугроқ киши ҳамроҳидан.

– Ҳа, сал шовурини сезиб қолдим. Айғоқчиларим яхши ишлашади. Биттаси... товушини пасайтирди ўттиз беш ёшлардаги мансабдор, – бизди тағимизга сув қўймоқчи бўлган экан. Вертолёт кира қилдим, дарҳол етиб келдим.

– Натижа қалай?

– Тинчитдим.

– Омон бўлинг, ука. Замон сиздай ишбилармонларникида, Синдор ука!..

“Синдор Сулаймонов” – хаёлидан ўтказди Бешим ва бутун вужуди билан титраб кетди. Шундай басавлат одамнинг офтобда қуришиб жизғанақ бўлиб қолган толеъи кўз ўнгига келди. Унинг “тинчитгани”га ишонишини ҳам ишонмаслигини ҳам билмасди.

Суҳбатдошлар ҳам ниманидир сезгандай жимиб қолишди. Фақат Бешимнинг хаёлига антиқа режалар келди, аммо ер билан осмон ўртасида муаллақ туриб ҳеч қандай режани амалга ошириб бўлмасди.

# Яшаётган сафрлар

**Чори АВАЗ**



Рухим ҳам  
сафарга  
таппа-тахт,  
ҳозир

## ОРЗУ

Бир ёруғ кунларга талпинар кунгил,  
Бир хушрӯй кунларки, гуллардек қашанг.  
Оқшом юлдузларга хушнуд тикилиб,  
Она-Ер ташвишин чекиб яшасанг.

Саболар қизларнинг соҳия тараса,  
Еллар ифор рангин юрсалар кийиб,  
Оплоқ шомлар чўкса, сун бўии нафис  
Сукунатлар эртак суйласа ийиб.

Ёру дўст, ҳамсуҳбат одамлар эса  
Гул ва ариларга ухшаса бироз,  
Соз бўлса бу дунё, сен-чи тингласанг,  
Ё сени тингласа сен чалганда соз.

## УНДАШ

Умр ёзнинг тунидек қисқа,  
Эплаб яшаш оғир шуни ҳам.  
Қоп-қоронғу бўлмасди йўкса,  
Бу қадарли бечора олам.

Майли, тонгни, дейлик, кўп узок,  
Унга етмоқ ростдан-да қийин.  
Нима жонни койитиб озрок,  
Юлдузларни уйғотмоқ мумкин.

Нимадандир мамнунман бугун,  
Демак, ҳали нимадир тирик.  
Боисини билай деб секин,  
Кунга боқдим асаларидек.

Қалин туман, куним изим йўқ,  
Ўтирмаса бўлар уриниб.  
Ёлғизгина учта-гуртта чўғ,  
Хирагина турар кўриниб.

Мамнунлигим, шуъласи мисол,  
Порлаб турар туманда улар.  
Чўққа томон интилди, алхол,  
Нигоҳ ила бирга туйғулар.

Танидиму қувондим тўйиб,  
Ахир, билдим нечун мамнунман.  
Чўғлар менинг бугун кун бўйи,  
Рост яшаган онларим экан.

## ЭЪТИҚОД

Йилларнинг тўридан емрилган кўнглим  
Узоқ ва муттасил этдим мен таъмир.  
Қўли гул меъмордай тер тўқди ғамим,  
Хунарманд мисоли гул чизди сабр.  
Шу-шу бир ойдинлик фаришталардай,  
Кўнглим қатларини силаб ёзадир.  
Энди ҳар нарсага мен тайёр, мен шай,  
Рухим ҳам сафарга таппа-тахт, ҳозир.

\*\*\*

Ёшлик ўтди, ҳислар оташин,  
Ҳарорати сўнди, пасайди.  
Тирикликни не деб аташни  
Ўргандиму, бирдан кексайдим.

Яна мендек бир зот бормикин,  
Ёлхизликдан куйган, ўртанган.  
Одамларга талпинган, лекин  
Талпинмаслик дарсин ўрганган.

## ЗОҲИД ҚУВОНЧИ

Мен сени ҳар куни кутиб яшадим,  
Қутдим роппа-роса беш кун мен сени.  
Сен боис ҳар кунни енгиб яшадим,  
Беш кунлик дунёни енгдим сен боис.

Мана сўнги ойлар, сўнги лаҳзалар,  
Ёпирилиб келмоқда севинч тумани.  
Юрагим уришдан тўхтар ҳозир ва  
Ҳузурингда пайдо бўламан сенинг.

## ШОМ

Шом- кундузнинг туби, шубҳасиз,  
Жим-жит, сокин илоҳий маҳал.  
Кундуз шарофати боис сиз,  
Шомда сергак тортасиз ҳар гал.

Чиндан, сергак тортилар шомда,  
Турган пайтда тунга дучма-дуч.  
Сергак тортмоқ бошқа бир дамда  
Эрта бўлар ё албатта кеч.

\*\*\*

Мен қизиқмай қўйдим эртага.  
Мен – ўттиз беш йил  
Муттасил  
Эртага қизиқиб яшаган одамни  
Тушунинг, биродарлар.

\*\*\*

То тирикман, менинг борлигим,  
Шодлик ато этсин дўстларга.  
Хатто исмим ёдга олса ким,  
Бир жилмайиб қўйсин дўстларча.

Ғамгин бўлса қайғуси ариб,  
Нари кетсин кўнгил ғубори.  
Майса янглиг чиққан тош ёриб,  
Ёнга олсин ғамнинг залворин.

\*\*\*

Кўнгил хаволанур, дод! – дейди жисмим,  
Ер-Ватан, қучоқлаб ёт! – дейди жисмим,  
Кўнгил сенга ағёр, ёт! – дейди жисмим,  
Жисмимнинг сўзидан дил пора-пора.

Айролиқ Ер билан осмонлар қадар,  
Жисмим дил кўзига наштарин қадар.  
Мен курмадим бундан буюкроқ қадар,  
Туним тийра бўлди, кундузим қора.

Тангрим, мадад бер, бу – мангу нидодир,  
Жисмим дилга тинмай қабр қазадир.  
Жисм ғолиб келса, кўнгил озадир,  
Жисмим ҳар ён дилим тортадир дора.

Кўнгил меникидир, мен ҳам у тараф,  
Жисм ҳам бегона эмас-ку, ё раб.  
Бу ҳолга бўлмагай бепарво қараб,  
Наҳот йўқ ўлимдан ўзга бир чора?!

Нега, нима учун? – дея қизиқманг.  
Бу мумкинмас! – дея қизишманг.  
Ҳеч бўлмаса бир кунгина  
Шундай яшаб,  
Исбот этмоқчиман  
Ўзбекнинг қўлидан келадиған  
Яна бир ишни.



Дилрабо ВОИЗ

# ХОСИЯТЛИ ТУШ

(Хикоя)

Шаҳарнинг кўп қаватли биноларидан бирида пастки биринчи қаватида яшовчи бир оила бор. Бу хонадондан кўшнилари на бир қаттиқ овоз чиққанини, на бир ҳандон этиб кулиш эшитилганини билишади. Бу уйга ҳатто меҳмонлар таъриф буюришганда ҳам тинчлик, осудалик ҳамisha ҳукм суради. Негаки хонадон соҳиббаси Мунаввар опа яккаю ягона фарзанди Ибодатхон дард билан туғилиб, дардига даво тополмаганидан сўнг ўзини ўзи гамгинликка маҳкум этди. Кейин яна фарзанд кўришга юраги дов бермади. Турмуш ўртоғи ҳам унинг, фарзандининг кўнглига қарар, улар нима деса шуни қиларди. Ҳамма изтиробларини, дарду-аламларини қалбининг қурига яширганча бирор кишига бирор оғиз ҳам шунча йилдан буён ўз ҳаётидан нолиб кўрган эмас. Ота-онаси, бошқа бирор аёлга уйланиб бахтингни топсангчи, бутун умрингни гам-ғусса билан ўтказмайсан-ку, дея оиласи бузилган бир жувонни айтишди ҳам, у туюқиб кетарди. Ўйлаб гапираяп-сизларми мен хотинимни ҳам, қизимни ҳам яхши кўраман. Улардан нима бўлганда ҳам воз кечмайман. Ногиронлик айб эмас-ку. Қизим ҳам шундай туғилайин деб туғилмаган-ку. Қариндош уруғларининг эса қизини ногиронлар уйига топширишни маслаҳат берганларида алаmidан юзи кўкариб, тили калимага келмай қолди.

... Илҳом билан Мунаввар севишиб турмуш қуришганди. Фарзандни худодан икки йил давомида тинмай илтижо-ю ибодатлар, сабр ила тилашди. Ниҳоят қизалоқли бўлишди. Чақалоқни еру кўкка ишонишмасди. Чақалоққа Ибодат деб исм қўйишди. Аммо одатда икки ойдаёқ оёқ босиши керак бўлган бола бир ярим ёшга тўлса ҳам оёқ босолмас, ҳатто эмаклашни ҳам билмасди. Юрғизиб, тойтой қилдиришга ҳаракат қилишса қадам босолмаганидан алам билан худди бирон жойи оғриётгандек, чинқирганча йиғлаб қоларди. Фақат бир жойда ўтира оларди, холос. Қизалоқнинг ота-онаси бундан хавотирга тушиб қолишди. Аҳво-



син тура олмас, қанотларини ҳам ёзолмасди. Кутилмаганда қаёқдандир оппоқ салла-ю оқ ятак кийган, нуроний чехрасидан маъноли табассум ёғилиб турган оппоқ соқолли бир чол ҳассасига таянганча унинг қаршисида пайдо бўлди. Чол унга қўл узатди-да Ибодатнинг қўлларидан тутиб уни ўрnidан туришга ёрдамлашди. Ибодат эса қўрқа-қўрқа қалтираганча турарди. Ҳалиги нуроний чол жуда чиройли ялтироқ, кўзларни қамаштирувчи худди эртақдаги Золушканинг сеҳрли туфлисидек оёқ кийимни энгашганча Ибодатнинг оёқларига кийдириб қўйди. Ибодат кўзлари чақнаб ҳаяжонланганча “бобожон, сиз кимсиз, айтинг, бу менгами? Менга совға қиляпсизми”-дея қайта-қайта сўради қувончини ичига сиғди-ролмайд. Ҳалиги чол майин овозда, ҳа болажоним, сенга совға дея қизнинг пешонасидан бир ўпди-да кўздан ғойиб бўлди. Ибодат унинг қаёққа кетганидан таажжубланиб қолди. Туфлини кийиб, мустақил ўзига ишониб, ишонмай қадамни тез-тез боса бошлар, севинчи ичига сиғмай, севинчига шерик бўлсин деб дадажон, ойижон, мен юрдим, ҳалиги бобо менга сеҳрли ковуш совға қилди,- дея ҳаяжонли ҳайқирганча поёнсиз гулзорлар аро югуриб борарди... Ибодатнинг энгашиб қолган бўйни толиқиб зирқираганидан уйғониб кетди. Уйғонди-ю дарди дунёси зиёда бўлди. Стол устига дастурхон ёзилиб, иштаха қўзғайдиган мазали таомлар ҳади уфуриб турган йссиққина нонлар ҳам унинг чиройини очмади. Кейинги хонадан ота-онасининг ниманидир гаплашаётгани эшитилиб турарди. Дадаси ишдан қайтиб, унга илиниб олиб келган китоблару, нафис тикилган қандайдир буюм ҳам ёнидаги курсичада турган бўлса-да кайфиятини кўтармади. Ибодат қанотли қўшдай қўлоч ёзиб, ям-яшил майсазорлар узра учгани елиб –югуриб юргани тушида-руй берганидан, аслида эса оёғи ҳали ҳам жойидан қимирламайдиган, дарди бедаво эканлигидан кўнгли хуфтон бўлди. Унинг авзойини кўриб, юраги ўртанган Илҳом ва Мунавварнинг бири қўйиб бири гапирар, унинг хафалигини чалғитиб, эсидан чиқаришга уринишарди. Ота-онасининг ўз жонларини қўш-қўллаб ўзига топширишга шай ҳаракатлари ҳам унинг қарахт вужудини ўз қўвнок ҳолига-қайтаролмасди.

Ота-онаси саросимага тушиб қолди. Не-не ширин гаплар айтилмади. Не-не ваъдалар берилмади, аммо булар заррача таъсир қилмади, аксинча кўзларидан икки томчи ёш думалади.

-Кўпдан онанг иккингни ҳайвонот боғига айлантириб келсам-деган ниятим бор эди. Бугун вақтим бор, нима дейсан қизим, борасанми? – етмиш икки томири эзилиб сўради дадаси. Минг бир иккилайишлар билан истар-истамас бош қимирлатди. Кейин учаласи ҳайвонот боғига кетишди.

Онаси олдинда аравачасини қафаслар олдидан оҳиста юргизиб борар, ўз қафасларида одамларга бизни қўясанларми-йўқми дегандек важоҳат билан хўмрайиб турган арслонлар, тишларини кўрсатиб ириллаётган силовсинлар, дунёни сув босганида ҳам тўпиғига қимқайдиган бепарво, беғам ётиб, уйқуни уришдан бўшамаган тўнғизу, улкан иморатнинг устунидан битта оёғи билан ернинг мойини чиқараман дегандек, хартумини кўкка кўтариб, пишқирган филларни қизига кўрсатиб, унинг туманли ҳаёлини тарқатишга уринарди...

Гоҳ бир-бирини туртишиб, гоҳ онасининг елкасига миниб, тегажўқлик қилаётган маймунчаларнинг шўҳлиги демаса, Ибодатнинг кўнглини илитадиган бирон ҳодиса юз бермади. Онаси яна тараддудга тушиб қолди.

Отаси хабарлашиб келай деб кетган ишхонасидан келгунча ҳам сабр қилмай дарвозадан чиқишди. Мунаввар қизининг кўнглини оладиган бир иш қилмоқни истарди.

Ҳайвонот боғи дарвозасидан чиқиб, ўнга бурилгач, йўлакча четида аравачани тўхтатди-ю қизига тайинлади.

-Қизим, шу ерда қараб тур, нариги томонда "Минг битта буюм" дўкони бор. Шу ердан сенга бир ажойиб совға олиб қайтаман.

-Тезроқ қайтинг, – лаби дўртайиб, ҳам эркаланиб тўнғиллади Ибодат.

Шу пайт катта йўлни кесиб ўтаётган онаси қаршисида бурилишдан кутилмаганда чиққан юк машинаси пайдо бўлди. Устига оғир юк ортган машина зўриқиб гурилларди. Унинг баҳайбатлиги, тутунини бурқситиб, гуриллаши Ибодатни даҳшатга солди. Ҳеч нарса кўриб бўлмасди. Онаси йўлига қараб ўтирган қизнинг кўзи соққасидан чиққудай оқариб, бўйин томирлари туртиб чиққан, боши кабрахт эди. Онасининг изига термулиб аравачада ўтирган Ибодат машина тутуни орасида онасини кўрмай қолди. Бунинг устига машина олд қисми қарсиллаб бир нарсага урилганини эшитди-ю, бақариб юборди.

-Онажон!!!

Онаси юк машинаси йўл кўрсатгич темирга урилишидан олдин йўлдан ўтиб олган эди. Жонҳолатда аравачадан тушиб кетиб уч-тўрт қадам босган ва йўл четида йиқилган заҳоти ҳушидан кетган қизни ўтган-қайтган йўловчилар кўрди-ю, кўтариб олишди. Кимдир газ буткасига югурди, ҳовучида сув сепди. Икки-уч дақиқада ўзига келган қизни бир меҳрибон онахон ҳолироқ жойга қўлтиғидан олиб, юргизиб борди. Қўлида совға билан келаётган онаси аравачани буш кўриб, даҳшатга тушди, аммо шу лахзада ўн қадамча нарида, ўнг томонда бир аёл қўлтиқлаб олган ва у билан оҳиста қадам босиб бораётган қизига кўзи тушди-ю ҳаяжондан юраги қинидан чиқаёзди, кўзларидан шошқатор ёш тизилди, лабларида кулгу ўйнади. Бу юриб бораётган қизи Ибодат эди. Ибодатнинг кечаги туши шундай ижобат бўлганди...



# Баркамоллик Зиеси

Мафтуна НОРМАТОВА



Нафис  
шеърларимнинг  
васлига  
тўйинг

**ВАТАН**

**ХАЁЛ**

Заминларга туташувчи илдизимсан,  
Юракларга чорлаб, турган юлдузимсан,  
Қора туним ёритувчи кундузимсан,  
Гардларингни қоним билан ювадурман,  
Ватан сени мангу, абад севадурман.

Атиргулнинг тикани бор,  
Мени унга этманг қиёс.  
Севгим сизга бермас озор,  
Капалакнинг ишқига хос.

Номинг билан бошланади ҳар бир сўзим,  
Ҳеч бир олис кета олмас бўлган изим,  
Шаънинг учун фидо бўлай ҳар он ўзим,  
Ғанимларни атрофингдан қувадурман.  
Ватан сени мангу, абад севадурман.

Қуйиламан ёмғир бўлиб,  
Кафтингизга олиб ичинг.  
Лабингизда яшай қулиб,  
Бахт бўлмасам мендан кечинг.

Деҳқонларга кетмондаста бўлсам қани,  
Ишқинг бирла жони хаста бўлсам қани,  
Хизматингга камарбаста бўлсам қани,  
Мен ҳам битта сафингдаги тевадурман.  
Ватан сени мангу, абад севадурман.

Ўй сурсангиз ширин хаёл,  
Қалбингизнинг орзусиман,  
Зарчашмаман сокин, зилол,  
Кўзларингиз ёғдусиман.

Тоғларингда шилдираган булоқ бўлай,  
Шоирларнинг байтларида турок бўлай,  
Ҳофизларинг навосида ушшоқ бўлай,  
Дарахт бўлсанг мен бир ширин мевадурман.  
Ватан сени мангу, абад севадурман.

Армонларни орзу дея,  
Ҳадсиз ғамга тўлиб қолдим.  
Ҳа, хаёллар суравериб,  
Хаёлпараст бўлиб қолдим.

## ЁШЛАРГА

Мени тушингизга яшириб кўйинг,  
Безовта қилмайин хушларингизда.  
Нафис шеърларимнинг васлига тўйинг,  
Ҳар лаҳза қолайин тушларингизда.

Имкон дарахтининг меваси асал,  
Нигоҳим тўлқини оқади сойга.  
Пойингиз силаган майсалар гўзал,  
Васлингиз сўзлайин тунлари ойга.

Оташин кўзимга кириб қолсангиз,  
Кипригимдан тўсқин ясардим шу он.  
Гар меҳримни дилингизга солсангиз,  
Эзгулик - чун бошлар эдим галаён.

Мени ҳеч ўйламанг, сиз учун яшай,  
Мен олий мақсадга ундаган ишонч,  
Йўлингизга соғинч ҳисларим тушай,  
Майли пойингизда яшасин қувонч.

## САВОЛ

Яна титрамоқда жажжи юрагим,  
Унинг важоҳати таним титратди.  
Тилларимда қотиб қолди бир савол,  
Нега мени куйчи қилиб яратди?!

Маюс кўзларимда мунгли эхтирос,  
Юлдузим тополмай ҳалакман бедор.  
Нега вужудимда эриб кетар ёз,  
Бахт-у қувончимга сизгамайди баҳор.

Нечун кипригимда титрайди афсус?  
Бағримда тўкилиб кетмайди ташвиш.  
Нега соғинчимда йиғляпти куз?  
Аёз нафасимдан титраяди қиш.

Кўзлар манзилимда чегара йўқдир,  
Орзуларим ҳадлари йўқ, бепоён.  
Не учун измимга тушмайди тақдир,  
Бунча мавҳум руҳимдаги жараён.

Нега мени куйчи қилиб яратди?!

## ЮРАК ҲУКМИ

Юзларимга сапчима ёмғир,  
Кипригимдан сакраб тушма қор.  
Бўрон мени судрама, ахир,  
Шу ерларда қолишим даркор!

Оҳ, алдаманг, эй гўзал гуллар,  
Ёндошмагин ўзгача кўёш!  
Кутиб туринг мени манзиллар,  
Йўлларимни тўсиб қўйма тош.

Керагим бор билсангиз агар,  
Ҳавасаки эмас ҳисларим.  
Айтилмаган гапни муътабар,  
Қурилмаган бахтни истадим.

Агар топсам, этардим тортиқ,  
Ҳадя қилиб баёзларимга.  
Ва муддао қолмасди ортиқ,  
Нур кирарди қоғозларимга.

Баҳра олиб дилрозларимдан,  
Балки сенга тегарди инсоф.  
Яхшиликлар-Истайман сенга,  
Билсанг бари тилакларим соф.

Куйгин мени қувма бу йўлдан,  
Бекорга ҳам кетади вақтинг.  
Мен куйчиман унутиб қўйма,  
Шайдолигим минг бир бахтга тенг.

## ҚАЛАМ

Чақмоқни жиловлаб йиғлайди сиёқ,  
Оғринган кўнгилга малҳам тутлади.  
Шу ожиз жисмига бир митти таёқ,  
Дунё ҳикматларин юклаб ўтади.

Дил розларин дарёдек тўқар,  
Йўқ, у қалам эмас, шоир юраги.  
Эзгу туйғу билан тўлғонмаса гар,  
Бўлмасди куйчига унинг кераги.

# САРОБГА АЙЛАНГАН БАХТ

(Хикоя)



Тупроқ йўлда йиқила-сиқила югуриб кетаётган чол ерга ўтириб олди. Кўзларидан тўкаётган шашқатор ёшлари алам, азоб, нафрат нишонаси эди. Юраги тез-тез ураб, бир нима деб гўлдирар, овозини ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмаётганидан алами кўзирди. У кўлидаги ҳассасини ҳавога кўтарди. Сўнгги ҳучини йиғиб бир икки чуқур нафас олди-да, бор овозини қўйиб, қарганди.

- Берган тузим кўр қилсин! Болангни уволи тутсин! Сени ўлсам ҳам кечирмайман!

Шунда ҳам унинг овозини ҳеч ким эшитмади. Қалтираб, ҳассасига таяниб зўрға ўрнидан турди. орқага қайтаркан, уст бошини қоқишни ҳам унутди. Ичида эса ҳаёти китобини бир- бир варақларкан аламли кунлари гавдаланаверди. Умри гуё изсиз ўтган карвондек туюлди. Шамол оғир туйғуларни сезгандек, чолнинг яланғоч кўксини силаб қўярди...

\* \* \*

Манзуранинг эшиқдан кулиб келиши Омон отанинг руҳини кўтариб юборди.

-Отажон, ўқишга кирдим.

Манзуранинг овозидан унинг эртанги, хушдон хотиржамлик сезилиб турарди.

Кечки пайт қариндошларни чақириб, ош қилишди. Ҳамма Манзурага катта олим бўлиб етишишини тилашарди. Орадан беш йил ўтиб, тиришқоқлиги ва билимдонлиги учун олийгоҳга устозлари қаторига қўшилди.

Турмушга чиққанидан сўнг, поезд охири берк бошқа изга тушгандек унинг ҳаёти ҳам ўзгаришлар қуршовида қолди. Турмуш ўртоғи «Ишлама, шаҳарда юришинг менга ёқмайди; рўзғор тебратиш аёлнинг иши эмас,» - деб оёқ тираб одди. Отасининг раъйига қараб, Манзура шаҳардаги ташвишли ҳаётига ҳам, севимли ишига ҳам якун ясади.

Сўзини ерда қолдирмагани учун турмуш ўртоғи Шерали Манзурани бошига кўтарарди. Бошланишида ҳаммаси яши эди. Бир- икки йилдан сўнг, ўқиган аёл учун, рўзғор ишлари-ку майли, далада ишлаш малол кела бошлади.

- Бошқа чидолмайман, - деди Манзура эрига йиғлаб, -шаҳардан иш топинг, ўғилчамизнинг келажаги учун ҳам, бир ўзимни ўйлаганим йўқ. Аҳволингизни қаранг, қорайиб, оёқ-қўлингиз ёрилиб, кексаманд одамга ўхшаб қолгансиз.

Шерали даладан чарчаб келгани учун ҳам хотини билан тортишиб ўтирмади. Айтган гапи шу бўлди: «Дехқон учун шаҳарда иш бормикан?»

У тўнини секин ечиб, айвондаги миҳга илди- да, ичкари уйга кириб кўрпачага чўзилди. Манзура эса ошхонага кўзёш тўкишга тушди.

- Ўқимаганимда алам қилмасди, - дерди у ҳар йиғидан тўхтаганда. Ўзи билан ўзи бўлиб, отаси кириб келганини сезмай қолди. Дарвозахонада турган Омон ота уйда ҳеч ким кўринмаганидан ҳайрон бўлиб:

- Ассалому алайкум, биров борми? - дея овоз берди. Отасининг овозидан, Манзура сесканиб кетди. Кўз ёшларини артиб, юзига бироз табассум юргизди- да, унинг қарши-сига чиқди.

-Хуш келибсиз, ота, келинг.

-Куёв кўринмайди? - сўради Омон ота, қизининг пешонасидан ўпаркан.

Қайнотасининг овозини эшитиб, Шерали уйдан чиқиб келди.

-Келинг, ота.

Дастурхон бошига ўтиришгач, Манзуранинг яна «дардхалта»си очилди.

-Мен бу шароитда яшолмайман. Беш, олти йиллик умрим ҳавога учдимми?

Омон ота қизининг дийдиёсини бўлди.

- Жон қизим, эрингинг ери бор. Ери бор инсон ҳеч қачон ҳор бўлмаган. Яшашинг ёмон эмас. Ўқигандан ўқидинг, ишлагандан- ишладинг. Оилангни ўйла, бу- иш эмасми? Ўғлингнинг тарбияси ўзи сенга катта иш. Яхши фарзанд- яхши келажак. Оила мадрасадек муқаддас жой. Остонангни тепиб кирма, тепиб чиқма.

Бечора Омон ота насиҳатларининг кучи кимга етди, кимга етмади.

Бирор ҳафтадан сўнг, Манзура оиласини ташлаб, шаҳарга кетиб қолибди, деган гап бутун қишлоққа тарқалди. Ота қизиникига ҳар доим қатнаб, куёвининг олдида ўзини айбдор санагандан кўзига тик қаролмас, нуқул кечирим сўрашдан нарига ўтолмай қолди. Шерзод эса:

- Ота, сизнинг айбингиз йўқ, мен қизингиз истагандек муҳит ярата олмадим. Сиз хавотирланманг, Манзура қайтиб келади. Келмаса, ўзим бориб олиб келаман! - дея таскин бергандек бўларди...

Омон отага худо кеч фарзанд берди. Кўрган кечиргани шу Манзура қизи бўлди. Манзура туғилгандан сўнг хотини дардманд бўлиб қолди. Умрининг тетти йили шифохонага қатнаш билан ўтди. Бу орада қизалоқ ҳам мактаб ёшига етиб, 1- синфга қадам қўйди. Аммо шу кунларини кампири кўролмади.

Қайнотасига билдирмай, Шерзод шаҳарга, бир неча маротаба бориб келди. Аммо Манзурани аввалги манзилидан топа олмади. Иш жойи ҳам ўзгарган, дейишди- ю, манзилини беришмади.

Орадан ярим йил ўтди. Манзурадан дарак бўлмади. Омон ота юрак оғриғини орттириб олди. Ўғилчаси эса онасини сўрагани- сўраган. Шералига оғир бўлди, тенгқурлари орасида боши эгилди. Олдида гапиришмаса- да, ортидан ачинишиб, гапсўз қилиб қўйишади. Буни Шерали сезса- да, сезмасликка, эшитсада эшитмасликка олди.

Ташвишли кунларнинг бирида қишлоқда Манзура пайдо бўлди. Ота бечора хафа бўлишини ҳам, севинишини ҳам билмайди. Ичида қувончга ўхшаш бир туйғу бор, бу-ҳеч бир хатоларни тан олмайдиган оталик туйғуси. Фарзандининг тўрт мучаси соғ. Ҳар қанча хурсанд бўлмасин,

қизини совуққина қарши олди.

-Сен менинг болам эканлигингга баъзан шубҳа қиламан, гўри нурга тўлгур онанг тилла аёл эди. Икки яхшидан- бир ёмон, - дея сўз бошлади. Манзура отасининг гапидан хижолатомуз ерга қаради. Аммо ломим демади. - Эрингнинг олдида ўзингни нима деб окдамоқчи бўласан?

Дарвоза олдида қотиб турган Манзура бирдан жонланди.

-Менга болам керак, -деди кутилмаганда, - уни олиб кетаман.

Омон ота қизининг сўзларини оддий қабул қилди. - Бор, эринг берса, олиб кетавер.

Манзура орқасига бурилди- юкчага чиқиб кетди. Орадан бир қанча вақт ўтгандан сўнг дарвоза очилиб, куёви билан набираси кириб келишиди. Куёвининг қизисиз кириб келиши Омон отага оғир ботди.

-Манзура қани?-деди. Омон ота беҳосдан, салом аликни ҳам унутиб.

-Далада ишим кўпроқ эди, наби-

рангизга қараб турсангиз, уйда ҳеч ким бўлмайди, - деди Шерали тушкун кайфиятда. Ўз ўғлидек бўлиб қолган куёвининг аҳволи юрак бағрини эзиб юборди. Куёви кетгач, набираси Шерзоджонни гапга тутди.

-Онанг қани? Онангни кўрдингми?

Ҳа деганда набирасидан жавоб ололмагандан болани силтаб юборди. Кутилмаган бу ҳолдан Шерзоднинг кўзлари ёшланди. Омон ота набирасини бағрига босаркан, қилган қўполлигидан хижолат тортди. Шерзод йиғлаб, бобосининг бўйнидан кучди.

-Дадам онамнинг юзларига урганди, хафа бўлиб кетиб қолдилар. Шаҳарда оилам бор, мени кечиринг, дегандилар, дадам кечирмадилар. Набиранинг сўнгги сўзи Омон отани тек-ургайдек қалтиратиб юборди.

-Қанақа оила? - Омон ота ўзини кўчага отди. Худди етиб оладигандек, кўзларидан ёш тўкиб, чанг-тупроқли йул бўйлаб, юрганча олдинга интилди...





**Мўътабар БОЙМАТОВА**

**ЯРАЛДИМ**

**ДУЁНИНИ**

**СЎРОҚЛАРИДАН**

### ИСТАК

Чечакка айлансам бир зумда,  
Шудринглар чайсайди юзимни.  
Такдирнинг энг гузал боғидан  
Ўзимни топсайдим, Ўзимни.

Хар зарра япроққа дил-бериб;  
Сукутли борлиққа тил-бериб,  
Гавҳарлар ичидан энг нафис,  
Сўзимни топсайдим, Сўзимни!

Рўёга айланган тушлардан,  
Баҳорга интиққан қишлардан,  
Учмоққа ошиққан қушлардан,  
Кўзимни топсайдим, Кўзимни.

Ифорга беланган гуллардан,  
Нурларга йўғрилган диллардан,  
Орзулар чорлаган йўллардан,  
Изимни топсайдим, Изимни.

Мен тонги шабнамман,  
Соғинчман ҳар гал.  
Хурсандман,  
Борлиққа бахт берганимдан.  
Мен гўё олтинман,  
Табиат-заргар.  
Муҳаббат ясайди

\*\*\*  
Телба сой шовулар,  
Исмингни айтиб,  
Паришон гиёҳлар келар ҳушига.  
Мажнунтол чайқалиб маънос эгилар,  
Маҳзун хотиралар кириб тушига...  
Майсалар шивирлар энгашиб сойга.  
Хазон кўнган кафтлар титрайди беҳол.  
Кўксимга ҳижроннинг тиги қадалди,  
Кийнама,  
Ўкситма,  
Кел, суғуриб ол!  
Яралдим дунёнинг сўроқларидан,  
Қалбим тилсимларин сеҳрин топдингми?  
Сойга тукиламан тун қарогидан,  
Борлигинг кўрмадим, чашмим ёпдингми?  
Овозинг қелади хотиротлардан...  
Юрагим сувга фарқ бўлиб оққанда.  
Аёвсиз ўлдириб туйғуларимни,  
Умримни машъала қилиб ёққанда.  
Тупроққа тукилар саҳро ҳисларим,  
Кўнглимни ўпади соялар лаби.  
Жунунваш елларга қуяр юрагим,  
Дўзах оловида куйгани каби...

Соф юрагимдан.  
Мен шундай оловман,  
Севсангда магар.  
Қуясан ишқимнинг ҳароратидан.  
Мен шундай содиқман,  
Умрбод шаксиз  
Кечмайман севгимнинг  
Садоқатидан.

## ЁМҒИРЖОН

\* \* \*

Ёмғиржон,  
Нега ғамғусорсан?  
Нега йиглайсан?  
Ахир сен мусаффо само кўйнида  
Беғубор гўдақдек сокин ухлайсан.  
Ёмғиржон,  
Тўкил, томчилагин бошларим узра,  
Беҳуш майсалардек зумда тирилсам.  
Ғамлар тўфонида сенинг ёдингга,  
Қаддимни тиклайин,  
Тошга урилсам!...  
Ёмғиржон,  
Сен менинг қалбимга тўкил,  
Тўйиб сипқормоқ-чун  
Тутайин қадаҳ.  
Меҳрингдан маст бўлай,  
Шодланай ҳар чоқ  
Муҳаббатинг менга ҳаётбахш фараҳ!  
Ёмғиржон,  
Мен сенинг меҳринг тафтида,  
Кўёшга буй чўзиб яшайман ҳар он.  
Сенинг оғушингда,  
Сенинг бағрингда,  
Нафас олаяпман,  
Тирикман ҳамон!..

Қалбингни ёритган ёғдуман,  
Чорла.  
Ёнингга борайин,  
Зулмат қаъридан.  
Ишқинг тўфонларин селида оққан  
Рухимни лаънатла,  
Минг йил наридан.  
Нақадар баландсан,  
Масрурсан, беғам.  
Кўнглим япроғига кўнглингни ўраб,  
Парвонаман,  
Ишқинг ўтида ёниб,  
Умрингга сочилдим, куйиб, пирпираб.  
Севгимни, бахтимни  
Дуога  
Кўлларим куяди, кўлимни чўзсам.  
Қийноқлар ўтида Рухим тўлғонар,  
Гулзорлар ичидан гулларни узсам.  
Япроқлар қатига яшринган руҳинг,  
Бу гуллар биргина сенга аталган.  
Бу гуллар бир сени кутган-у,  
Аммо...  
Самовий бахт ёдидан унутилган...



## МУАЛЛИФЛАРИМИЗ:

**Абдурахим ЭРКАЕВ**, 1948 йилда туғилган. Фалсафа фанлари номзоди, доцент.

**Умида АБДУАЗИМОВА**, 1953 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

**Стефан ЦВАЙГ**, Австриялик машҳур ёзувчи. Унинг асарлари жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

**Даврон МАХСУДОВ**, 1978 йилда Андижон вилояти, Балиқчи туманида туғилган. Диншунос, исломшунос. Тарих фанлари номзоди.

**Амир ХУДОЙБЕРДИЕВ**, 1961 йилда Қарши туманида туғилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

**Абдулла ХОЛМИРЗАЕВ**, Сурхондарё вилоят «Зараулсой» жамоатчилик маркази раиси. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

**Озода БЕКМУРОВОДА**, 1974 йилда Қашқадарё вилояти Деҳқонobod туманида туғилган. «Ўзбекистон» телерадиоканали катта муҳаррири.

**Нафас ШОДМОНОВ**, 1961 йил Қашқадарё вилояти Ғузур туманида туғилган. Қарши давлат университети профессори, филология фанлари доктори.

**Сафар КАТТАБОЕВ**, 1954 йилда Қашқадарё вилояти Яққабғ туманида туғилган. Адлия катта маслаҳатчиси. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

**Саодат ШУКУРОВА**, 1966 йил Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида туғилган. Вилоят футбол мактаб-интернати она тили ва адабиёт фанлари ўқитувчиси.

**Баҳром МАҲМУД**, 1940 йил Қашқадарё вилояти Қарши туманида туғилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

**Тўра НАФАСОВ**, 1938 йилда Қашқадарё вилояти Чирокчи тумани туғилган. Қарши ДУ профессори.

**Дилшод КАРОМОВ**, 1973 йил Қашқадарё вилояти Касби туманида туғилган. Халқ депутатларининг Қарши шаҳар кенгаши депутати.

**Норбўта ҒОЗИЕВ**, 1947 йил Қашқадарё вилояти Чирокчи туманида туғилган. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси. «Адолат кучи» газетаси бош муҳаррири.

**Неъмат АРСЛОН**, 1940 йил Қашқадарё вилояти, Шахрисабз туманида туғилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.


**Чори АВАЗ**, 1957 йил Қашқадарё вилояти, Ғузур туманида туғилган. 1992 йил вафот этган.

**Дилрабо ВОИЗ (БОБОҚУЛОВА)**, 1980 йил Қашқадарё вилояти Қамати туманида туғилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

**Мафтуна НОРМАТОВА**, 1993 йил Қашқадарё вилояти Қарши туманида туғилган. Қарши агробизнес коллежи 3-босқич талабаси.

**Инобат АБДУЛЛАЕВА**, 1987 йилда Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида туғилган. «Қашқадарё ёшлар спорти» газетаси муҳбири.

**Мўътабар БОЙМАТОВА**, 1989 Қашқадарё вилояти Косон туманида туғилган. «Насаф» нашриёти ходими.



ISBN-2181-0281



2181 0281